

**Ш.А.СОДИҚОВА, М.А.РАСУЛХҶЖАЕВА**

**БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН  
ТАНИШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

0.51  
75



СН0000033599


**ТОШКЕНТ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Ш.А.СОДИҚОВА, М.А.РАСУЛХЎЖАЕВА**

**БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН  
ТАНИШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**(Ўқув қўлланма)**



**ТОШКЕНТ – 2013**

УЎК: 502 (075)-053.2  
КБК 74.100.5  
С-73

**С-73 Ш.А.Содиқова, М.А.Расулхўжаева. Болаларни табиат билан таништириш методикаси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 112 бет.**

**ISBN 978–9943–10–844–8**

Мазкур ўқув қўлланмада «Болаларни табиат билан таништириш методикаси» фанининг мақсади, вазифалари, мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, методлари ҳамда мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан таништиришнинг илмий-амалий асослари. Табиат билан таништириш методикаси фани бўлажак тарбиячиларни болаларни табиатга нисбатан масъуллик, ватанга муҳаббат каби туйғуларини шакллантириш, билим ва маҳоратга эга бўлишини таъминлайди.

Ўқув қўлланма педагогик Олий ўқув юртларини мактабгача таълим факультети талабалари ҳамда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун мўлжалланган.

УЎК: 502 (075)-053.2  
КБК 74.100.5

*Масъул муҳаррир:*  
**О.У.Ҳасанбоева – п.ф.н.проф.**

*Тақризчилар:*  
**Э.О.Турдиқулов – п.ф.д. проф.;**  
**М. Умарова – п.ф.н.**

**ISBN 978–9943–10–844–8**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

---

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўз миллий кадриятларини тиклаш йўлида жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳасида собитқадамлик билан иш олиб бормокда. Айниқса, табиат билан инсон муносабатларига оид муаммоларни ҳал қилишда. Дастлаб бу педагогик жараёни оила ва МТМлардан бошламок зарур.

Шунга кўра болалар боғчаларида таълим-тарбия бераётган тарбиячиларнинг олдида энг муҳим вазифаларидан бири ҳам болаларнинг табиат гўзалликларини кўра билиши, уни севиши, табиатда юз берадиган воқеа-ҳодисалар ҳақида тўғри тушунчага эга бўлиши, табиат бойликларидан оқилona фойдаланиш руҳида тарбиялаш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади

Ўқув қўлланмада Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан жорий этилган болалар боғчаларини табиат билан таништириш дастури, Ўзбекистоннинг ўзига хос этник хусусиятлари, географик иклими, табиий хусусиятлари ўрин олган ҳамда амалиётда эришилган ютуқлар асосида таълим-тарбия ҳақида назарий ғоялар берилган.

Қўлланма мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар бир ёш босқичига хос психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илк ёшдаги кичик гуруҳдан то мактабгача тайёрлов гуруҳи учун мўлжалланган билим ва кўникмалар ҳажмини ўз ичига олади.

Бўлажак боғча тарбиячилари учун энг муҳими, таълим-тарбия тизимини тушуниб олиш, табиат билан таништиришнинг шакл, метод ва услубларини шу билан бирга болаларнинг фаолиятларига раҳбарлик қилишни ўрганиб оладилар.

Ўқув қўлланма баёнида куйидаги тартибга эътибор қаратилди:

- мавзу номи;
- мавзу баёни бўйича режа;
- таянч иборалар;
- мавзунинг матни;
- мавзунини мустаҳкамловчи савол ва топшириқлар;
- фойдаланилган адабиётлар.

Мазкур қўлланма ўқув адабиётларини янги авлодини яратишга оид қўйилган талаблар асосида яратилди.

---

## **I боб. ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МЕТОДИКАСИНING ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ**

### **I. Режа:**

1. Табиат ҳақида тушунча.
2. Марказий Осиё мутафаккирларининг табиат билан таништириш ҳақидаги таълимотлари.
3. Табиат билан таништириш методикаси фанининг асосчилари.

### **II. Мавзунинг мақсади:**

Табиат билан таништириш методикаси фанининг шаклланиши, табиат ҳақида тушунча ва табиатни илк ёшдан ўрганиш ҳақидаги қараш ва таълимотлар.

### **III. Мавзунинг вазифалари:**

1. Табиатни ўрганиш инсон камолотининг муҳим омилларидан бири эканлигини англаш.
2. Баркамол шахсни шаклланишида табиатдаги ҳодисаларни таъсири ҳақидаги таълимотлар.
3. Табиат билан таништириш методикасини фан сифатида яратилиши ҳақидаги илмий изланишлар олиб борган олимлар ижоди билан таништириш.

**IV. Таянч иборалари:** табиат, жонли табиат, уй, макон, Авесто, атроф-муҳит, табиатшунослик, куч, қобилият, табиат билан тарбия уйғунлиги.

### **V. Атамалар:**

Биосфера – ерда ҳаётни пайдо бўлиши

Экология – уй, макон

Популяция – аҳоли

Аутэкология – «ўзи»

Синекология – бирликда.

### **1. Табиат ҳақида тушунча**

Табиат – битмас-туганмас хазинадир. Ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами ёш қалбнинг тўғри ўсиб шаклланишида, табиатда

бўладиган воқеа-ҳодисаларнинг сир-асрорини ўрганиб вояга етишида катта манба бўлиб хизмат қилади.

Табиатдаги нарсалар икки қисмдан: жонсиз ва жонли табиатдан иборатдир. Жонсиз табиатга ер, кўш, ой, юлдузлар, сув, ҳаво, тошлар, тупроқ, жонли табиатга эса ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар, одамлар киради. Жонсиз табиат дейилишига сабаб улар озикланмайди, ўсмайди, кўпаймайди, ривожланмайди. Масалан, тошни олсак, унга сув ҳам, ҳаво ҳам керак эмас.

Жонли табиатга кирувчилар эса озикланадилар, нафас оладилар, ўсадилар ва кўпаядилар. Жонли табиат вакиллари ўсимлик, ҳаво, сув, ёруғлик, иссиқлик ва озуқа бўлмаса яшай олмайди.

Жонли табиатдаги барча мавжудотлардан энг қудратлиси инсондир. Инсон фикрлайди, меҳнат қилади, турли кашфийётлар ихтиро қилади. Табиат инсонни маънавий бойитишнинг битмас-туганмас манбаидир.

Табиат билан инсон ўртасидаги уйғунликни таъминлашда экологик таълим-тарбиянинг роли ниҳоятда катта. Таълим тизимининг барча босқичларида амалга ошириладиган узлуксиз экологик таълим ва тарбия инсоннинг табиатига, қолаверса, ўзига нисбатан янги муносабатларнинг шаклланишини тақозо этади. Бу ўз навбатида баркамол инсоннинг шаклланишида пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин. Табиатга нисбатан муҳаббат уйғотиш она Ватанга, унинг табиат ёдгорликлари, тарихий обидалари, халқимизнинг анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялашга, юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

Биосфера ерда ҳаёт пайдо бўлгандан бошлаб, узоқ тарихий даврлар давомида ривожланиб келмоқда. Ернинг тирик организмлар ва биоген чўкинди тоғ жинслари тарқалган қисмини рус олими академик В.И.Вернадский биосфера (юнонча – «биос» – ҳаёт, «сфера» – шар) деб номлаган. Биосфера сайёрамизнинг «ҳаёт қобиғи» ҳисобланиб, тирик организмларнинг ўзаро чамбарчас алоқа, муносабатларидан иборат мураккаб эоцистерналар мажмуини ташкил этади.

В.И.Вернадский тушунчасига кўра ҳозирги вақтда биосферанинг таркибига фақатгина ернинг қобиғида тарқалган тирик организмлар кириб қолмай, балки қадимги даврларда организмлар иштирокида ҳосил бўлган литосфера қисми ҳам киради. Шунинг учун ҳам биосфера необиосфера ва полебиосфера каби таркибий қисмларга ажратилади.

Биосфера мураккаб ҳаракатдаги тизим экан, унда моддалар алмашинуви натижасида энергиянинг қабул қилиниши, тўпланиши ва ўтказилиши каби жараёнлар боради. Биосфера функционал нуқтаи назардан бир неча қатламлардан ташкил топган.

Биосфера ер шаридаги энг йирик экотизим бўлиб, у қуйи даражалардаги кичик тизимларга бўлиниб кетади. Булар куруқлик ва сув ҳавзалари, океанлар, метосферанинг юқори қатлами, атмосферанинг қуйи қатламлари, бундан ташқари куруқликда эволюцион-тарихий тизимлар сифатида биогеографик табиий минтақалар, биомлар, ландшафт зоналар, айрим ландшафтлар ва ҳоказоларга ажралади.

Биосферага катта доирадаги биотик моддаларнинг айланиши характерлидир. Биосферанинг умумий вазни  $3 \cdot 10^{24}$  бўлганда, тирик модда  $1,8-2,5 \cdot 10^{18}$  £ (куруқ вазни)га тенг бўлади.

Биосфера тушунчаси фанга 1875 йилда австралиялик зоолог Э.Зюсс томонидан киритилган. Биосфера ҳақидаги таълимот эса академик В.И.Вернадский томонидан яратилган. Сайёрамиздаги барча тирик организмлар йиғиндисини В.И.Вернадский «тирик модда» деб атади. «Тирик модда»нинг энг муҳим хусусиятлари унинг умумий вазни, кимёвий таркиби ва энергияси ҳисобланади. Биосферанинг иккинчи таркибий қисми тўлиқ модда бўлиб, В.И.Вернадскийнинг айтиши бўйича тирик организмлар қатнашадиган биосферадаги моддалар йиғиндисидан ҳосил бўлади. Биосферада «оралиқ моддалар» ҳам мавжуд бўлиб, улар ўлик ва тирик моддаларнинг биргаликдаги фаолиятдан ҳосил бўлади.

**Экология.** Бугунги кунда экология фани тушунчаси ҳар бир кишининг онгига сингиб бормоқда. Деярли ҳар куни газета саҳифаларида, радио ва ойнаижаҳон кўрсатувларида ҳозирги шароитдаги экологик муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумотлар берилади.

Экология тушунчаси юнонча сўз бўлиб, «эко» - уй, макон ва «логос» - фан деган маънони билдиради. Табиий уйимизни ўрганиш деганда, албатта, ундаги барча тирик организмлар ва жараёнларни ўрганиш, яъни ушбу уйни ёки масканни ҳаёт учун яроқли ҳолда сақлаш каби масалалар тушунилиши керак. Экология фани ҳам биология, география фанлари сингари мустақил фан ҳисобланади. У тирик организмларнинг яшаш шароити ва уларни ўзи яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ҳамда шу асосда вужудга келадиган қонуниятларни ўрганади. Экология

тушунчаси фанга биринчи бўлиб 1866 йилда немис биологи Э.Геккел томонидан киритилган.

Популяциялар, турлар, биоценозлар, биогеоценозлар ва биосфера каби тушунчалар экология фанининг манбаи ҳисобланади. Шунинг учун умумий экология тўрт бўлимга бўлиб ўрганилади: аутэкология, популяциялар экологияси, синэкология ва биосфера.

**1. Аутэкология** («аутос» – юнонча сўз бўлиб, «ўзи» деган маънони билдиради) айрим турларнинг улар яшаб турган муҳит билан ўзаро муносабатини, уларнинг қандай муҳитга кўпроқ ва узвий мослашганлигини ўрганади.

**2. Популяциялар** экологияси («популяцион» – французча сўз бўлиб, «аҳоли» деган маънони билдиради) популяциялар тузилмаси ва динамикасини, маълум шароитда турли организмлар сонининг ўзгариш (биомасса динамикаси) сабабларини текширади.

**3. Синэкология** («син» – юнонча сўз бўлиб, унинг маъноси «бирликда» демакдир) биогеоценозларнинг тузилиши ва хоссаларини, айрим ўсимлик ва ҳайвон турларини ўзаро алоқасини ҳамда уларни ташқи муҳит билан муносабатини ўрганади.

**4. Экотизимларнинг** тадқиқ қилишнинг ривожланиши биосфера ҳақидаги таълимотни вужудга келтиради.

Бугунги кунга келиб экология фани аниқ биологик фанлар тизимидан чиқиб, атроф-муҳитга замонавий фан ва техника тараққиётининг таъсири натижасида ўта кенгайиб кетди. Фанга «инсон экологияси» деган атама ҳам кириб келди.

Инсоннинг ташқи муҳитга муносабати бошқа тирик организмлардан тубдан фарқ қилади. 1921 йилда америкалик олимлар Борта ва Парк томонидан «Инсон экологияси» деган янги фан киритилди.

Дастлаб, инсон экологиясига табиий соҳа бўлими сифатида қаралиб, кейинчалик унинг ижтимоий, техник, меъморий-иқтисодий ва ҳуқуқий томонлари ҳам ўрганилди. Инсон экологияси инсоннинг атроф-муҳитга ва аксинча, атроф-муҳитнинг инсонга таъсирини ўрганади. Инсон экологиясини ўрганиш натижасида ижтимоий экология вужудга келади. Унга биринчи бўлиб Радерик Мак Кензил таъриф берган.

Ижтимоий экология ижтимоий фанлардан бири ҳисобланиб, унинг мақсади инсон билан атроф-муҳит ўртасидаги хусусий боғланишларни ўрганишдан иборат. Шундай қилиб, экология бугунги кунда табиий ва ижтимоий фанлар жумласига кириб, ўрганилаётган объект ёки тизимнинг атроф-муҳит билан муносабатини кенг

микёсда тадқиқ этади. Биосфера ва инсон экологияси фанининг объекти бўлиб бир ҳужайрали содда тузилишдаги бактериялар, замбуруғлар, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳамда уларнинг жамоалари хизмат қилади. Экология фани табиат билан тирик организмларнинг узвий боғланишини ифода этар экан, у шубҳасиз табиатни муҳофаза қилишнинг илмий асосини ташкил этади.

## **2. Марказий Осиё мутафаккирларининг табиат ҳақидаги таълимотлари**

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи қадимдан экологик маданият меросига эга.

Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто» халқимизнинг бебаҳо мулки саналади. Бу нодир китоб бундан ўттиз аср муқаддам шу заминда яшаган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий тарихий меросидир. «Авесто», айни замонда, бу қадим ўлкада буюк давлат, юксак маънавият ва маданият бўлганлигидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдир.

«Авесто» табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларини маънавий, руҳий ва ахлоқий мезонлар орқали уйғунлаштирувчи, кишини қуршаб олган оламни ўрганишга чорлагувчи фалсафадир.

«Авесто»да ноёб доривор гиёҳлар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, уй-жой, атроф-муҳит, табиатни муҳофаза қилиш, уни асраш тўғрисида тавсиялар берилган.

«Авесто»да ер, сув, хона, инсон тана аъзолари, кийим-кечакларни тоза тутиш ҳақида ёзилган. Атроф-муҳит, кўчаларни, бутазорлару ўтлоқларни, ерни ифлос қилган кишилар жазоланганлар. Шунингдек, муҳит тозалигини сақлаш ва касалликларни олдини олиш мақсадида ахлатларни, ифлосланган жойларни тош, тупроқ, қум билан кўмиб ташлаш буюрилган.

Асарда касаллик тарқатувчи ҳашаротларни йўқотиш, шунингдек, уй ҳайвонларини тўғри парвариш қилиш йўллари ҳам кўрсатилган.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёда яшаб ижод этган олимлардан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Фарғоний ва бошқалар табиатшунослик фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Улар ҳали экология фани дунёга келмаган даврда табиат ва ундаги

мувозанат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида кимматли фикрлар айтганлар.

Буюк аллома Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783–850) рисолаларидан бирида бундай деб ёзади:

«Билингки, дарёнинг кўзлари ёшланса, унинг бошига ғам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан меҳрингизни дариг тутманглар!» Дарёнинг «ёшли кўзлари» деганда Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий нималарни кўзда тутган экан? Эҳтимол, у дарё сувининг ортиқча исроф бўлишини назарда тутгандир? Ваҳоланки, буюк бобомиз энг аввало дарё билан одамларнинг «бир-бирларини тушунишлари», ўзаро меҳр-муҳаббат қўйишларини назарда тутган.

847-йилда Муҳаммад ал-Хоразмий «Китоб суръат ал-арз» номли асарини ёзди. Унда дунё океанлари, қуруқликдаги қитъалар, қутблар, экваторлар, чўллар, тоғлар, дарё ва денгизлар, кўллар ва ўрмонлар, улардаги ўсимлик, ҳайвонот дунёси, шунингдек, ернинг асосий бойликлари ҳамда бошқа табиий ресурслар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу рисолада математика, геология, астрономия, этнография, тиббиёт, шунингдек, дунё халқларининг табиий кўникмалари ва тарихий-ҳуқуқий билимлари умумлаштирилган.

Абу Наср Форобий. Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрларининг энг йирик ва машҳур вакилларида бири Абу Наср Форобийнинг (873–950 й.й.) илмий-фалсафий мероси ниҳоятда бой. Унинг асарлари ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган. Немис олими М.К.Броккелманнинг рўйхатида Форобийнинг турли соҳаларга оид 180 та асарининг номи келтирилган. Форобий табиатшуносликнинг турли тармоқлари билан шуғулланган бўлиб, унинг «Китоб ал-ҳажм ва ал-миқдор», «Китоб ал-мабоди ал-инсония» («Инсониятнинг бошланиши ҳақида китоб»), «Китоб ал-аъзо ал-ҳайвон» («Ҳайвон аъзолари тўғрисида китоб») номли асарлари бунга далил бўла олади.

Табиатшуносликка оид «Одам аъзоларининг тузилиши», «Ҳайвон аъзолари ва уларнинг вазифалари ҳақида» каби асарларида одам ва ҳайвонлардаги айрим аъзоларнинг тузилиши, хусусиятлари ва вазифалари ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган.

Одам аъзоларининг тузилиши ва вазифалари ҳақида сўз юритилганда ўзгаришлар, яъни касалликлар биринчи навбатда овқатланиш тартибининг бузилиши оқибатида келиб чиқади, деб тушунтирилади.

Форобий табиий ва инсон кўли билан яратиладиган сунъий нарсаларни ажратган. Шунингдек, у табиий нарсалар табиат томонидан яратилганлигини ва бунда инсон омилининг таъсири катта эканлигини, табиий ва сунъий танлаш ҳамда табиатга кўрсатиладиган бошқа таъсирларни атрофлича баҳолаган.

Абу Райҳон Беруний (973–1048 й.й.) коинотдаги ҳодисаларни тараққиёт қонунлари, нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсири билан тушунтиришга уринади. Олим ердаги баъзи ҳодисаларни қуёшнинг таъсири орқали изоҳлайди. Берунийнинг фикрича, ердаги ўсимлик ва ҳайвонот оламининг яшаши учун зарур имкониятлар чекланган. Лекин ўсимлик ва ҳайвонлар доимо кўпайишга интилади ва шу мақсадда курашади. Берунийнинг табиатшунос сифатида қуйидагича фикрлари ҳанузгача ўз долзарблигини йўқотмаган:

«Экин ва насл қолдириш билан дунё тўлиб бораверади. Гарчи дунё чекланган бўлсада, кунлар ўтиши билан бу икки ўсиш натижасида кўпайиш чекланмайди. Агар ўсимликлардан ёки жониворлардан бирор хилининг ўсишига шароит бўлмай, ўсишдан тўхтаса ҳам, бошқаларида бу аҳвол бўлмайди. Улар бирданига пайдо бўлиб, бирданига йўқолиб кетмайди. Борди-ю, ер юзини бир хил дарахт ёки бир хил ҳайвон бутунлай қоплаб олса, бу ҳолда ҳайвоннинг кўпайишига ҳам, дарахтнинг ўсишига ҳам ўрин қолмайди. Шу сабабдан деҳқонлар экинларни ўтоқ қилиб, кераксизини юлиб ташлайдилар».

Беруний асарларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг тарқалиши ва хўжаликдаги аҳамияти ҳақида маълумотлар топиш мумкин.

Берунийнинг илмий қарашлари, асосан, «Сайдана», «Минералогия», «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар» асарларида ўз аксини топган. Унда Эроннинг турли тропик ўсимлик ва ҳайвонларининг ташқи муҳит билан алоқаси, уларнинг хулқ-атвори йил фаслларининг ўзгариши билан боғлиқлиги мисоллар билан тушунтирилган.

Беруний ер юзининг ўзгариши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзгариши билан, тирик организмларнинг турли ҳаёти ер тарихи билан боғлиқ бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Кумни кавлаб, унинг орасидан чиғанокни топиш мумкин. Бунинг сабаби, бу кумлар қачонлардир океан туби бўлган, деб таъкидлайди аллома. Беруний «Сайдана» деган асарида 1116 хил дори-дармонларни тавсифлаган. Уларнинг 750 таси турли ўсимликлардан, 101 таси

хайвонлардан, 107 таси эса минераллардан олинади. Берунийнинг «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар» ва «Ҳиндистон» асарларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг тузилиши ҳамда уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Беруний ўзининг табиий-илмий кузатишлари, тажрибалари асосида табиатдаги ҳодисалар маълум табиий қонуниятлар асосида бошқарилади, уларни ташқаридан таъсир этувчи ҳар қандай куч ўзгартириш қобилиятига эга эмас, деган хулосага келади.

Абу Али ибн Сино (980–1037 й.й.) йирик қомусий олим сифатида танилган. Унинг 450 та асари мавжуд бўлиб, бизгача 240 таси етиб келган. Ибн Сино асарлари орасида «Тиб қонунлари» шох асари тиббиёт илмининг қомуси бўлиб, ўрта аср тиббиёт илми тарқалишининг олий чўққиси бўлиб ҳисобланади.

Ибн Синонинг фалсафий ва тиббий илмий қарашлари унинг жаҳонга машҳур «Китоб аш-шифо», яъни «Даволаш китоби» асарида баён этилган. Бу асарда материя, фазо, вақт, шакл, ҳаракат, борлиқ каби фалсафий тушунчалар, шунингдек, математика, кимё, ботаника, экология, геология, астрономия, психология каби фанлар ҳақида фикрлар баён этилган.

Ибн Синонинг тоғларнинг вужудга келиши, ер юзининг даврлар ўтиши билан ўзгариб бориши, зилзиланинг бўлиши каби турли табиий жараёнлар ҳақидаги фикрлари геология илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Заҳридин Мухаммад Бобур (1483–1530 й.й.). Бобур нафақат шоир, балки подшо, овчи, тарихчи, боғбон ва табиатшунос бўлган. «Бобурнома» асарида Бобур ўзи кўрган-кечирганлари, юрган жойлари табиати, бойлиги, урф-одати, ҳайвоноти, ўсимликларини тасвирлаган. Асарда ер, сув, ҳавога тегишли халқ сўзлари кўплаб учрайди.

Бобур ўз асарида жойнинг географик ўрни, қайси иқлимга мансублиги, ўсимликлари, ҳайвонлари ҳақида баён этган ва Ўрта Осиёда қадим вақтлардан буён қовун, буғдой, ўрик, нок ва меваларнинг бир неча навлари борлиги ҳақида таъкидлаган.

Асарда Бобур борган жойларнинг табиати ва ўзига хос хусусиятларини Андижон билан таққослаган ҳамда Ўрта Осиё, Афғонистон, Хуросон ва Ҳиндистондаги ҳайвонот дунёси ҳақида батафсил баён этиб берган.

### 3. Табиат билан таништиришнинг педагогик асосчилари

Чехиялик машхур педагог Я.А.Коменский башарият тарихидан демократик педагогиканинг асосчиси сифатида ўрин олган. У ўзининг онгли ҳаётини ва амалий педагогик фаолиятини, яратган илмий асарларини болаларни ўқитиш ва тарбиялашдек олижаноб ишга бағишлаган.

Унинг фикрича, инсон табиатнинг энг гўзал мавжудотидир. Инсон табиатга эргашиб, ҳамма нарсани билиб олиши мумкин. Ўзининг «Буюк дидактика», «Тиллар ҳамма фанларнинг очик эшиги», «Физика», «Фалакиёт», «Оналар мактаби», «Тинчлик фариштаси» каби асарларида ўзининг муҳим педагогик ғояларини ифодалаган.

Я.А.Коменский мактабларнинг 4 турини йилнинг 4 фаслига ўхшатган.

«Оналар мактаби» хушбўй ўсимликлар, ғунча ва гулларга бурканган ажойиб баҳорни эслатади.

«Она тили» мактаби ёзга ва айрим эрта пишган меваларга ўхшайди.

«Гимназия»да далалар, боғ ва теракзорлардаги мўл ҳосилни йиғиб, уни «ақл хазинаси»га жойлаётган куз фаслини эслатади.

Ва ниҳоят, «Академия» йиғилган ҳосилни умр бўйи сарфлашни мўлжаллаб тақсимлаётган кишига ўхшатилади.

Я.А. Коменский «Оналар мактаби»да 18 та фандан маълумот олишни тавсия этган. Унинг фикрича олти яшар бола:

- сув, ер, ҳаво, олов, ёмғир, қор, муз, тош, темир, дарахт, ўт, қуш, балиқ кабиларни;

- ёруғлик ва қоронғуликнинг фарқини, осмон, қуёш, ой, юлдузлар ҳақидаги билимларни, уларнинг ҳар қуни чиқиши ва ботиши ҳақидаги тасаввурларни;

- ўзи яшаётган жойнинг хусусиятига мувофиқ тоғ, водий, дала, дарё, қишлоқ, шаҳар нима эканлигини билиши керак.

Я.А.Коменский ҳамма нарсани табиатга боғлаб тушунтирган. У ўқувчилар диққатини жалб этиш учун китобларнинг номини қизиқарли номлаб, мазмунини тўлиқ ифодалаб берган. Унинг айтишича, бу соҳада мавжуд нарсалардан энг чиройлиси боғнинг турли манзараларидан намуна олишдир.

Масалан, нега энди 1-синф учун битилган китобни «Гунафша жўяги», 2-синф китобини - «Атиргул тупи», 3-синф китобини – «Истироҳат боғи» ва ҳоказо деб номлаш мумкин эмас?

Я.А.Коменский болаларни тарбиялашда табиатнинг аҳамиятини ўзининг бошқа асарларида ҳам очиб берган.

И.Г.Песталоцци 1746 йилда швецариялик шифокор оиласида туғилган. У ўз замонасининг машхур педагоги бўлган. Унинг фикрлари ҳалигача педагогика соҳасида қўлланиб келинади. У «Гертруда ўз болаларини қандай қилиб ўқитади», «Кузатиш алифбоси», «Сон тўғрисида кўрсатмали таълим», «Оққуш қўшиғи» каби асарларни яратди. И.Г.Песталоццининг фикрича, болага берилётган тарбия табиат билан уйғун бўлиши керак. У Я.А.Коменский, Жан Жак Руссоларнинг ушбу ғоясига амал қилди:

«Инсоний кучларнинг ўсиши учун табиат қилаётган ҳаракатга ёрдам берилмаса, бу ҳаракатлар одамларни ҳайвоний-ҳиссий хусусиятлардан сокинлик билан қутқаради. Тўғри тарбия эса уларни, яъни барча инсоний кучларни ўстиришга ёрдам беради».

И.Г.Песталоцци болаларнинг ақлий камолотини ўстирувчи куйидаги дидактик қоидаларни олға суради:

1. Таълимнинг табиат билан уйғунлиги.
2. Оддийдан мураккабга йўналтириш.
3. Боланинг куч ва қобилиятига мослаштириш.
4. Кўргазмалилик.

И.Г.Песталоцци бошланғич таълим хусусий методикасининг асосини яратди. Бунда у она тили, ҳисоб, география, ўлкашунослик фанларидан элементар таълим бериш мазмунини асослаб берди ва бола тилини бойитиш учун география, тиббиёт фанларининг ҳам узвий равишда олиб борилишини тавсия этган эди.

И.Г.Песталоцци дунё педагогика фанининг тараққиётига катта ҳисса қўшиб, ўз асарлари билан ўзига ҳайкал яратган олимдир.

Рус миллий педагогикасининг асосчиси К.Д.Ушинский 1824-йили Россиянинг Тула шаҳрида туғилган. У «Болалар дунёси», «Она тили», «Муаллимлар учун қўлланма» асарларини ёзган.

К.Д.Ушинский бошланғич мактабдаги таълим мазмунини асослаб бериш билан бирга ундаги қонун-қоида, тартиб, метод ва воситаларини ҳам ишлаб чиқиб, дидактика фанига катта ҳисса қўшди. Бу эса ажойиб янгилик сифатида муҳим аҳамият касб этди. У энг аввало ўқитишни болалар меҳнати билан боғлашни тавсия қилди.

К.Д.Ушинский чет эл мактабларида олиб борилаётган таълим-тарбияни ўрганиб, ўзининг «Педагогик адабиётнинг фойдаси», «Бошлангич таълим методикаси» ҳамда «Она сўзи» асарларини ўзди.

### Назорат саволлари

1. Табиат нима учун ўрганилади?
2. Экология фани қандай бўлимлардан иборат?
3. Табиатшунослик фанининг ривожланишига ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик қайси мутафаккирларни биласиз?
4. Ал-Хоразмий табиатшунослик фанига қандай ҳисса қўшган?
5. Берунийнинг қайси илмий асарларини биласиз?
6. Заҳриддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида нималар ҳақида ўзган?
7. Я.А.Коменский болаларни табиат билан таништириш методикаси фанига қандай ҳисса қўшган?
8. Г.Песталоцци болаларни табиат билан таништиришда нималарни олға сурган?
9. К.Д.Ушинскийнинг қайси асарларини биласиз?
10. «Болалар боғчасида экологик тарбия» номли қўлланманинг муаллифлари ким ва унда қандай вазифалар бажарилган ?
11. «Болажон» дастури қандай вазифалардан иборат?

### Адабиётлар

1. И.Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». –Т.: «Маънавият», 2008 й.
2. «Баркамол авлод йили дастури» –Т.: «Ўзбекистон» 2010 й.
3. О.Ҳасанбоева, Х.Джабборова ва бошқалар. «Болаларни табиат билан таништириш методикаси» –Т.: «Чўлпон», 2009 й.
4. П.Юсупова «Мактабгача ёшдаги болаларга экологик тарбия бериш» –Т.: «Ўқитувчи», 1995 й.
5. О.Ҳасанбоева «Педагогика тарихидан хрестоматия» –Т.: «Ўқитувчи», 1993 й.

---

## **II боб. ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

### **I. Режа:**

1. Табиат билан таништириш методикаси фанининг баркамол инсон тарбиясидаги имкониятлари.

2. Ақлий тарбия.

3. Эстетик тарбия.

4. Ахлоқий тарбия.

5. Жисмоний тарбия.

6. Экологик тарбия.

7. Табиат билан таништиришда болаларни баркамол қилиб тарбиялашда тарбиячининг ўрни.

### **II. Мавзунинг мақсади:**

Талабаларда баркамол авлод тарбиясида табиат билан таништириш методикасининг имконияти, юксак маънавий фазилатларни шакллантиришдаги ўрни ва тарбияни маҳорати ҳақида билим бериш.

### **III. Мавзунинг вазифалари:**

1. Баркамол инсон тарбиясида табиатни ўрганиш долзарб масала эканлиги.

2. Табиат билан таништириш орқали болаларда ахлоқий сифатларни шакллантириш.

3. Тарбиянинг бу соҳадаги билим ва маҳоратига қўйилган талабларга амал қилиш.

**IV. Таянч иборалари:** табиат гўзаллиги, ақлий, ахлоқий, жисмоний, иқтисодий, экологик, эстетик, тарбия, тарбиячи, маҳорат, тарбиявий имконият.

## **1. Табиат билан таништириш методикаси фанининг баркамол инсон тарбиясидаги имкониятлари**

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, бу жараённинг самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳам ҳар томонлама камол толган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда тиклаш ва ҳуқуқий, психологик-педагогик шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни кўзда тутди.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни маънавий етуқ, ахлоқли, пок инсонлар қилиб вояга етказишда табиат билан таништириш методикаси фани муҳим аҳамият касб этади. Унинг мақсади, мактабгача таълим ёшидаги болаларни мактабга тайёрлаш, табиат билан таништириш жараёнида табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, Ватанга меҳрли бўлиш, экологик таълим-тарбияни амалга ошириш, табиат ҳақида мукаммал билимга эга бўлган ёшларни тарбиялашдир.

Табиат билан таништириш методикасининг вазифаси ўқувчиларни табиат билан таништириш усуллари, иш шакллари, шунингдек, педагог, психолог олимлар ва мутафаккирларнинг табиатнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги билимлари билан таништириш ва назарий билимлар беришдан иборат.

– Табиат билан таништириш методикаси фани педагогиканинг бир қисмидир, чунки табиат билан таништириш орқали барча тарбия турлари амалга оширилади. Табиат билан болаларнинг ёш хусусиятлари, физиологик тузилишларини ҳисобга олган ҳолда таништирилади. Шу билан бирга турли ёш гуруҳларда уларнинг қизиқишлари, қобилиятлари, эҳтиёжлари, характер хислатлари, истеъдодлари ҳисобга олинади.

– Бола аъзоларининг тузилиши – олий нерв системаси, ички аъзолари, тана тузилиши, ёшга қараб ҳосил бўладиган ўзгаришлар табиат билан таништиришда муҳим аҳамиятга эга. Бундан кўриниб турибдики, бу курс болалар физиологияси фани билан ҳам бевосита боғланган.

– Биология фани табиат билан таништириш методикасининг асосини ташкил этади. Чунки биз болаларни жонли ва жонсиз

табиат, табиат ҳодисалари, йилнинг турли фасллари билан таништирамиз.

– Табиат билан таништириш методикаси фани фалсафа, биология, педагогика, психология, физиология ва барча методикалар билан боғлиқ ҳолда бир-бирини тўлдириб, мустаҳкамлайди.

Болаларнинг жонсиз табиат ҳодисалари, ўсимликлар ва ҳайвонлар, инсон меҳнати ҳақидаги тушунча ва тасавурларини кенгайтириш ҳақида бойитиш, шунингдек, ўсимликлар ўстириш, ҳайвонларни парвариш қилишда болаларда оддий кўникмалар ҳосил қилиш таълим беришнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бунда болаларда кузатувчанлик, билимга қизиқиш, тафаккур ва мантиқий нутқ ривожланади, сўз бойлиги ортади, янги тушунчалар ҳосил бўлади.

Болаларда меҳнатни севиш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, ўсимлик ва ҳайвонларни асраш, уларни парвариш қилиш, ўз Ватанини, табиатни севиш, табиат гўзалликларини кўра олиш каби хислатларни ўстириш орқали тарбиявий вазифалар ҳал қилинади.

Мактабгача таълим муассасаларида табиат билан яқиндан таништирмасдан туриб, болаларни жисмонан ривожлантириш, нутқ ва тафаккурларини бойитиш вазифаларини амалга ошириш мумкин эмас.


## 2. Ақлий тарбия

Табиат билан таништиришнинг болаларни ақлий жиҳатдан ўсишига таъсири каттадир.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни табиат билан таништиришда таълим-тарбия жараёнида уларнинг онгида атрофни ўраб олган дунё ҳақида ҳиссий тажрибага асосланган аниқ билимлар ҳосил қилиш муҳимдир. Ҳақиқатни тўғри акс эттирувчи билимлар берилмаси, болаларда табиат ҳақида нотўғри тушунчалар ҳосил бўлади.

Нотўғри тушунчаларни тузатиш янги тушунчалар ҳосил қилишга нисбатан анча қийинроқдир. Шунинг учун болаларда мактабгача таълим ёшиданок, ҳис этилиш, қабул қилиб олиш ва зехний ривожланиш тажрибаларига асосланган ҳолда табиат ҳақида илмий дунёқарашларнинг шаклланиши жуда муҳимдир.

И.П.Павлов таълимотига кўра, инсоннинг табиатдаги нарса ва ҳодисалардан олаётган таъсири биринчи



926444

уларни ифодаловчи сўз эса, иккинчи сигнал системасини ҳосил қилади. Билишнинг ҳиссий томони биринчи сигнал системаси билан боғлиқ, бу кўргазмали, образли тафаккурга асосланган бўлиб, мия пўстлоғидаги муваффақиятли боғланишни ўз ичига олади, яъни ташқи дунёдаги нарса ва ҳодисаларни сезишда, идрок қилишда ва тасаввурда бевосита акс этади. Билимнинг рационал томони, абстракт тафаккур, яъни тушунчаларнинг ҳосил бўлиш жараёни иккинчи сигнал системаси билан боғлиқдир. Иккинчи сигнал системаси ташқи дунё билан фақат биринчи сигнал системаси орқали алоқа олиб боради, шунинг учун тафаккур сезги ва идроксиз бўлиш, бирон нарса ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмай туриб тушунча ҳосил қилиниши мумкин эмас.

«Ҳиссий билимнинг физиологик асоси – кўриш, эшитиш, ҳид билиш, тери, ҳаракатлантирувчи ва бошқа анализаторларнинг биргаликдаги фаолиятидир» - деган эди И.П.Павлов.

Ўзлаштиришда қанча кўп анализаторлар биргаликда иштирок этса, тасаввур ва тушунча шунчалик аниқ, бой ва маъноли бўлади. Демак, болаларни табиат билан таништириш асосига биринчи навбатда кўргазмалиликни кўйиш керак, яъни нарса ва ҳодисалар уларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсир этиши, болалар нарсаларни кўриб, қўл билан ушлаб кўришлари, эшитиб, ҳидлаб кўришлари, таъмини татиб кўришлари, яъни уларнинг хусусиятларини сеза билиш имкониятларига эга бўлишлари шарт.

Уйда, сайрда, ўйинларда ва меҳнатда, табиатдаги нарса ва ҳодисаларни болаларга таъсир этиши натижасида уларда сеза билиш тажрибалари тўпланиб боради. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар боғчага кетаётганларида кўчадаги об-ҳаво шароити (совук, иссиқ, илиқ ва намлик)ни сеза оладилар. Қўлларини ювганларида, чўмилиш вақтида, ўйинларда сувнинг хусусиятларини (совуқлиги, илиқлиги, сачраши, тошларнинг сувда чўкиши ёки ёғочнинг сузиб юриши)ни пайқай оладилар. Ҳайвонларни парвариш қилишда эса уларнинг ҳаракатларини, одатларини билиб оладилар.

Бола табиат билан яқин муносабатда бўлиши натижасида, ундаги нарса ва ҳодисаларни яққол кўриб, идрок қилиш имкониятига эга бўлади. Лекин кўпинча бола нарсаларни пайқамай қолиши ёки муҳим бўлмаган томонларга диққат қилиб, идрок қилган нарсаларини нотўғри тасвирлаши мумкин. 3-4 ёшдаги бола учаётган қушларни ҳамма вақт ҳам сезмаслиги мумкин. Ҳайвонларни учратганда у биринчи навбатда унинг катталигига эътибор

беради, аквариумда сузиб юрган балиқни кўрсатиб уни «юрпти» ёки «қанотларини силкитяпти», - деб айтади. Бундан маълум бўладики, болани табиат билан таништиришда унга ҳодиса ёки нарсани кўрсатишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Ўргатиш жараёнида мақсадга мувофиқ раҳбарлик қилиниши зарур. Бу эса тарбиячининг боланинг идрокини йўлга соладиган, диққатини кўриш ва эшитиши муҳим бўлган нарса ва ҳодисаларга тўғри йўналтирувчи сўзларида ифодаланади.

Мақтабгача тарбия ёшида табиатни ўрганиш кўпроқ она тилини билиш билан яқиндан боғлиқдир. Бу ёшда сезиб идрок қилишдан кўра сўз билан айтиб идрок қилиш мустаҳкам ўзлаштирилади. Сезиб идрок қилишда табиат ҳақидаги ҳамма билимларни бошланғич манбаи эканлигини доимо назарда тутиш керак, аниқроқ қилиб айтганда, болалар онгида ҳақиқатни акс эттириш фақат идрок қилиш билан боғланган сўзлар ёрдамида ҳосил қилиниши мумкин.

Тушунча – бу миянинг аналитик-синтетик фаолиятининг натижасидир. Табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир неча марта сезиб идрок қилиниши, уларнинг бошқалари билан таққослаб кўрилиши, улардаги энг муҳим белгиларнинг сўзларда акс эттирилиши натижасида тушунча ҳосил бўлади. Тушунча болалар фаолиятида ўйин ва меҳнатда ўзлаштирилади ва текшириб кўрилади.

### 3. Эстетик тарбия

Ёшларга эстетик тарбия беришдан мақсад – шахснинг эстетик диди ва идеалини таркиб топтириш, теварак-атрофдаги нарсаларни тўғри қабул қилиш қобилиятларини ҳар томонлама ўстиришдир. Эстетик тарбия болага дид билан кийиниш, юриш-туриш, меҳнат қилиш, омма орасида ўзини тўғри тута билиш каби хислатларни сингдиради. Айниқса, она табиатни севиш ва ундан завқ олиш, яъни гўзалликни ҳис қилишни ўргатади. Гул ва меваларнинг ҳиди, шакли ва ранглари, қушларнинг сайраши, ариқларда сувнинг жилдираб оқиши, қишда қорнинг ғичирлаши - буларнинг ҳаммаси болаларда табиатдаги нарса ва ҳодисаларни тасаввур этишга имкон беради ва уларда эстетик ҳиссиётини тарбиялашда ва ўстиришда бой материал бўлиб хизмат қилади. Боғча ёшидаги болаларда бундай эстетик туйғуларнинг ўсиши эса, ўз навбатида санъатни,

хаётни, табиатни севиш, уни тушуниш ва ўрганиш учун зарур шарт-шароит яратади.

Аввал табиат гўзаллигини, сўнгра санъат гўзаллигини ҳис этиш керак. Табиатдаги ва санъатдаги гўзаллик билан танишиш боланинг ақл-идроки ва ҳис-туйғуларини тарбиялабгина қолмай, балки унинг ахлоқини, ақлий хаёл ва фантазиясини ҳам ривож-лантиради.

Боғча ёшидаги болани табиат билан таништиришда уни завқлантириш, эстетик ҳис-туйғуларни ҳосил қилиш осон иш эмас. Унинг табиат гўзалликларини кўра билиши, улардан баҳраманд бўлиши, қалбида ҳавас, қизиқиш, ҳаяжонланиш ҳисларининг уйғо-ниши учун ойлар, йиллар керак бўлади. Болани эстетик тарбиялашни табиатга саёҳат, сайрлар ёки боғча ҳовлисидаги хушманзара гулларни, чиройли боғ ҳовлиларини кузатиш орқали амалга оширса бўлади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат орқали эстетик руҳда тарбиялашни табиатнинг истаган фаслида амалга ошириш мумкин.

#### 4. Ахлоқий тарбия

Ахлоқий тарбия деганда, ёш авлодни Ватанга, инсонларга муҳаббат, уларнинг меҳнатига ҳурмат туйғулари, интизомлилик, хулқ-атвор маданияти, тенгдошлар орасидаги дўстлик, тинчлик, инсон характерининг иродавий ҳислатлари ҳамда шахснинг ижобий, ахлоқий сифатлари, поклик, тўғрилиқ, камтарлик, хуллас барча олижаноб ҳислатларни мужассамлаштириш руҳида тарбия-лаш тушунилади.

Ёш авлодда бу ҳислатларни камол топтириш учун табиат воситасидан кенг фойдаланиш керак. Бу мураккаб жараён бўлиб, узоқ вақт, керак бўлса йиллар давомида қилинадиган меҳнатнинг маҳсули ҳисобланади.

Табиат воситасида ахлоқий тарбия бериш учун боғча ҳовлиларига экилган гулларни парвариш қилиш жараёнида ҳар бир гулни, ниҳолни асраш, уни парвариш қилиш, гулларнинг тагини юмшатиш, суғориш, бегона ўтлардан тозалаш, шакл бериш, ўғит ёки гўнг солиш каби ишларни бажариш жараёнларини амалга ошириш мумкин. Бу ерда тарбиячининг аҳамияти катта. Масалан, тарбиячи болаларга гулларни парвариш қилаётганда уларнинг ҳам жонли организм эканлигини, биз қандай нафас олсак, улар ҳам

нафас олишини, биз қандай овқатлансак, улар ҳам биздек «овқатни яхши кўришини», ўсимликнинг овқати гўнг, ўғит эканлигини, биз ювиниш, таранишни қандай яхши кўрсак, гуллар ҳам «ювинишни», «таранишни» яхши кўришини ва бунинг учун гулларни тагини вақти-вақти билан юмшатиб, сув бериб туриш кераклигини, баргларига чанг юқтирмасдан ювиб, артиб туриш кераклигини ўргатиши зарур. Шунингдек тарбиячи болаларга одамлар ёруғликни, қуёшни қандай яхши кўрса, гуллар ҳам ёруғликни, қуёшни шунчалик яхши кўришини, шунинг учун ҳам уларни соя ёки қоронғи ерда сақлаш мумкин эмаслигини уларга ўқтириши зарур.

Табиат воситасида болаларга ахлоқий тарбия беришнинг йўллари жуда кўп ва хилма-хилдир. Биз юқорида фақат унинг баъзи бирларини эслатдик, холос. Уни ҳар бир тарбиячи ўз шароити, ўз миллий урф-одатлари асосида амалга оширса, нур устига аъло нур бўлар эди. Болаларнинг ўсимликлар ўстириш ва ҳайвонларни парвариш қилишда иштирок этишлари уларда ҳар бир ишда жавобгарликни ҳис қилишга ва меҳнатсеварликка ўргатади.

## 5. Жисмоний тарбия

Инсоннинг маънавий шаклланишида, мазмунли ҳаёт кечиришида жисмонан соғлом бўлишининг аҳамияти беқиёс каттадир. Халқимиз «тани соғлик – туман бойлик», «тўрт мучалинг соғ бўлсин» деб бекорга айтмаган. Бу нақлларнинг турли-туман маъноси бор.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг организми жуда тез ривожланади. Болалар анатомияси ва физиологиясидан маълумки, болалар 7–8 ёшгача бўйига ҳар йили 5 см гача ўсиб, тана оғирлиги 2-2,5 кг га ортиб боради. Кейин эса бироз секинлашади. Бундан кўриниб турибдики, боланинг жисмонан соғлом ўсишини ёшлиқдан таъминлаш керак. Боғча ёшидаги болаларни жисмонан соғлом тарбиялаш учун нималарга эътибор бериш зарур? Бунда қандай тарбия воситаларидан фойдаланиш керак, деган ҳақли саволлар туғилиши мумкин.

Болаларни жисмонан тўғри тарбиялаш учун қуйидаги шартларга қатъий риоя қилиш керак:

– гигиеник кўникмалар ҳосил қилиб тарбиялаш (бино, ҳовли, жиҳозлар, кийим-бош, пойабзал гигиенаси);

– тиббиёт ходимларининг доимий назоратида (соғлиғи, антрополитик маълумотлари, физиологик ҳолати) бўлиш;

– боғчадаги болаларнинг кун тартибини тузиш (овқатланиш, уйку, ўйин, машғулот, сайрлар, организмни чиниқтириш).

Боғча ёшидаги болаларга табиат воситасида жисмоний тарбия беришда очик ҳавода сайр қилдириш, тоғ этаклари, дарё бўйларига саёҳатга чиқиш, шаҳар ичидаги истироҳат боғларида бўлиш, улар билан боғча ҳовлисида ишлаш, ҳаракатли ўйинлар ташкил қилиш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси билан танишиш, ҳайвонот боғларида бўлиш кабилар болани жисмоний тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Боғча ҳовлисидаги гулларни парвариш қилиш, тагини юмшатиш, суғориш, гулзорни бегона ўтлардан тозалаш, гулларга минерал ва маданий ўғитлар солиш каби ишлар болаларни ҳам меҳнатсеварликка, ҳам жисмонан соғлом бўлиб ўсишларига ёрдам беради.

Ёш авлодни жисмоний тарбиялашда ер майдончаси, боғча ҳовлисининг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Бола очик ҳавода сайр этар экан, нафас олиш органларининг ривожланиши билан бирга танасининг бошқа аъзолари мустаҳкамланади, соғлом ўсиши учун шароит яратилади. Табиат воситасида жисмоний тарбия беришнинг турлари жуда кўп бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш керак.

## 6. Экологик тарбия

Болаларнинг экологик тарбияси-педагогиканинг болаларни табиат билан таништириш дастурларида ўз ифодасини топган анъанавий ёндашиш, кейинги йилларда юзага келган янги бир йўналишдир.

Вояга етаётган авлодни экологик тарбия муаммоси авваламбор ҳозирги замон олимларининг табиат ва жамиятдаги ўзаро боғлиқликларини диққат билан қузатишлари натижасида келиб чиқди. Ҳозирги кунда инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатлар характери ер шарида ҳаётни сақлаб қолиш билан боғлиқдир. Ушбу муаммоларнинг долзарблиги, экологик ва биологик қонуниятларни ҳисобга олмаган ҳолда табиий ресурслардан фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ўсиб бориши ва ниҳоят, табиатда инсон фаолияти орқали юзага келган аниқ экологик хавф вужудга келганлиги билан асосланади.

Олимлар табиат жамият бир-бирига таъсирнинг ўзига хослигини таҳлил қилиш орқали, ҳозирги замон шароитида табиат ва жамиятнинг янги турига ўтишни таъминлаш керак деган хулосага келдилар.

Мактабгача ёшдаги болаларни экологик тарбияси муҳим аҳамиятга эга, чунки худди мана шу ёшда информацияларнинг 70%ни қабул қиладилар, маънавий маданиятнинг бир қисми ҳисобланган шахсий экологик маданиятнинг пойдевор асослари шаклланади. Болаларнинг экологик тарбияси мақсад сари йўналтирилган педагогик жараён. Шахсни экологик тарбиялаш, табиатни муҳофаза қилиш муносабатларига ижобий ёндашиш, табиат билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширишда экологик муҳофаза нуқтаи назаридан йўналтирилган интизом, экологик онгнинг юзага келиши билан характерланади.

Шахснинг экологик маданияти экологик тарбиянинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Мактабгача ёшда боланинг шахсий экологик маданиятининг таркибий қисми – табиатни билиш бўйича билим ва унинг экология нуқтаи назаридан йўналтирилганлиги, кундалик турмуш, турли-туман фаолиятларда: (уй шароити, меҳнат жараёни ва турли хил ўйинларда) фойдаланишни ташкил қилади.

Мактабгача таълим муассасаларидаги педагогик жараёнда шахсни экологик тарбиялаш куйидаги фаолият турларини очиб бериш орқали амалга оширилиши мумкин.

1. Болаларда экологик онг элементларини шакллантириш. Бола экологик онг элементларини тушуниш ва тасаввур этиш, табиат тўғрисидаги билимларнинг характери ва мазмуни билан аниқланади. Уларда, табиий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини намоён қилувчи экологик мазмунга эга бўлган билимлар бўлиши керак.

2. Болаларда табиат билан боғлиқ бўлган турли хил билим ва малакаларни шакллантириш, фаолият билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар табиатни сақлаш характерига эга бўлиши керак. Табиат билан боғлиқ ҳолда олиб борилаётган аниқ фаолият давомида (дала ҳовли ва табиат бурчакларида ўсимлик ва ҳайвонларга қараш, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган ишларда фаол қатнашиш) болалар тирик организмларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ўсимлик ва ҳайвонлар учун табиий шароитга яқин бўлган шароитларни ташкил қилишни ўзлаштирадилар. Бунда, салбий ишларнинг оқибатларини олдиндан кўра-билиш, табиатда ўзини

қандай тутишни билиш, алоҳида олинган туркумлар ва тирик организмларнинг бутунлигини сақлаш алоҳида аҳамият касб этади.

## **7. Болаларни баркамол қилиб тарбиялашда табиатнинг ўрни**

Келажак авлодни баркамол кишилар қилиб тарбиялаш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада болаларни табиат билан таништириш муҳим роль ўйнайди. Шунга кўра мактабгача таълим муассасаларида ишлаётган тарбиячилар олдида болаларда табиат гўзалликларини кўра билиш, уни севиш, табиатда юз бераётган воқеа, ҳодисалар ҳақида тўғри тушунчалар ҳосил қилиш, уларга экологик таълим-тарбия беришдек муҳим вазифа туради. Тарбиячи энг аввало ўзи табиатни сеувчи, жонли ва жонсиз табиат ҳақида аниқ билимларга эга бўлмоғи лозим.

Тарбиячи болаларни табиат билан таништириш учун «Бола-жон» дастурида берилган табиатга оид билимлар билан танишиб чиққан ва ҳар бир ёш гуруҳ учун берилиши лозим бўлган билим, кўникма, малакалар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши зарур. Тарбиячи ҳар бир фаслда олиб борадиган табиат ҳақидаги билимларини тўғри режалаштириши, ер майдончасидаги ўсимликлар, тирик бурчакдаги хона ўсимликлари, аквариумда, террариумда яшовчиларни парвариш қилиш кўникмаларини, қафасдаги қушлар ва майда сутэмизувчилар билан таништиришни тўғри йўлга қўйиши зарур. Тарбиячи болаларни юқоридагилар билан таништираётган экан, уларнинг дунёқарашини шакллантириб, жонли ва жонсиз табиатнинг хусусиятларини ўрганиб, улар ҳақида дастлабки тушунчалар беради.

### **Назорат саволлари**

1. Табиат билан таништириш методикасининг имкониятлари нималардан иборат?
2. Болаларни табиат билан таништиришда ақлий тарбия қандай амалга оширилади?
3. Табиатни эстетик қабул қилишнинг аҳамиятини қандай тушунаси?
4. Табиат билан таништиришда ахлоқий тарбиянинг ўрни?
5. Табиат билан таништириш методикасида жисмоний тарбиянинг моҳияти нимада?

6. Болаларни табиат билан таништиришда, уларнинг онгини ва ижодий фаоллигини ўстиришда тарбиячининг ўрни қандай?

#### Адабиётлар

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. –Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
2. Мактабгача таълим давлат талаблари. –Т.: 2008 й.
3. О.Ҳасанбоева ва бошқалар. Мактабгача педагогика. –Т.: «Илм Зиё», 2006 й.
4. Х.Джабборова. Мактабгача ёшдаги болаларга экологик таълим-тарбия беришнинг ўзига хослиги. –Т.: «Ўқитувчи», 2000 й.

---

## **III боб. БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ ШАКЛЛАРИ**

### **I. Режа:**

1. Болаларни табиат билан таништиришнинг шакллари ҳақида маълумот.

2. Машғулотлар ва унга қўйилган педагогик талаблар.

3. Экскурсиянинг болаларни табиат билан таништиришдаги ўрни.

4. Сайрлар.

### **II. Мавзунинг мақсади:**

Болаларни табиат ҳақидаги дастлабки тушунчаларини шакллантирувчи иш шаклларида мақсадли фойдаланиш.

### **III. Мавзунинг вазифалари:**

1. Болаларни табиат билан таништиришда фойдаланадиган иш шаклларини замонавий талаблар асосида ёндашув.

2. Машғулотлар мазмунининг халқ миллий қадриятлари билан бойитиш.

3. Экскурсия ва сайрларни ҳозирги давр инновацион технология усуллари асосида ташкил этиш орқали самарадорлигини ошириш.

**IV. Таянч иборалари:** машғулот, иш шакли, экскурсия, сайр, куза-тиш, хулосалари, инновацион ахборот усуллари, муляж, гербарий.

### **1. Болаларни табиат билан таништиришнинг шакллари ҳақида маълумот**

МТМ ларни иш фаолиятини янада такомиллаштириш вазифаларини ижобий ҳал қилишда, таълим мазмуни амалга ошириш шаклларида самарали фойдаланиш таълим-тарбия беришнинг долзарб мақсадларидандир.

МТМ таълим бериш шакллари белгиланган тартиб, қоидаларга амал қилган ҳолда болалар фаолияти ташкил этилади.


**МТМда таълимни  
ташкил этиш шакллари**

**Экскурсия**

1. Табиатни кузатиш.
2. Хўжалик ва саноат билан таништириш.
3. Музейлар ва ижтимоий жойларга экскурсияга олиб бориш.

**Сайр**

1. Эрталабки ва кечги сайр.
2. МТМ участкаларида сайр.



## **Болаларни табиат билан таништириш шаклларида фойдаланишга қўйиладиган талаблар:**

1. Машғулотларни мақсадига кўра жамоа, гуруҳ ва якка тартибда ташкил этиш.
2. Болаларни ёши ва психологик хусусиятларига мослиги.
3. Машғулот шаклларида фойдаланишда мавзуга кўра халқ лирикаси ва қадриятлардан фойдаланиш.
4. Машғулот шакллари - инновацион технологик усуллардан фойдаланиш.

### **2. Машғулот ва унга қўйилган педагогик талаблар**

Машғулот – таълим жараёни мазмуни, таълим шакли, таълим методлари ҳамда воситалари, болаларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш, чуқур билим дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади.

Мактабгача таълим муассасаларида табиат билан таништириш хилма-хил шаклларда: машғулотларда, экскурсияларда, кундалик ҳаётда, кузатишларда, суҳбатларда ҳамда меҳнатда амалга оширилади. Болаларни табиат билан таништириш машғулотлари билимларни болаларнинг имконияти ҳамда табиатнинг хусусиятларини назарда тутган ҳолда шакллантириш имконини беради. Тарбиячи раҳбарлигида ўтадиган машғулотларда болаларда дастур талабларига мувофиқ элементар билимлар шаклланади, асосий билиш жараёнлари ва болаларнинг қобилиятлари маълум бир тартибда ривожлантирилади. Кундалик ҳаётда кузатиш, ўйин, меҳнат вақтида болаларнинг шахсий билимлари йиғилиб боради. Машғулотлар уларга аниқлаш ва тизимлаштириш имконини беради.

Болаларни машғулотларда ўқитиш турли методларда амалга оширилади. Метод машғулот тури, унинг асосий мақсадига кўра танланади.

Машғулотларнинг бир хилларида бошланғич билимлар шакллантирилади. Шу мақсадда тарбиячи кузатиш, расмларни кўриш, бадиий асарларни ўқиш, ҳикоя, диафильм ва кинофильмларни кўрсатишдан фойдаланади. Бошқа машғулотларда эса билимлар кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади.

Айтиб ўтилган методлардан ташқари бу машғулотларда болаларнинг табиатдаги меҳнатидан ҳам фойдаланилади. Учинчи турдаги машғулотларнинг асосий вазифаси билимларни умумлаштириш ҳамда бир тизимга солишдир. Шунинг учун суҳбатлар, дидактик ўйинлар, умумлаштирувчи кузатишлардан фойдаланилади. Болалар эгаллаган билимларини меҳнат ва ўйинларда амалда қўллайдилар.

Машғулотлар кичик ва ўрта ёш гуруҳларда бир ойда 1 мартадан, катта гуруҳларда эса ҳафтада 1 мартадан ўтказилди. Экскурсиялар ўрта гуруҳдан бошлаб ташкил этилади. Барча гуруҳларда қўшимча сифатида мақсадли сайрлар ўтказилади.

Машғулотга тайёрланиш. Машғулотнинг самаралилиги тарбиячининг тайёргарлик даражасига боғлиқдир. Тарбиячи машғулот мавзусини ва аҳамиятини белгилаб, мавзу бўйича табиатшунослик билимларини тўлдириши, сўнг машғулот вазифаларини дастур асосида ишлаб чиқиши лозим.

Бунда тарбиячи «Болажон» дастур вазифаларига, боланинг қобилият даражасига ҳамда теварак-атрофдаги табиий муҳитга таянади. Мазкур машғулот мазмунини танлашда унинг иш тизимидаги ўрни (машғулотда бошланғич билимларни шакллантириш жараёни содир бўляптими ёки улар бойитилиб бир тизимга солиняптими, билимларни қўллаши машқ қилиняптими ва шу кабиларни аниқлаш лозим. Бу ўринда тарбиячи дарснинг мақсади ва мазмунига қараб турли методларни қўллайди.

Тарбиячи қандай метод ва услублар қўллаганини улардан комплекс, бир-бирини тўлдирган ҳолда фойдаланиши, бу асосий мақсад – ўрганилаётган табиат жисмлари ва ҳодисаларнинг болалар томонидан қабул қилиб олинишини яхшилашга ҳамда табиат ҳақидаги тушунчаларнинг тўғри шаклланишига хизмат қилиши керак. Машғулотда ҳал этиладиган тарбиявий вазифалар табиатга ижобий, эҳтиёткорона, ғамхўрона, эстетик муносабатларни шакллантиришга йўлланади.

Машғулотга тайёрланиш ҳамда уни ўтказишда унинг тузилишини тўғри аниқлаш муҳимдир. Методни танлаш таълимий вазифалар характери, табиий объектнинг хусусиятлари ҳамда болаларнинг ёшига боғлиқдир. Масалан, ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги билимни шакллантиришни яхшиси диафильм, кинофильмлар кўрсатиш орқали, табиат бурчагидаги ҳайвонлар ва ўсимликлар билан танилишни эса уларни бевосита кузатиш орқали амалга

оширган маъкул. Кичик ёшдаги болалар машғулотларида кузатиш, ўйин методларидан фойдаланилади. Оғзаки методдан, асосан, мактабгача катта ёшдаги болалар билан ўтказиладиган машғулотларда фойдаланилади.

Танланган метод дастур вазифасининг тўлиқ бажарилишини ва болаларнинг фаол ақлий фаолиятини таъминлаши лозим.

Машғулотларда қўлланиладиган ўқитиш методларининг хилма-хиллиги тарбиячидан пухта шароит яратишни талаб қилади: ҳайвонлар, хонаки ўсимликлар, расмларни кўриш учун болалар ярим доира қилиб ўтказилади. Бу болаларнинг машғулотда фаол иштирок этишларига имкон беради. Агар машғулотда тарқатма материаллардан фойдаланилса, яъни ҳар бир боланинг қўлида кузатиш объекти бўлса, болаларнинг ўз столлари атрофида ўтирганлари маъкул. Баъзан гуруҳ хонасида меҳнат малакаларини тарбиялашга бағишланган машғулотлар ўтказилади. Бундай ҳолатда болаларни тўртбурчак шаклида жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шунда болалар тарбиячи кўрсатадиган иш усулларини яхшироқ кўришга эга бўладилар.

Тарбиячи машғулот ўтказишдан олдин бир қанча кўرғазмали қуроллар, яъни жонли ва жонсиз табиат жисмлари (гербарийлар, йил фасллари, табиат манзаралари тасвирланган календарлар, тошлар, фойдали ҳашаротлар, ўсимликлар ва уларнинг қисмлари, майда ҳайвон ва бошқалар)ни тайёрлаб қўяди. Чунки кўрғазмали қурол болаларга ўрганилаётган нарсани бир неча сезги аъзолари билан қабул қилиб олиш имкониятини беради, яъни улар нарсани кўрибгина қолмасдан, унинг хусусиятини (масалан, тирнаб кўриш, болгача билан уриб кўриш орқали нарсанинг мўртлигини, эгиш билан қайишқоқлигини, эгилиувчанлигини ва ҳоказо) синайдилар.

Машғулот, асосан, қуйидаги тартибда олиб борилади:

- иш мақсадини эълон қилиш;
- тарбиячи йўриқлар бериши;
- топшириқни тушунтириш;
- кўрғазмали қуроллар устида ишлаш;
- кузатиш;
- ўтказилган иш натижаларини тушунтириш ;
- суҳбат;
- хулоса чиқариш;
- расмлар чизиш.
- Бу ерга машғулот қўйинг.....

Машғулот сўнггида тарбиячи болаларнинг малака ва кўникмаларини, уларнинг машғулотга муносабатларини, қизиқишларини педагогик жиҳатдан баҳолайди. Баҳоларнинг дифференциялашуви болаларнинг ёшига боғлиқ бўлади.

### **3. Болаларни табиат билан таништиришда экскурсияларнинг роли**

Маълумки, табиат билан таништириш жараёнида тарбиячи хилма-хил: оғзаки, кўргазмали ва амалий методларни қўллайди. У ўсимлик ва ҳайвонларни, уларнинг яшаш шароитларини намоёни қилади. Бу нарсаларни оддий машғулотларда кўрсатиб бўлмайди. Шунинг учун табиат билан таништириш методикасида машғулотларни тўлдирувчи махсус шакллар қўлланилади.

Экскурсия болаларни табиат билан таништирувчи машғулотлар туридан биридир. У табиат билан таништириш методларининг кўргазмали методига кирилади. Экскурсия вақтида бола табиат ҳодисаларининг мавсумий ўзгаришларини табиий шароитда кузатиши, табиатнинг инсоннинг ҳаёт ва талабларига мувофиқ ўзгараётганини ҳамда атрофимиздаги жонли ва жонсиз табиатда юз бераётган ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида билимлар тўплашга имкон беради.

Экскурсия машғулотларининг афзаллиги яна шундаки, унда болалар ўсимлик ва ҳайвонларни улар яшайдиган муҳитда кўриш ҳамда табиатда мавжуд бўлган ўзаро алоқалар ҳақида дастлабки дунёқараш, тасаввурларини, оламни материалистик тушунишни шакллантириш имкониятига эга бўладилар.

Тарбиячи раҳбарлигида ўрмон, дала, дарё ва қўл қирғоқларига уюштирилган экскурсия болаларнинг диққатини жалб қилади, табиат бурчагида олиб бориладиган кейинги кузатишларга хилма-хил материал тўплашга шароит яратади. Экскурсиялар болаларда кузатувчанлик, табиатни ўрганишга қизиқишини ўстиради. Улар нарсаларни синчиклаб кузатиш ва унинг характерли хусусиятларини қайд қилишга одатланадилар.

Табиатнинг гўзаллиги болаларда эстетик ҳиссиётларнинг ўсишига ёрдам беради. Шу асосда она табиатга муҳаббат, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш шаклланади.

Экскурсиялар мазмунига кўра шартли тарзда икки турга бўлинади: табиатга уюштириладиган экскурсия – боғ, ўрмон, дарё,

ўтлок, шунингдек, ҳайвонот боғи, ботаника боғига (булар турли мавсумда ўтказилади) экскурсиялар ҳамда қишлоқ хўжалик экскурсияси – дала, паррандачилик фабрикаси, боғ, экинзор ва шу кабиларга катталарнинг меҳнати билан танишиш мақсадида уюштириладиган экскурсиялар.

Экскурсия машғулот тури сифатида ўрта, катта ҳамда тайёрлов гуруҳларида ўтказилади. Ҳар бир экскурсия учун барча болалар эгаллашлари шарт бўлган дастур мазмуни белгиланади.

Тарбиячининг экскурсияга тайёрланиши. Тарбиячи экскурсияни режалаштирар экан, экскурсия мавзуси ҳамда мақсадини аниқ белгилайди. Экскурсия ўрнини, унга бориладиган қулай (болаларни чарчатмайдиган, улар диққатини асосий мақсаддан чалғитмайдиган) йўлни белгилайди. Экскурсия ўрнини белгилашда болаларнинг жисмоний имкониятларини (пиёда юриладиган экскурсиялар кичкинтойлар учун фақат яқин масофаларгагина уюштирилиши мумкин), шунингдек, мавсумни, йўлнинг хусусиятларини, об-ҳаво ҳолатини ҳисобга олиш зарур.

Экскурсия уюштириладиган жой тарбиячига қанчалик таниш бўлмасин, у бир-икки кун олдин ўша жойни кўриб чиқиши лозим. Бўлажак экскурсия жойида бўлган тарбиячи маршрутни аниқлайди керакли объектларни топиб, жойини кўриб чиқиш лозим, болалар кузатишларни мустақил олиб боришлари ҳамда дам олишлари мумкин бўлган жойни белгилайди.

Экскурсияни ўтказишдан олдин тарбиячи уни ўтказиш усулларини атрофлича ўйлаб кўради ва экскурсия кизиқарли ўтиши учун олдиндан шеър, топишмоқ, мақолларни танлаб улардан фойдаланади.

**Болаларни экскурсияга тайёрлаш.** Экскурсиядан бир неча кун олдин машғулотга қизиқиш уйғотиш тасвирларни жонлантириш мақсадида тарбиячи улар билан кичик суҳбат ўтказди, яъни экскурсия вазифаларини кўяди, топшириқ ва вазифаларни тақсимлайди, экскурсиядаги хулқ-атвор қоидалари билан таништиради, шунингдек, анжом-аслаҳа ва жиҳозларни тайёрлайди.

**Табиатшунослик экскурсияси.** Табиатшунослик экскурсияси кириш суҳбати, жамоа бўлиб кузатиш, болаларнинг индивидуал мустақил кузатишлари, табиатга оид материалларни тўплаш, болаларнинг дам олиш вақтида тўплаган материаллар билан ўйнаши ва якуний қисмларни ўз ичига олади. Болаларни экскурсия ўтказиладиган жойга олиб келгандан сўнг тарбиячи

қисқа суҳбатда экскурсиянинг мақсади ва вазифаларини эслатади. Шундан сўнг улар табиатдаги нарса ва ҳодисаларни кузатишга ўтадилар.

Экскурсиянинг асосий қисми ўзаро жамоа кузатувидир. Бунда машғулотнинг асосий қисми ҳал қилинади. Тарбиячи болаларга нарса ва ҳодисаларнинг характерли хусусиятларини англаб олишларига ёрдам беради. Бунга турли усуллар (савол ва топшириқлар, шеърлар, тадқиқотчилик ҳаракатлари, ўйин усуллари)ни қўллаш орқали эришилади. Тарбиячи кузатишларни ўз ҳикояси ҳамда тушунтиришлари билан тўлдирди.

Кузатишда асосий эътибор жисм ва ҳодисаларни яхшилаб кўришга, уларни қиёслашга, табиат ҳодисалари ўртасидаги алоқаларни аниқлашга ёрдам берадиган савол ва топшириқларга қаратилади.

Кузатиш жараёнида ҳикоя, шеър ва топишмоқларни қўллаш фойдалидир. Экскурсия жараёнида тарбиячи болаларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилади. Бунда оғзаки (ҳикоя, суҳбат, тушунтириш) кўргазмалари ва амалий методлардан фойдаланади.

Экскурсиянинг асосий қисми тугагач, болаларнинг индивидуал мустақил кузатишларга қизиқишларини қондириш ва табиатшуносликка оид материалларни тўплаш учун имконият бериш зарур. Бироқ материал тўплаш учун топшириқ беришда, тўпланган материал миқдорини қатъий чеклаш лозим, бу болалар эътиборини фақат маълум ўсимлик ва ҳайвонларга қаратиш ва бундан ташқари табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тарбиялаш учун ҳам керакдир.

Болалар мустақил ишлаётган вақтда, тарбиячи ҳам ёрдам бериб туриши лозим. Баъзан ўсимликни қандай қавлаб олишни, қуруқ новдани қандай қирқишни ва шу кабиларни кўрсатиб туриши керак. Дам олиш вақтида тўпланган материаллар сараланади, жилдларга, саватчаларга жойланади, баъзиларидан ўйин ва машқларда фойдаланилади.

**Қишлоқ хўжалик экскурсияси.** Қишлоқ хўжалик экскурсиялари хилма-хилдир: дала (ер ҳайдаш, экиш, ҳосил тўплаш), ўтлоқ (мол боқиш, хашак ўриш) боғ, экинзор, мевазор, ферма, ботаника боғи, иссиқхона, паррандачилик фермаси ва бошқа экскурсиялардир. Экскурсия инсоннинг табиатга таъсирини, яъни ўсимликларни ўстиришни ва ҳайвонларни боқиш кўргазмалари тарзда

кўрсатиш имконини беради. Бу ерда болалар асосий меҳнат жараёнларининг бир нечтаси билан танишадилар.

Экскурсияларнинг ўзига хослиги шундаки, бола инсон фаолиятини ҳам, у таъсир этаётган табиатни ҳам кузатиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик объектига уюштирилладиган экскурсия суҳбат билан бошланади. Қишлоқ хўжалик экскурсияларига тайёрланишда тарбиячи кузатиш объекти билан олдин ўзи танишади, экскурсия ўтказиши учун рухсат олади, экскурсия вақти, болаларнинг меҳнатда қатнашишлари ҳақида келишиб олади ва болаларнинг маълум ишда банд бўлган катталар билан бўладиган суҳбатининг мазмунини белгилайди. Экскурсия якунида мазкур объект иши ҳақидаги таассуротлар умумлаштирилади.

**Экскурсиядан кейинги иш.** Экскурсияда олинган билимлар машғулотларда, ўйинларда, табиат бурчагида ўтказиладиган кузатишларда кенгайтирилади ва мустаҳкамланади. Экскурсия якунида тўпланган материалларни табиат бурчагига жойлаштириш (масалан, ўсимликларни вазаларга, гул тувакларга солиш, жониворларни аквариум, террариум, садакларга жойлаштириш), ўсимлик ва ҳайвонларни кузатув остига олиш зарур. Экскурсиядан 2-3 кун ўтгач, тарқатма материал, расм солиш, лой ва пластилидан нарсалар ясалади, табиий материаллардан фойдаланиб дидактик ўйинлар, машғулотлар ўтказилади. Бадий адабиётлар ўқилади, болаларнинг экскурсиядан олган таассуротлари ҳақидаги ҳикоялари тингланади. Машғулот якунида умумлаштирувчи суҳбат ўтказилади.

Табиатшунослик экскурсиялари маълум тизимга мувофиқ ўтказилади. Уларни табиатда бўладиган мавсумий ўзгаришларга қараб айни бир объектнинг ўзига йилнинг турли фаслларида уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, баҳор мавсумида мактабгача катта ёшдаги болалар билан вазифаларни аста-секин мураккаблаштирган ҳолда истироҳат боғига 3 марта экскурсия уюштириш лозим.

Бу экскурсиядан мақсад – болаларни баҳорги ўзгаришлар билан таништириш, уларни кўриш ҳамда табиатда содир бўлаётган ўзгаришларнинг сабабини тушуниш кўникмаларини ўстиришдир.

Қишлоқ хўжалик экскурсияларини катталар меҳнатининг айрим турлари билан таништириш мақсадида эпизодик тарзда ўтказиш лозим.

Экскурсияни уюштириш гуруҳдаги машғулотни уюштиришга қараганда қийинроқдир, шунинг учун унинг муваффақиятли ўтиши тарбиячи ва болаларнинг пухта тайёрланишларига боғлиқ бўлади.

### Назорат саволлари

1. Болаларни табиат билан таништириш қандай шаклларда олиб борилади?
2. Боғча болаларини табиат билан таништиришда амалий машғулотлар қандай аҳамиятга эга?
3. Машғулотга тайёрланишда нималарга аҳамият бериш керак?
4. Амалий ишларни бажаришда тарбиячининг вазифалари нималардан иборат?
5. Машғулотлар қандай тартибда олиб борилади?
6. Табиат билан таништиришда экскурсия қандай аҳамиятга эга?
7. Экскурсия неча турга бўлинади?
8. Экскурсияда тўпланадиган материаллардан қайси машғулотларда фойдаланиш мумкин?
9. Экскурсиянинг муваффақиятли ўтиши нималарга боғлиқ?

### Адабиётлар

1. Мактабгача таълим педагогикаси. –Т.: «Илм Зиё», 2006 й.
2. О.Ҳасанбоева, Х.Джабборова. «Табиат билан таништириш методикаси» –Т.: «Чўлпон» 2006 й. ҳамда 2009 й.
3. М.Умарова. «Мактабгача ёшдаги болаларда табиатга масъулиятли тарбиялаш» –Т.: 2005 й.
4. О.Ҳасанбоева ва бошқалар. «Педагогика» –Т.: «Фан», 2006 й.

---

## **IV бoб. БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МЕТОДЛАРИ**

### **I. Режа:**

1. Табиат билан таништириш методи ҳақида тушунча ва унинг тавсифи.

2. Табиат билан таништиришда қўлланадиган методлар: кўргазмалилик.

3. Амалий услуб ва унинг турлари: ўйин, табиатда меҳнат.

4. Табиат билан таништиришда оғзаки усул: суҳбат, ҳикоя қилиш.

### **II. Мавзунинг мақсади:**

Болаларни табиат билан таништириш метод турлари, мазмуни ва амалда қўллаш ҳақида билим бериш.

### **III. Мавзунинг вазифалари:**

1. Табиат билан таништириш фанини ўзига хос хусусиятига кўра қўлланадиган методлар ҳақида маълумот бериш.

2. Методларни тавсифи ва уни ўзига хос турлари.

3. Табиат билан таништириш жараёнида қўлланадиган метод ва усулларнинг мазмуни.

**IV. Таянч иборалари:** кузатиш, усул, амалий усул, кузата билиш, ўсимлик, ҳайвонлар, тарқатма материаллар, ўйин, меҳнат, сайр, суҳбат.

### **1. Табиат билан таништириш методи ҳақида тушунча ва унинг тавсифи**

Педагогик метод – педагог ва таълим олувчининг (бола-нинг) маълум таълим-тарбиявий натижаси: билимларни эгаллаш, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш, қобилиятларни ўстириша ахлоқий сифатлар, хулқ одатларни шакллантиришга эришиш учун йўланган ҳамкорликдаги фаолиятининг усулидир. Болалар боғчасида болаларни табиат билан таништириш жараёнида турли методлардан фойдаланилади. Табиат билан таништириш методлари учта асосий гуруҳга бўлинади:

Кўргазмали услуб – кузатиш, расмларни кўриш, диафильм, кинофильм, экскурсиялар;

Амалий услуб – ўйин методлари, меҳнат, оддий тажрибалар;

Оғзаки услуб – тарбиячининг ҳикояси, бадиий асарларни ўқиш, суҳбат.

Методларни танлашда тарбиячи болаларнинг ёш хусусиятлари, психологияси, билимлари, дастур талаблари, ўз ўлкаси иклимининг табиати, педагогик тамойилларга мослашади. Юқоридаги методлар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

## **2. Табиат билан таништиришнинг кўргазмали услуби**

**Кузатиш услуби.** Турли ёш гуруҳларда болаларни табиат билан таништиришда тарбиячи кўргазмали метод – кузатишдан кенг фойдаланади. Кузатиш – табиат жисмлари ва ҳодисаларнинг табиий шароитларда мақсадга йўналган ва бевосита ҳодисаларни боришга аралашмаган ҳолда сезгилар билан қабул қилиб олишдир. Кузатиш мураккаб билиш фаолияти бўлиб, бунда идрок, тафаккур ва нутқ иштирок этиб, барқарор диққат талаб этилади.

Болаларни табиат билан таништиришда доимий кузатишлар олиб бориш уларнинг мантикий фикр юритиши ва нутқини ўстиришда фоят катта аҳамиятга эгадир.

Бу ҳақда К.Д.Ушинский шундай дейди: «Ҳақиқий инсоний, ақлий нутқ, тўғри мантикий фикр юритишдан иборатдир, тўғри мантикий фикр юритиш эса, биз кўрсатгандек, бошқа бирор нарсадан эмас, ҳақиқий ва аниқ кузатишлардан келиб чиқади».

Болаларни табиатдаги нарса ва ҳодисалар билан маълум бир тартибда таништириб борилса, уларда диққат ва кузатувчанлик, табиатга қизиқиш, ундаги ҳодисаларни билишга интилиш кучайиб боради.

Кузата билиш – жуда муҳим хусусият бўлиб, бунда болада тўғри ёза билиш, оғзаки нутқ малакалари ривожланади.

Болаларни ҳодиса ва нарсаларни мақсадга мувофиқ ҳолда ўзлаштира олишга ва уларнинг энг муҳимларини ажрата олишга ўргатиш зарур.

Тарбиячи кузатиш ишларини олиб боришда нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқа ва сабабларнинг боғланишларини илғаб олишни болаларга ўргатиши керак. Шундай қилиб мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг тафаккурлари табиат ҳақидаги аниқ

билимларни тўплаш орқали ўсади. Кузатишлар диққатни жалб қилиш билангина олиб борилиши мумкин. Кузатиш, яъни нарса ва ҳодисаларга диққатни мақсадга мувофиқ ҳолда жалб қилишга ўргатиш билан биз уларда ихтиёрий диққатни ҳам ўстирамиз.

Нотўғри тушунчаларни тузатиш, янги тушунчалар ҳосил қилишга нисбатан анча қийинроқдир. Шунинг учун болалар мактабгача таълим ёшидаёқ, ҳис қилиш тажрибаларига асосланган ҳолда, табиат ҳақида тўғри тушунчаларга эга бўлишлари жуда муҳимдир.

Болаларда табиатга қизиқишни тарбиялаш зарур, чунки у соғлом бўлмаган фаолиятларда ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, болалар қўнғиз ва капалакларни тутиб олиб, нима қилар экан деб, уларнинг қанот ва оёқларини узиб ташлайдилар. Ёки ҳайвонларни, қушларни қийнаб, натижаси нима бўлар экан, деб қизиқадилар. Уларга табиатнинг ўзаро боғлиқлигини, яъни унинг «олтин занжир» эканлигини тушунтириш зарур. Бу орқали болаларга экологик таълим-тарбия бериб борилади.

Табиат билан яқин муносабатда бўлиш, кузатувчанлик билан биргаликда билишга ҳам қизиқишни ўргатади. Бунинг асосида тахминий ва текширувчанлик рефлекси ётади ва унинг ниҳоятда тараққий этиши инсоннинг характерли хусусиятидир, деб ҳисоблайди И.П.Павлов. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни катталарга «Бу нима?», «Нима учун?», «Қандай қилиб?» каби чексиз саволлари бунга мисол бўла олади. Бу ўринда тарбиячи саволларга жавоб топишда болаларнинг ўзларини жалб қилишга ҳаракат қилиши зарур.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг турли ёш гуруҳларида тарбиячи кузатишларни ташкил этар экан, унинг турли хилларидан фойдаланади.

Кузатишлар давомийлиги ва характери бўйича қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Ўсимлик ва ҳайвонларни ўсиши ҳамда ривожланиши, табиатдаги мавсумий ўзгаришлар ҳақидаги билимларнинг жамғарилиши учун кузатишнинг анча мураккаброқ тури – узоқ муддатли кузатишлардан фойдаланилади. Бунда болаларнинг объектнинг кузатилаётган ҳолатини илгаригиси билан қиёслашларига тўғри келади. Кузатиш нарсаларнинг айрим белгиларига қараб ҳолатларини аниқлаш (масалан, гулнинг баргига қараб уни суғориш, аквариумдаги сувнинг ҳолатига қараб сувни алмаштириш, ёки

қордаги изга қараб қайси қушнинг изи эканлиги, меваларнинг пишган ёки хомлигини рангига қараб ажратиш) мақсадида ҳам ташкил этилади. Кузатишнинг бу тури болаларда табиат ҳодисаларини анализ қилиш, айрим маълумотларни қиёслаш, соддарок хулосалар чиқариш кўникмаларини ҳосил бўлишига ёрдам беради. Солиштирма ва узоқ муддатли кузатишлар мазмунига кўра мураккаб бўлганлиги сабабли, мактабгача таълим, ўрта, катта ҳамда мактабга тайёрлов гуруҳларида фойдаланилади. Бу кузатувлар давомида болаларда анализ қилиш, қиёслаш, хулосалар чиқариш жараёни такомиллашади. Кузатишлар мазмунига ва тарбиячининг ўз олдига қўйган мақсадига кўра ўсимлик ва ҳайвонлар, об-ҳаво ҳамда катталарнинг табиатдаги меҳнати билан экскурсия, сайрларда, шунингдек, табиат бурчагидаги машғулотларда ташкил этилади.

Қисқа муддатли кузатиш жараёнида болалар нарсаларнинг шакли, ранги, катта-кичиклиги, тузилиши, фазовий жойлашуви, характерини фарқлашни, ҳайвонлар билан танишганда эса ҳаракат характерини, уларнинг чиқарадиган товушларини ўрганадилар. Бу кузатиш турига, масалан, қор ёки ёмғир ёғиши, камалакнинг ҳосил бўлиши каби ҳолатлар кириди.

Барча ҳолларда кузатиш болаларнинг юксак ақлий фаолиятини ривожлантириши, уларни фикрлашга, берилган саволларга жавоб топишга ундаши, шунингдек, улардаги қизиқишларни ривожлантириши ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тарбиялаши лозим.

Тарбиячининг кузатишга тайёрланиши. Кузатишни ташкил этишда объект танлаш катта аҳамиятга эга. Танланган объект яхши ҳолатда, бўлиши керак, яъни ўсимлик сўлимаган, навлари ўралмаган, ҳайвон қўлга ўргатилган, соғлом, болалардан чўчимайдиган бўлиши зарур. Кузатиш табиат бурчагида бўлса, объект яхши ёритилган бўлиши, унга яқинлашиш қулай бўлиши учун ёруғлик ён томондан тушиб туриши лозим. Болалар ҳайвонларнинг ҳаракатини кузата туриб, овқат беришлари, силашлари, улар билан ўйнашлари мумкин. Бунда ҳайвонлар ўзларини эркин тутишлари, бемалол ҳаракат қилишлари зарур. Бунинг учун болалар табиат бурчагида қулай жойлашиб ўтиришлари мақсадга мувофиқдир.

**Кузатишни ташкил этиш.** Тарбиячи кузатишни биринчи маротаба ўтказаетган бўлса, дастлаб болаларда ҳосил бўлган қизиқишларини қондириш ҳамда кузатилаётган нарса ҳақида

биринчи таассурот ҳосил қилиш учун уларни камида 1–2 дақиқа томоша қилдириб туради.

Кузатишни ташкил этиш жараёнида тарбиячи хилма-хил усуллардан болаларнинг ёшларига мос савол ва топшириқлар, нарсани ушлаб кўриш, қиёслаш, ўйин ҳаракатларидан фойдаланади.

Тарбиячи кузатишни ташкил қила туриб, керакли маълумотларни айтиши, кузатиладиган объектнинг муҳим хусусиятларини ажратиши зарур. Болаларда кузатишга нисбатан қизиқиш уйғотиш, кузатилаётган нарсаларни эстетик идрок этиш учун тарбиячи шеърлардан, топишмоқлардан, катта ёш гуруҳларда эса бадиий асарларни ўқишдан фойдаланади.

Ҳайвонларни кузатишда тарбиячи изчилликка риоя этиб, болаларнинг диққатини «Нима қияпти?» «Қандай юряпти?» «Нима еяпти?» «Қандай еяпти?» «Танаси нима билан қопланган?» «Оёқлари қандай – узунми ё қисқами?» «Кўзлари қандай шакл, ранги?» каби саволлар ёрдамида ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатига қаратади.

Ўсимликларни кузатиш уларнинг энг ёрқин, кўзга ташланадиган белгиларини белгилаш ва ажратиб кўрсатишдан бошланади. Бу ўсимликнинг гули ёки унинг ёрқин рангдор барглари, баъзан пояси (масалан, кактус) бўлиши мумкин. Ана шундан сўнг ўсимлик тана тузилишининг асосий хусусиятлари – катталиги, пояси (ёки танаси), барглари, гуллари ва шу кабилар тартиб билан кўриб чиқилади. Шундай изчиллик мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг диққати ҳали етарлича барқарор эмаслиги, кўп жиҳатдан беихтиёрлиги туфайли зарурдир. Бироқ машғулот охири кузатиш жараёнида пайдо бўлган тасаввурлар натижасини умумлаштириш лозим. Тарбиячи топшириқ беришнинг турли усулларидан фойдаланиб, «Гапириб берчи, қаердан билдинг? Нимаси билан фарқ қилади?» каби савол ва топшириқлар билан болаларнинг кузатиш орқали нутқларини ўсишига ёрдам беради.

Барча ҳолларда, тарбиячи кузатишни ташкил этар экан, уни аниқ бир вазифадан иккинчисига, фактлардан алоқаларга, тасаввурлар тўплашдан уларни қиёслашга, сўнгра хулосалар чиқаришга ўтишда изчилликка риоя қилиши лозим. Шунда болаларда мантиқий тафаккур ўсади. Ҳар бир кузатишда болаларни табиат билан таништиришнинг кичик, аниқ вазифасини ҳал этиш лозим. Шунинг учун кузатишларнинг ҳар бири илгаригиси билан боғланиб ўтказилиши зарур. Тарбиячи узоқ муддатли кузатишни ташкил

этишда, уни олдиндан бир қатор эпизодик кузатишлар – «бўлақларга» тақсимлайди. Бундай кузатиш ўсимликлар ривожланишидаги ўзгаришлар аниқ кўчнадиган вақтда ўтказилади. Тарбиячи болаларга ўсимликни томоша қилиб, белгиларини қайд қилишни (биринчи барглarning чиқишини, ўсимтанинг уруғ қобиғини ёриб чиқаётганини кузатишни) тавсия этади. Якуний кузатишда болалар кузатилаётган ўсимлик ривожланишининг бутун тасвирини тиклаши лозим. Буни кузатишлар кундалик дафтари, турлича расмлар, гербарийлар, катта ёш гуруҳларда эса чизмали жадваллар асосида ташкил этиш мумкин.

**Тарқатма материаллардан фойдаланиб кузатиш.** Бу кузатишлар ўрта ёш гуруҳлардан бошлаб ўтказилади. Бундай кузатишни ташкил этиш биргина объектни кузатишдан кўра анча мураккаброқдир. Бу ўринда тарбиячи ўз диққат-эътиборини тақсимлай билиши, болалардаги ҳаракатни уюштира олиши талаб қилинади, болалар эса тарбиячининг барча кўрсатмаларига аниқ риоя қилишлари, бир-бирларини тинглашлари, бошқаларнинг кузатишларини ўзларининг кузатишлари билан таққослашлари керак бўлади. Кузатишнинг бу усули катта ривожлантирувчи аҳамиятга эгадир. Болалар турли хил тадқиқотчилик ҳаракатларидан фойдаланиб, ўқув кўникмаларини такомиллаштириш имконига эга бўладилар. Бу эса ўз навбатида уларда аниқроқ тасавурларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Тарқатма материал сифатида ўсимликлар ҳамда уларнинг барги, меваси, уруғи, шохчалари, шунингдек, сабзавот ва мевалардан кенг фойдаланилади.

Кузатишда қатнашган ҳар бир боланинг ва тарбиячининг қўлида тарқатма материал бўлиб, кузатиш давомида тарбиячи болаларга саволлар бериб, нарсаларни текширишни ташкил этади. Сўнгра олинган тасавурларни қиёслаб, болаларни хулоса чиқаришга ўргатади. Кузатиш жараёнида тарбиячи барча болаларнинг юқори фаоллигини таъминлайди.

Кичик ёш гуруҳ (3–4 ёш). Бу ёш гуруҳларда дастлабки кузатишлар болаларнинг озчилиги билан ўтказилади. Тарбиячининг асосий вазифаси болада кузатишнинг содда малакаларини шакллантириш, яъни диққатни кузатилаётган нарсага тўплаш, қўйилган саволларга жавоб бериш, аниқ белгиларни ажратиб кўрсатиш, кичкинтойларни алоҳида ҳаракатлантирувчи нарсалар билан жалб қилишдир. Шунинг учун болалар дастлаб жонивор-

ларни кузатишлари мақсадга мувофиқдир. Уларнинг намоён бўлиши – ҳаракати, озикланиши, чиқарадиган товушлари кичкина болаларда беихтиёр қизиқиш уйғотади. Шунинг учун тарбиячи кузатиш жараёнида жониворларни ҳаракат қилдириши, масалан, уларни озиклантириб болаларнинг диққатларини жалб қилиши зарур. Бунда озуқа маълум бир ораликда қўйилиб, болаларнинг эътиборини жониворнинг озуқани қўллари билан ушлаб, қисирлатиб ейишига қаратилади ва болаларни ҳайвон ҳаракатларини сўз билан ифодалашга ўргатилади. Кейинги кузатишларда тарбиячи жониворнинг у ёки бу ҳаракати юзасидан саволлар бериб, шу орқали болаларни маълум сўзлардан ва саволлардан фойдаланишга ундайди.

Шундай қилиб, болалар саволлар асосида ётган аниқ вазифани аниқлашни секин-аста ўрганадилар.

Кичик ёш гуруҳда болалар билан ўтказиладиган кузатишлар қисқа муддатли бўлиб, тарбиячи болалар диққатини жалб қилиш мақсадида уларнинг баъзиларига сувдонга сув қуйиш, ҳайвонларга озуқа бериш, балиқларни озиклантириш каби топшириқларни беради. «Қуш Нодира учун қўшиқ айтяпти», «Балиқ Мадина томонга сузляпти» каби сўзлардан фойдаланади.

Кузатиш охирида шеър ўқиш, қўшиқ айтиш мумкин. Кичкинтойлардан кузатилаётган нарса ҳақида гапириб беришни талаб қилиш ноўриндир. Об-ҳавони ёки жонсиз табиатнинг бошқа объектларини кузатиш, ўсимликларни кўриш жараёнида тарбиячи бу кузатишларни ўйин, меҳнат билан боғлайди (хона гулларини томоша қилиш жараёнида унинг баргларини артишади, қум ўйнаётганларида унинг сочилувчанлигини билиб олишади). Бу ёш гуруҳда оддий тадқиқот (текширишлар) ҳаракатларидан кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: қафтни офтобга тутиб иссиқликни сезиш, гулни ҳидлаш ва ҳоказо.

Ўрта ёш гуруҳ (4–5 ёш). Бу ёш гуруҳдаги болалар қизиқувчан бўладилар, кўп саволлар берадилар, нарсаларни сифатлар ва хусусиятлари, атроф-муҳит табиати ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари билан қизиқиб танишадилар. Бу ёшдаги болаларнинг диққати анча барқарор бўлиб қолади. Улар энди кузатилаётган ҳодисалардаги оддий алоқаларни тушуна оладилар. Болаларнинг ана шу сифатлари асосида ўрта гуруҳ тарбиячиси табиат билан таништиришнинг янги вазифаларини ҳал қилади: болаларни предметлардаги характерли хусусиятларини кўра билишга, уларни қиёслаш ва гуруҳлаш-

га баъзи ҳодисалар ўртасидаги оддий алоқаларни аниқлашга ўргатади, дастлабки элементар умумлаштиришни шакллантиради.

Кузатишдан кўпинча таниш жисм ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш, янги объектлар билан таништиришда фойдаланилади. Шу билан бирга тарбиячи болалар билан биргаликда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, табиат ҳаётидаги ёрқин мавсумий ўзгаришлар юзасидан узоқ муддатли кузатишларни ҳам ташкил қилади. Дастлаб бу кузатишлар якка объектлар (масалан, кузда дарахтлардан бирининг барглари турли рангда бўлиши, табиат бурчагида экилган ловиянинг ўсиши ва ҳоказо) юзасидан ўтказилади, сўнгра эса узоқ муддатли кузатиш объектлари юзасидан (масалан, баҳорги боғ ёки дарахтзор, дарахтларнинг барг ёзиши, гулларнинг очилиши, об-ҳаво, қушларни кузатиш) бўлиши мумкин.

Табиатдаги ўзгаришларни кузатиш давомида ўрта гуруҳ болалари кузатилаётган жисмларнинг характерли белгиларини: ҳажми, ранги, шакли, сатҳининг миқдорини кўрсатишни ўрганадилар. Натижада болалардаги кузатиш асосида шаклланадиган тасаввурлар анча аниқлашиб боради. Тарбиячи болаларга савол ва топшириқларни кетма-кет берар экан, шу аснода ўзи тавсия этаётган режага риоя қилишга одатлантиради. Кузатишнинг мақсади кўпинча меҳнат ёки тасвирий фаолият билан боғлиқ бўлади. Мисол учун, боққа саёҳат ташкил этилади ва у ерда дарахтлар гуллаганини кўриш, улар билан танишиш ишлари амалга оширилади. Баъзан кузатишларда топишмоқлардан фойдаланиш яхши самара беради. Болалар топишмоқларнинг жавобини предметни кузатиш жараёнида топадилар.

Ўрта гуруҳ болалари кузатиш учун зарур бўлган муҳитни ўзлари ярата оладилар (масалан, озуқа тайёрлаш, жонивор учун жой тайёрлаш каби). Бу эса болаларнинг кузатишга бўлган қизиқишларини оширади.

Худди кичик гуруҳдагидек кузатиш жараёнида хилма-хил тадқиқот (текшириш) ҳаракатлари, ўйин усуллари, меҳнат топшириқларидан фойдаланилади. Бу ҳаракатлардан баъзилари изланиш характерида бўлиши мумкин. Масалан, жониворнинг нима ейишини билиш учун унга турли озуқа бериб кўрилади.

Ўрта гуруҳ болалари билан олиб бориладиган кузатишларда тарбиячи таққослашдан фойдаланиши муҳимдир. Бунда тарбиячи предметнинг белгиларини ажратиб, икки предметни қиёслайди

(улардан бири болаларга олдиндан таниш). Болалар кўрибгина қолмасдан, керак бўлганда ушлаб, ҳидлаб ҳам кўриши яхши натижаларга олиб келади.

Ўрта гуруҳда кузатишнинг натижаси ҳикоя – тасвирлаш бўлиши мумкин. Тарбиячи болаларга ҳикоянинг қисқача режасини тавсия этиб, уларни икки-учта савол ёрдамида гапириб беришга ундайди.

Болаларнинг мустақил кузатишлари ўрта гуруҳда пайдо бўлади. Бунда уларни рағбатлантириш, кузатилаётган ҳодисани тушунишларида ёрдам бериш, баъзан у ёки бу усулни қўллашда маслаҳат бериш, бошқа болаларни ҳам кузатишга жалб қилиш, ўз кузатиш натижаларини ўртоқларига гапириб беришга ундаш лозим.

Катта гуруҳ. Бу гуруҳ билан олиб бориладиган кузатишлар жараёнида болалар объектларнинг характерли ва муҳим белгилари билан танишадилар, ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши, табиатдаги мавсумий ўзгаришлар устида узоқ муддатли кузатишлар олиб борадилар.

Тарбиячи кузатишни ташкил қила туриб, болаларни маълум усуллардан фойдаланишга, режага риоя қилишга, мустақил равишда мураккаб бўлмаган ҳулосалар чиқаришга ўргатишда давом этади. Бунда кузатилаётган жисм ва ҳодисаларда у ёки бу фаолият учун аҳамиятли ёки бутун бир объектлар гуруҳининг умумий белгилари ажратиб кўрсатилади, жисмларнинг теварак-атроф билан алоқаси ва муносабати аниқланади.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсиши ҳамда ривожланиши, мавсумий ўзгаришлар устида олиб борилган кузатишларда болаларнинг давр (фазо), босқич ёки ҳолатларни кўра билиш хусусиятлари шакллантирилади. Масалан, улар ўсаётган нўхат новдалари, пояси, барглари, гажаклар, гунчалар, гул ва мева (кўзоқ)ларнинг пайдо бўлишини синчковлик билан кузатадилар.

Болаларни жисм ва ҳодисаларни кўра олиш, эшитиш ва қабул қилиб олишга ўргатиш тарбиячининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Болалар кўпинча иккита таниш жисмга қарайдилару, уларни бир-биридан ажрата олмайдилар. Шунинг учун тарбиячи кузатишни ташкил қилар экан, аниқ объектларни топиши, уларни таърифлаши, саволларга жавоб беришга оид муайян вазифалар қўйиши керак.

Кузатишларда қўлланиладиган қиёслаш усуллари борган сари хилма-хиллашади: кузатилаётган объект расмда тасвирлангани ёки

тасаввурдагиси билан қиёсланади. Фақат айрим жисмларгина эмас, балки табиат ҳодисалари ҳам (масалан, боғнинг баҳор ва қишдаги кўриниши) қиёсланади. Жисмларни таққослашда тарбиячи болаларнинг диққатини бир неча умумий бўлган белгиларга, айниқса, уларнинг муҳим томонларини акс эттирган белгиларига қаратади. Масалан, болалар турли ҳашаротларни кузатар эканлар, уларнинг олтитадан оёқчаси борлигини билиб оладилар. Тарбиячи кузатилаётган жисм ва ҳодисаларни қиёслаш учун вазифа топширар экан, болаларнинг мустақил ишлашга қийналиб қолган ҳолларидагина ёрдам беришга ҳаракат қилади.

Худди ўрта гуруҳдагидек кузатиш натижалари ҳақидаги оғзаки ҳисобот иложи борица мустақил бўлиши лозим. Кузатиш натижаларини болалар расмларда, ясаган буюмларида акс эттиришлари мумкин.

Мактабгача тайёрлов гуруҳи. Бу гуруҳдаги кузатишларга раҳбарлик қилишнинг ўзига хос хусусиятлари болаларга кўпроқ мустақилликларини намоён қилиш учун шароит яратишдан иборатдир. Узоқ муддатли кузатишлар учун топшириқларнинг бир қисми болаларга олдиндан берилади. Тарбиячи буларни болаларга баъзи-баъзида эслатиб туради. Қисқа муддатли кузатишларда тарбиячи савол-топшириқлардан фойдаланади. Масалан, «Янги келтирилган қуш, бизда олдин яшаган қушдан нимаси билан фарқ қилади?» «Боғчамиздаги дарахт ва буталарнинг барглари бир хилда сарғайганми?» ва шу кабилар. Кўпинча саволлар фақатгина болалар баъзи бир мураккабликларга учраганларидагина берилади. Тадқиқотчилик ҳаракатларидан ҳам юқоридаги ҳолатда фойдаланилади.

Тайёрлов гуруҳи болалари ўз кузатишларида оддий мосламалар, баъзан эса асбоблар – термометр, флюгер, лупа, рейка (қорнинг қалинлигини ўлчаш учун ва шу кабилардан фойдаланишлари мумкин.)

### **3. Амалий услуб ва унинг турлари**

**Ўйин.** Табиатнинг оддий ҳодиса ва тасаввурларини кенгайтириш мақсадида ўтказиладиган кузатишлар билан бир қаторда хилма-хил ўйинлардан кенг фойдаланилади. Бу ўйинларда болалар сезувчанлик тажрибасини орттирадилар, эгаллаган билимларини ижодий ўзлаштирадилар. Болаларни табиат билан таништиришда дидактик, ҳаракатли ва ижодий ўйинлардан фойдаланилади.

**Дидактик ўйинлар.** Дидактик ўйинларда болалар ўзларида табиатдаги нарса ва ҳодисалар, ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳақида мавжуд бўлган билимларни аниқлайдилар, мустаҳкамлайдилар, кенгайтирадилар. Кўпгина ўйинлар болаларни умумлаштириш ҳамда туркумлашга ўргатади.

Дидактик ўйинлар хотира, диққат, кузатувчанликнинг ўсишига ёрдам беради, янги шароитларда болаларни мавжуд билимларидан фойдаланишга ўргатади, турли ақлий жараёнларни фаоллаштиради, луғатни бойитади, болаларда биргаликда ўйнаш кўникмасини тарбиялашга ёрдам беради. Болаларни табиат билан таништиришда предметли, стол-босма ва оғзаки дидактик ўйинлардан фойдаланилади.

Предметли ўйинлар – барглар, уруғлар, гуллар, мевалар, сабзавотлар билан ўйналадиган «Ажойиб қопча», «Мевалар ва илдизлар», «Бу бутокда кимнинг болакайлари» ва шу каби ўйинлардир. Бу ўйинлар ёрдамида болалар фаол мулоқотда бўладиган предметларнинг хусусият ҳамда белгилари ҳақидаги тасаввурлари аниқланиб бойитилади. Предметли ўйинлар, айниқса, кичик ва ўрта ёшли гуруҳларда кенг қўлланилади. Бу ўйинлар болаларга табиат жисмларининг ўзидан фойдаланиш, уларни қиёслаш ҳамда уларда содир бўладиган айрим ташқи белгиларидаги ўзгаришларни қилиш имконини беради. Предметли ўйинлар барча ёшда гуруҳларнинг бироз мураккаблаштирилган билимларини кенгайтириш тафаккурларини кучайтириш ҳамда ҳаракатларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Стол-босма ўйинлари – «Йилнинг тўрт фасли», «Кичкинтойлар», «Мевалар», «Ўсимликлар», «Баргларни териб ол» расмлар ва шу кабилардир. Бу ўйинлар болаларнинг ўсимликлар, ҳайвонлар жонсиз табиат ҳодисалари ҳақидаги билимларини ўзлаштириш, айтилаётган сўзга қараб предметни тасвирлаш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради. Ўйин сўз билан биргаликда олиб борилади сўз ёки расм идрок этилишидан олдин келади ёки ўйин билан уйғунлашиб кетади. Бундай ўйинлар озчилик болалар билан ўтказилади.

Оғзаки ўйинлар («У нима учун учди, югуради, сакрайди», «Сувда, ҳавода, ерда», «Керак-керак эмас» ва шу кабилар) ҳеч қандай жиҳоз талаб қилинмаслиги туфайли жуда мақбулдир. Улар у ёки бу предметларнинг вазифалари ҳамда ҳаракатлари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, умумлаштириш ва бир тизимга солиш

мақсадида ўйналади. Бу ўйинлар диққатни, зехни, қабул қилиш тезлигини, равон нутқни ривожлантиради.

Табиатга оид ўйинларни ўрганиш барча дидактик ўйинлар учун умумий бўлган қоидалар бўйича амалга оширилади. Кичик ёш гуруҳларда дастлабки босқичларда тарбиячи ўйинни болалар билан бирга ўйнайди, ўйин давомида у бир қоидани айтиб, уни шу заҳотиёқ татбиқ қилади. Такрорий ўйинда эса кўшимча қоидаларни айтади. Иккинчи босқичда тарбиячи ўйинда фаол қатнашмайди, четдан раҳбарлик қилиб, ўйинни бошқариб туради. Учинчи босқичда болалар мустақил ўйнайдилар.

Ўрта ёш гуруҳдан бошлаб ўйинга ўргатиш усули ўзгаради. Аввал тарбиячи ўйиннинг мазмунини айтиб, олдиндан 1–2 та муҳим қоидани ажратиб кўрсатади. Ўйин давомида у бу қоидаларни яна бир бор таъкидлайди. Ўйин ҳаракатларини кўрсатади, кўшимча қоидаларни беради. Кейинги босқичда болалар мустақил ўйнайдилар. Тарбиячи ўйинни кузатиб туради, хатоларни тўғрилайди, низоларни бартараф қилади. Ўйинга қизиқиш сусайган вақтда тарбиячи ўйиннинг бошқа турларини таклиф қилади.

Ўйин машқлари ва ўйин-машғулотлар. Айтиб ўтилган ўйинлардан ташқари болалар билан бўладиган иш жараёнида кўпинча ўйин машқларидан («Баргига қараб дарахтни топ», «Таъмидан билиб ол», «Худди шунга ўхшаш гулни топ», «Сариқ баргни олиб кел» ва бошқалар) фойдаланилади. Ўйин машқлари нарса ва ҳодисаларни сифати ҳамда хусусиятига кўра фарқлашга ўргатади, кузатувчанликни ўстиради.

Бу ўйинлар бутун гуруҳ болалари билан ёки уларнинг бир қисми билан ўтказилади. Ўйин машқлари кичик ва ўрта гуруҳларда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Дидактик ўйин-машғулотлар «Ажойиб қопча», «Гул магазини» каби ўйинларни ўз ичига олади. Улар маълум мазмунга эга бўлиб, ўйин-машғулотларга қизиқарлилик киритади. Бунда ўқитиш ўйин қоидалари, ҳаракатлари орқали бевосита олиб борилади. Ўйин-машғулотлардан кичик ва ўрта гуруҳларда фойдаланилади, катта гуруҳларда эса улар машғулотнинг бир қисмини ташкил этади.

**Ҳаракатли ўйинлар.** Табиатшунослик характеридаги ҳаракатли ўйинлар ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати, уларнинг ҳаёт тарзига тақлид қилиш билан боғлиқ бўлиб, баъзиларида жонсиз

табиат ҳодисаларини акс эттиради. Бу «Она товуқ ва жўжалар», «Мушук ва сичқонлар», «Куёш ва ёмғир» каби ўйинлардир.

**Ижодий ўйинлар.** Ўйинда болалар машғулот, экскурсия, кундалик ҳаёт жараёнида олинган таассуротларни акс эттирадилар (паррандачилик фабрикаси, иссиқхона ва шу қабилардаги ишлар), улар ҳақидаги билимларни эгаллайдилар, бунда уларда меҳнатга ижодий муносабат шаклланиб, катталарнинг табиатдаги меҳнатларининг аҳамиятини англаб оладилар.

Ижодий ўйинларнинг мустақиллик характери тарбиячига болаларни янги билим, малака ва кўникмалардан ўргатиш методи сифатида фойдаланиш имконини бермайди. Бироқ бунда тарбиячи болалар қайси билимларни етарлича эгаллаганлару, қайсиларини яна кенгайтириш лозимлигини билиб олиш учун ижодий ўйинларни диққат билан кузатиб бориши лозим. Тарбиячи табиатшунослик мазмунидаги ижодий сюжетли, ролли ўйинларни бойитиб, экскурсиялар, сайрлар вақтида болаларни катталарнинг меҳнати ҳақидаги билимларини кенгайтиради, диафильмлар кўрсатади, китоблар ўқиб беради.

Ўйинни ривожлантиришда қишлоқ меҳнаткашлари – сут соғувчи, боғбонлар ҳақидаги ҳикоялар болаларга алоҳида таъсир кўрсатади. Шу билан бирга уларда катталар меҳнатига нисбатан қизиқиш уйғотиб ўйин мазмунини бойитади. Табиатшунослик мазмунидаги ижодий ўйинларни авж олдириш учун шароит яратиш, яъни зарур ўйинчоқлар – қишлоқ хўжалик машиналари, ҳайвонлар ва шу қабилар билан таъминлаш даркор.

Ижодий ўйин турларидан бири табиий материаллар – кум, лой, майда тошчалар, сўта ва шу қабилар билан ўйналадиган ўйинлардир. Материаллар ёрдамида болалар ижод қилар экан уларнинг хусусиятлари ва сифатларини билиб оладилар. Ҳар бир ёш гуруҳда йилнинг фаслига мос табиий материал билан ўйнаш учун шароит яратилади. Булар кум майдончалари ҳамда кунж столлари, кум ва қор билан ўйнаш учун шакл тўпламлари, одамлар ва ҳайвонларнинг резинкадан ясалган фигуралари, уй, дарахтларнинг фанердан ясалган силуетлари, буталар, шохчалар чакамуғ, металл каркаслар бўлиб, булар ёрдамида фигуралар ясалади. Тарбиячи болаларга ўйин учун табиий материалларни танлашда ва улардан фойдаланишда ёрдам беради ҳамда фойдаланиш усулларини кўрсатади.

#### 4. Табиатда болалар меҳнати

Болаларнинг табиатдаги меҳнати катта тарбиявий аҳамиятга эга. Меҳнат қилиш жараёнида болаларда табиатга бўлган муносабатлар шаклланади. Табиатдаги меҳнат болаларда берилган топшириққа масъулият билан ёндашишни тарбиялайди. Бироқ бунинг учун болалар зарур меҳнат малакаларини эгаллаб олган бўлишлари, ўз меҳнатларининг аҳамиятини тушунишлари лозим. Табиатдаги меҳнат мактабгача ёшдаги болаларнинг сенсор тарбияси учун қулай шароитлар яратади. Тарбиячи болаларни меҳнат орқали мақсад ва натижаларга эришиш, нарсаларни сенсор белгиларини назарда тутишга ўргатади. Масалан, ўсимликнинг сувга муҳтожлигини аниқлаш учун унинг ҳолатини – барг ва поясининг эластиклиги, пишиқлиги ёки унинг сўлғинлиги, юмшоқлигини, тупроқда эса – унинг намлиги, зичлиги ва шу каби белгиларни ҳисобга олиш лозим.

Меҳнат жараёнида болалар ўсимликлар ҳолатининг ёгингарчиликка, намликка, иссиқликка, яхши тупроққа бўлган эҳтиёжларини кондирилишига боғлиқ эканлигини англаб оладилар. Болалар муҳитнинг ўзгариши, қонуний тарзда ўсимликлар ҳолатини ҳам ўзгартиришини билиб оладилар. Бу муносабатларни ўзлаштиришлари уларнинг меҳнатга бўлган муносабатига ҳам таъсир этади – меҳнат онгли ва мақсадга йўналтирилган бўлиб боради. Болаларда табиатга қизиқиш, меҳнатсеварлик шаклланади.

Табиатдаги меҳнат – кузатувчанликни ўстириш усулларидан биридир. Агар кузатиш меҳнат билан боғланган бўлса, самаралироқ бўлади. Табиатдаги меҳнат жараёнида тарбиявий вазифалардан ташқари таълимий вазифалар ҳам ҳал қилинади. Болалар меҳнат орқали ўсимликларнинг хусусиятлари ва сифатлари, уларнинг тузилиши, эҳтиёжлари, ривожланишининг асосий босқичлари, ўстириш усуллари, ўсимликлар ҳаётидаги мавсумий ўзгаришлар ҳақида, ҳайвонлар, уларнинг ташқи кўриниши, эҳтиёжлари, ҳаракат қилишлари, ҳаёт тарзлари ва уларнинг мавсумий ўзгаришлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Шу жумладан, ҳайвонларни табиат бурчагида парвариш қилишни ўрганадилар ва шу орқали меҳнат малакаларини эгаллайдилар.

Табиат билан таништиришда болалар меҳнатини ташкил этиш. Болаларни табиатдаги меҳнати индивидуал топшириқ шаклида ва жамоа меҳнат тарзида ташкил этилади.

Индивидуал топширик болалар боғчасидаги барча ёш гуруҳларда қўлланилади. Булар тарбиячига боланинг хатти-ҳаракатини пухтароқ бошқариш: ёрдам кўрсатиш, кўшимча тушунтириш, маслаҳат бериш, топшириқнинг бажарилишини назорат қилиш, боланинг фаолиятини бошқариш имконини беради. Буларнинг барчаси малака ҳамда кўникмаларнинг аниқ ва мустақкам шаклланишига, шунингдек, топширилган иш учун масъулият ҳис этиш, ғайрат билан меҳнат қилиш одатининг тарбияланишига ёрдам беради.

Жамоавий меҳнат бир вақтнинг ўзида гуруҳнинг барча болаларида меҳнат малакалари ва кўникмаларини тарбиялашга имкон яратади. Меҳнатнинг бу шакли жамоадаги муносабатларнинг таркиб топиши учун зарурдир. Бунда меҳнатнинг умумий мақсадини тушуниш, келишиб олиш, ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш, ишни ҳамкорликда режалаштириш, ўртоқларига ёрдам бериш, уларнинг меҳнатини баҳолаш каби муҳим кўникмалар шаклланади.

Болалар меҳнатини ташкил этиш шаклларида бири навбатчиликдир. Табиат бурчагида навбатчилик қилишни болалар катта гуруҳда бошлайдилар. Меҳнатнинг бу шакли меҳнат малакаларини такомиллаштириш, унинг ижтимоий сабабларини шакллантириш имконини яратади.

Болалар меҳнатига раҳбарлик қилиш. Кичик гуруҳлар. Бунда болалар тарбиячининг табиат бурчаги ва ҳовлидаги ҳайвонлар ҳамда ўсимликларни парвариш қилишга йўлланган меҳнатида иштирок этадилар. Улар 1–2 та индивидуал топшириқлар оладилар (қушлар учун тайёр озуқани олиш ва донхўракка солиш ўсимликларни олдиндан ҳозирлаб қўйилган сув билан суғориш ва шу кабилар. Бу қисқа муддатли меҳнатга тарбиячи аста-секин барча болаларни жалб қилади.

Ўрта гуруҳ. Беш ёшли болаларни меҳнат жараёнида уюштиришнинг шакллари кичик гуруҳдаги билан бир хилдир. Бунда индивидуал топшириқлар катта ўрин эгалласа ҳам бироқ улар узок муддатли характерни касб этади. Болалар айни бир топшириқнинг ўзини 2–3 кун давомида бажарадилар. Натижада ўрта гуруҳда меҳнат жараёни мураккаблашиб боради.

Катта гуруҳлар. Мактабгача катта ёшдаги болаларда фақат меҳнатни тушуниш кўникмасигина эмас, балки меҳнат топширигини, унинг натижасини кўрсатишни, топшириқларнинг кетма-

кетлигини, керакли анжомларни танлашни, мустақил меҳнат қила билишни (тарбиячининг бир оз ёрдамида) ҳам таркиб топтириш лозим. Ўсимликлар ва ҳайвонларни парвариш қилиш бўйича индивидуал топшириқлар узоқ муддатли ишга айланади.

Катта гуруҳдаги болаларда табиат бурчагида навбатчилик қилиш жорий қилинади. Навбатчиликни ташкил этар экан, тарбиячи машғулот ўтказиб, унда болаларни навбатчиликнинг мажбуриятлари билан таништиради, табиат бурчагида яшовчи жониворларни парвариш қилиш усуллари эслатади, янгилари билан таништиради. Бир вақтда 2-3 бола навбатчилик қилади.

Навбатчиликка яхши ишлайдиган болалар билан бирга малакалари етарлича шаклланмаган болалар танланади. Навбатчилик болаларда жавобгарлик ҳиссини, ишбилармонликни тарбиялайди.

## **5. Табиат билан таништиришнинг оғзаки услуби. Сухбат**

Дидактик вазифалардан келиб чиққан ҳолда сухбат икки турга—олдиндан ўтказиладиган сухбатлар ва якуний сухбатларга бўлинади. Олдиндан ўтказиладиган сухбатларни тарбиячи кузатишлар, экскурсиялардан олдин қўллайди. Бундай сухбатнинг мақсади бўлажак кузатишлар билан мавжуд билимлар ўртасида алоқа ўрнатишдир.

Якуний сухбат ўрганилган фактларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш ва аниқлашга йўлланади. Бу сухбатлар мазмунан турли даражада бўлиши мумкин: баъзи кузатиладиган объектларнинг тор доирасини (масалан, иссиқ ўлкаларга учиб кетувчи қушлар ҳақида, ёввойи ҳайвонларнинг ўрмонда қишлаши ва шу кабилар), бошқа ҳодисаларнинг кенг доирасини (масалан, мавсумлар ҳақида сухбатлар) қамраб олиши мумкин.

Сухбат – бу болалар билан ўтказилган машғулотнинг якунидир. Унинг самаралилиги болаларнинг тайёргарликларига боғлиқ. Шунинг учун тарбиячи болаларни кузатишлар, меҳнат фаолияти, ўйинлар, табиат ҳақидаги ҳикоялар орқали сухбатга тайёрлаши лозим. Болаларда нима ҳақида аниқ тасаввур бўлса, фақат шу мавзу юзасидан сухбат ўтказиш мақсади яхши фикрдир.

Тарбиячи сухбатнинг дидактик мақсадини аниқ тасаввур қилиши, яъни унинг мазмунини аниқлаши, умумлаштириши ҳамда муҳим томонларини ажратиб, сухбат якунида аниқ бир хулоса чиқара олиши лозим.

Суҳбат ҳодиса, фактларни анализ қилишдан, уларнинг хусусиятлари, белгилари, ўртасидаги муҳим алоқа ҳамда муносабатларни таъкидлашдан бошланади. Бундай анализ умумлаштириб ўтишни таъминлайди, тарқоқ фактларни бир тизимга солади. Масалан: «Қайси қушлар биринчи бўлиб учиб келади? Қора қарғани қандай таниб олдик? Биз уларни қаерда кўрганмиз? Қора қарғалар далада нима қилаётган эди? Қора қарғалар нима ейди». Сўнг кейинги савол берилади: «Нима учун қора қарғалар бошқа қушлардан олдин учиб келади?» (чуғурчук, қалдирғоч ва шу каби бошқа қушлар ҳақида ҳам шундай саволлар берилади).

Суҳбатнинг иккинчи қисмида «Нима учун ҳамма қушлар бир вақтда учиб келмайди?» каби умумлаштирувчи саволни бериш мумкин.

Улар мазмунан аниқ, тўғри, қисқа бўлиши керак. Ҳар бир саволда битта фикр бўлиши шарт. Қисқа «ҳа» ёки «йўқ» жавобларини талаб қилувчи саволларни бериб бўлмайди. Бундай саволлар тафаккурнинг ўсишини, муносабатларнинг аниқланишини таъминламайди. Тарбиячи суҳбат давомида болаларнинг хулоса, умумлаштиришларни ўзлари мустақил бошқаришларига ғамхўрлик қилади.

Суҳбатда хилма-хил кўргазмали материаллардан ҳам фойдаланиш зарур. Булар табиат жисмлари, об-ҳаво календарлари, гербарийлар, иллюстрациялардир. Бундан ташқари топишмоқлар, шеърлар, қушлар овозининг ёзувлари фойдалидир. Бу болаларда муҳокама қилинаётган ҳикояга нисбатан эмоционал муносабат уйғотади.

Суҳбат болаларни табиат билан таништириш услуби сифатида, ўрта ва мактабгача катта ёшда қўлланилади. Ўрта гуруҳда суҳбат, асосан, ҳодисаларни эслатишга, катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида эса мавжуд билимларни умумлаштириш ва системага солишга йўналтирилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Табиат билан таништириш методлари неча гуруҳга бўлинади ва улар қандай гуруҳлар?
2. Кузатиш услубининг моҳияти нимада?
3. Табиат билан таништиришда табиий жисмларнинг аҳамияти қандай?

4. Кузатиш неча хил бўлади? Улар ҳақида гапириб беринг?
5. Кузатишда тарқатма материаллардан фойдаланишнинг аҳамияти қандай?
6. Амалий услуб ва унинг турлари ҳақида гапириб бериш.
7. Табиатда болалар меҳнатининг аҳамияти қандай?
8. Табиат билан таништиришнинг оғзаки услуби ҳақида гапириб беринг.

### **Адабиётлар**

1. О.Ҳасанбоева ва бошқалар. Мактабгача педагогика. –Т.: «Илм Зиё», 2006 й.
2. П.Юсупова. Мактабгача педагогика. –Т.: «Ўқитувчи», 1996 й.
3. Ш.Шодмонова. Мактабгача педагогика. –Т.: «Фан ва технологиялар», 2008 й.
4. «Болажон» таянч дастури. –Т.: 2010 й.

---

## **V боб. БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

### **I. Режа:**

1. Болалар боғчасида табиат бурчаги.
2. Турли гуруҳларда табиат бурчагини ташкил қилишнинг ўзига хослиги.
3. Табиат бурчагида ўсимлик ва ҳайвонларни сақлаш.
4. Террариумда яшовчиларни боқиш.
5. Кушлар учун донхўрақлик ва инлар ясаш.

### **II. Мавзунинг мақсади:**

Боғчада жонли бурчакни ташкил этиш орқали болаларда табиат яратган жониворларга меҳр ва уларни асрашда масъуллик ҳиссини шакллантириш.

### **III. Мавзунинг вазифалари:**

1. Боғчада жонли бурчак ташкил қилиш методикасини ўрганиш.
2. Жонли бурчакни жиҳозлашда асбоб анжомларни танлаш.
3. Жонли бурчакда яшовчи ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилишга ўргатиш.
4. Жонли бурчакда болалар меҳнатини ташкил қилишни ўзига хослиги.
5. Жонли бурчак орқали болаларда меҳрибонлик, бурч ва эстетик дидларни шакллантириш.

**IV. Таянч иборалари:** жонли бурчак, аквариум, ўсимлик, донхўрақ, водопровод суви, пуркаш, қаламча, кўчат, кесиш, тирик туғилувчилар, судралувчилар.

### **1. Болалар боғчасида табиат бурчаги**

Болалар боғчасида болаларни табиат билан таништириш у билан доимо бевосита муносабатда бўлишни талаб қилади. Буни таъминловчи шартлардан бири болалар боғчасида жонли табиат бурчагини бўлишидир. Болаларни табиат билан узвий, давомли ва системали тарзда таништириш уларда жонли табиат бурчагида яшовчилар ҳақида чуқур ва пухта билимларни, меҳнат, малака ҳамда кўникмаларни ҳосил қилиш, кузатувчанликни ўстириш учун

шароит яратади. Ана шу малака ва кўникмалар асосида табиатга эҳтиёткорона муносабат ҳам, унга қизиқиш ҳам тарбияланади.

Табиат бурчаги болаларнинг диққатини бурчакда яшовчи бир неча ҳайвонларга, уларнинг ўзига хос белгиларига қаратиш ва шу билан болаларнинг чуқур, мустақкам билимга эга бўлишларига имкон яратади. Табиатда болалар учратадиган ҳайвон ва ўсимликларнинг хилма-хиллиги улар ҳаётидаги умумий, аҳамиятли ҳамда қонуний томонларни ажратиб кўрсатишни қийинлаштиради. Чекланган миқдордаги махсус танланган объектлар билан табиат бурчагида таништириш бу мураккаб ҳамда муҳим вазифани ҳал этиш имкониятини беради. Табиат бурчагида яшовчиларнинг яқинлиги ҳам аҳамиятлидир. Болалар, масалан, аквариумдаги балиқларни яхшилаб кўриш, уларни узоқ муддат давомида кузатиш имкониятига эга бўладилар (расм болалар табиат бурчагида).

Жонли табиат бурчаги учун ўсимлик ва ҳайвонларни танлашда бир қатор талабларни назарда тутиш лозим. Улар қуйидагилардир:

– ўсимлик ёки ҳайвон у ёки бу экологик гуруҳга хос бўлиши лозим. Бунда болаларни ўсимлик ва ҳайвонларнинг катта гуруҳи учун характерли бўлган, асосий, ўзига хос белгилари, яшаш шароитлари билан таништириш имкони яратилади;



Қирк кулок



Клевия

– табиат бурчагида яшовчиларни парвариш қилиш, қилинадиган меҳнатнинг сифати, характери, унга сарфланадиган куч ва вақтига кўра мактабгача ёшдаги болаларнинг ёшига мос (тарбиячининг иштироки ва раҳбарлиги остида) бўлиши лозим. Шунинг учун «беор» ўсимликлар ва овқатни танламайдиган ҳайвонлар танланади;

– табиат бурчагидаги ҳайвон ва ўсимликлар ташқи кўринишидан ёрқин, жозибадор, мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ҳали унчалик барқарор бўлмаган диққатини ўзига жалб қила оладиган бўлиши керак;


– табиат бурчагида бу турдаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг бир неча хили мавжуд бўлиши лозим. Чунки болалар кузатиш объектида фақат умумий белгиларнигина эмас, балки ўзига хос хусусиятли белгиларни ҳам кўра олишлари керак. Бу болаларнинг тирик организмларнинг хилма-хиллиги ҳамда такрорланмаслигини билиб олишларига ёрдам беради;

– табиат бурчагида ўсимлик ва ҳайвонлар тамоман хавфсиз бўлиши, болаларнинг соғлиқларига ҳеч қандай зарар етказмаслиги лозим;

– ўсимлик ва ҳайвонларнинг болалар муассасаси биносидаги ҳаёт фаолияти, ўсиши ва ривожланишида бинонинг доимий ҳароратини, карбонат ангидрид газининг концентрациясини, куруқлигини, шовқин-суроннинг мавжудлигини ҳисобга олиш лозим.



Тошёрар



Колеус


Ҳайвон ва ўсимликларни табиат бурчагига жойлаштиришда, биринчи навбатда, уларнинг биологик хусусиятлари ҳамда эҳтиёжларига эътибор бериш лозим. Масалан, баъзи хона ўсимликлари (чироқгул, кактус ва бошқалар) қуёш нурини кўпроқ бўлишини

талаб қилади, шунинг учун уларни энг ёруғ жойга қўйиш лозим, баъзилари эса (масалан, узамбарг гунафшаси) тик тушиб турувчи қуёш нурига бардош бера олмайди. Шу билан бирга жонли табиат бурчаги кўзни қувонтириши, безаши лозим. Бунда, объектларни шундай жойлаштириш керакки, болалар уларнинг ёнига бемалол кела олишлари, кузата олишлари ва унда меҳнат қила олишлари мумкин бўлсин.

Табиат бурчагида яшовчиларни доимий ва вақтинча яшовчиларга ажратиш мумкин. Доимий яшовчиларга хона гуллари, қафасдаги қушлар, аквариумдаги балиқлар, катта гуруҳларда эса ҳайвонлар киради. Вақтинча яшовчиларга қисқа муддатга олиб кириладиган маҳаллий ўлка ўсимлиги, ҳайвонлар, дастлабки баҳорги гуллар, кузда қийғос гуллайдиган гулхонадаги декоратив ўсимликлар, хонадаги манзарали ўсимликлар, ҳашаротлар ва шу кабилар киради.



Асни диетра



Фигус

## 2. Турли гуруҳларда табиат бурчагини ташкил қилишни ўзига хослиги

**Кичик ёш гуруҳининг табиат бурчаги.** Кичик гуруҳ табиат бурчаги учун ўсимлик ва ҳайвонларни танлашда энг аввало болаларнинг нарсаларни идрок этиш хусусиятлари, шунингдек, таълимий масалалар назарда тутилади. Кичкинтойлар 2–3 хил

Ўсимликни билиб олишлари ва уларнинг асосий қисмларини (барги, пояси, гули) фарқлай олиб, номларини айтишлари лозим.

Иккинчи кичик гуруҳдаги болалар ўсимликларни парвариш қилишга жалб қилинадилар: улар ўсимликларга сув қуюдилар (сувни катталар тайёрлаб беради, қанча қуйиш лозимлигини ҳам улар кўрсатишади), нам латта билан ўсимликларнинг баргларини артадилар. Ҳайвонларни кузатар эканлар, болалар ҳайвонларни ташқи аниқ белгиларига: гавда қисмлари, ҳаракатланиш характери, чиқарадиган овозлари ва ҳоказоларга кўра таниб олишни, тана-сининг асосий қисмларини фарқлашни ўрганиб оладилар. Тарбиячи болаларни кузатишга, саволни англашга, диққатни кузатилаётган нарсага қаратиб, унча мураккаб бўлмаган ҳаракатларидан фойдаланишга, кузатиш жараёнида берилган саволларга жавоб қайтаришга ўргатади.

Кичик ёш гуруҳнинг табиат бурчагига асосий қисмлари (пояси, барги) аниқ ифодаланган ва ёрқин, қийғос ҳамда узок гуллайдиган ўсимликлар жойлаштирилади. Масалан: хина, азалия, фуксия, хитой атиргули ва ҳоказолар. Айтиб ўтилган турлардан йил давомида кузатиш учун 3-4 ўсимлик танланади. Уларнинг баъзилари 2 нусхада бўлиши лозим. Булар ичидан болалар бир хил ўсимликларни топиб, ажратиб кўрсатишни ўрганадилар.

Илк ёшдагиларнинг иккинчи гуруҳ табиат бурчагига аквариум жойлаштирилади. Аквариумга кичкинтойларнинг идрок этиш хусусиятларидан келиб чиқиб, чиройли рангдаги, йилнинг кўп қисмида фаол яшайдиган, озуқани шошиб-пишиб ейдиган балиқларни танлаш лозим (масалан, оддий тилла балиқ, тилла ёки кумуш рангдаги товон балиқлар). Кичик ёш гуруҳларнинг табиат бурчагида қушларни ҳам сақлаш мумкин. Қушнинг патлари чиройли, ўзи хушчақчақ бўлиши, овқат танламаслиги, қафасда ҳам сайраши мақсадга мувофиқдир. Конорейка худди шундай қушлардандир. Бироқ имкон бўлса, саъва, снегирни сақлаш лозим. Кичик ёш гуруҳ табиат бурчагида сутэмизувчиларни доимо сақлаш мумкин эмас.

**Ўрта ёш гуруҳ табиат бурчаги.** Ўрта ёш гуруҳдаги болаларда нарсаларнинг хусусият ва сифатларини (шаклининг хилма-хиллиги, ранги, катталиги, сатҳининг характери ва шу кабилар) кўра олиш малакаси ҳосил қилинади. Болалар солиштириб кўришнинг мураккаброқ усулларини эгаллайдилар, нарсаларнинг фарқи ва ўхшашлигини аниқлашни, уларни у ёки бу белгиларига кўра умумлаштиришни ўрганадилар. Ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги

билимлар мураккаблашади. Болалар ўсимликларнинг хусусиятларини аниқ фарқлашни бошлайдилар, уларнинг ҳаётлари учун зарур бўлган шароитлари билан танишадилар. Шу билан болалар кўрганда танийдиган ҳамда номларини биладиган ўсимликлар сони ортиб боради.

Беш ёшга қадам қўйган бола ҳайвонлар билан танишар экан, уларнинг ташқи кўриниши, тузилиши, ҳаракат қилиши, овқатланишининг ўзига хослигини ва дастлабки боғлиқлик – ҳаракат қилиш характери оёқларининг тузилишига боғлиқ эканлигини билиб олади. Жонли табиат бурчагида яшовчиларни парвариш қилиш жараёнида болалар унчалик мураккаб бўлмаган кўникмаларни эгаллайдилар, булар – ўсимликни тоза сақлаш, уни тўғри суғориш, сувдон ва охур (донхўрак)ларни ювиш, озуқа бериш каби. Бу ёшдаги болалар ўсимлик ва ҳайвонларни кузатар эканлар, уларнинг ўсиши ва ривожланишидаги ўзгаришларни қайд қиладилар. Ўз кузатишларини тўғри гапириб беришни ўрганадилар. Ўрта ёш гуруҳдаги болаларнинг жонли табиат ҳақидаги дунёқарашларини кенгайтириш мақсадида табиат бурчагининг аҳолисини тўлдириб, бойитиб туриш талаб қилинади. Хона ўсимликлари турли шакл ва ҳажмдаги баргларга эга бўлиши лозим, чунки болалар ўсимликларни озода сақлашнинг ўзлари учун янги бўлган усулларини эгаллайдилар, эгилган баргларни мўйқалам билан артадилар, гулларга сув пуркайдилар. Бунда болалар парвариш қилиш усулини баргларнинг характериға: катталиги, миқдори, сатҳининг характери, пишиқлигига кўра аниқлашни ўрганадилар. Ўрта ёш гуруҳ жонли табиат бурчагида доимий яшовчилар сифатида сутэмизувчиларни ҳам сақлаш мумкин. Бу ёшдаги болалар уларни парвариш қилишнинг оддий малакаларини бемалол эгаллай оладилар. Хатти-ҳаракатиға кўра қизиқарли бўлган денгиз чўчқаси ва сирия оғнахонларини жойлаштириш мақсадға мувофиқдир. Уларни парвариш қилиш қийин эмас, улар вақт ва муҳитға осон мослашадиган жониворлардир.

**Катта ёш гуруҳ табиат бурчаги.** Катта ёш гуруҳида нарсаларни кузатиш, солиштириб кўриш, уларни турли белгиларига қараб умумлаштириш кўникмаларини шакллантириш давом эттирилади. Кузатишларнинг асосий мазмунини ўсимлик ва ҳайвонларни ўсиши ҳамда ривожланишини, уларнинг мавсумларда ўзгаришларини аниқлашдан иборат бўлади. Болалар ўсимлик ўсиши учун ёруғлик, нам, иссиқлик, тупроқдан озикланишини, турли ўсимлик

турли микдордаги ёруғлик ва намлик талаб қилишини билишлари керак.

Болаларни ўсимликлар, уларнинг ташқи тузилишининг хусусиятлари, фақат баргларигина эмас, балки поя ва гулларининг ҳам хилма-хиллиги билан таништириш давом эттирилади. Ўсимликларни парвариш қилиш усули асосида барг ва пояларни характериға кўра аниқлаш, ўсимликни озода сақлаш кўникмаси мустаҳкамланади. Ўсимликларни ўрганишда уларни кўпайтиришнинг баъзи усуллари, жумладан, поясини «қаламча» қилиб кўпайтириш ҳақидаги билимлар ҳам киритилади. Буларнинг барчаси жонли табиат бурчагини янги ўсимликлар – хилма-хил пояли, чирмашадиган, ёйилиб ўсадиган ёки тик пояли, пиёзли, картошка пиёзли ва шу кабилар билан тўлдириб боришни талаб қилади. Традесканциянинг 2–3 хил тури, хона узуми, плюш, чирмашувчи фикус, алое, зигокакфус, эпифилтум, сиклатнен, примула, амариллис, клавния кабилар шулар қаторига киради. Бу ўсимликларнинг шакли ва барглари, пояси, гуллари характериға кўра хилма-хил бўлиб, куёш нури ва сувға эҳтиёжлари ҳам турличадир.

Катта гуруҳ болаларининг жонли табиат бурчаги учун ҳайвонларни танлашда асосий вазифа ҳайвонларнинг яшаш муҳит шароитларига мослашиш хусусиятлари ҳақидаги бошланғич билимларни шакллантиришни таъминлашдир.

Аквариумда иссиқсевар, тирик тутиладиган ва икра ташлайдиган балиқлар гуруҳи – меченосец, скалярый, гуппи ва шу кабиларни сақлаш мақсадға мувофикдир.

Катта гуруҳ табиат бурчагида тошбақанинг исталган турини сақлаган яхши. Одатда, бу жонивор қишда қисқа муддатли уйқуга кетади. Агар тошбақа табиат бурчагида бир неча йилдан бери яшаётган бўлса у ухламаслиги мумкин, бироқ у бу даврда ланж бўлиб қолади, озукани истар-истамас ейди. Бундай ҳолатнинг сабабини ҳамда унинг яшаш учун мос шароитни фақат мактабгача таълим ёшидаги катта болалар тушунишлари ва яратишлари мумкин. Сутэмизувчиларни танлаш ҳам жуда хилма-хилдир. Бу гуруҳ бурчагида «денгиз чўчқаси»дан ташқари типратикан, олмахон ҳам бўлиши керак. Олмагон табиат бурчагида яшовчи бошқа сутэмизувчиларға нисбатан мавсумларда ўз ҳаёт тарзини кўпроқ ўзгартиради. Бу ўзгаришлар ҳайвонларнинг табиатдаги ҳаёт шароитларига боғлиқлигини мактабгача таълим ёшидаги катта болалар билишлари керак.

**Мактабгача тайёрлов гуруҳининг табиат бурчаги.** Тайёрлов гуруҳида болаларни табиат билан таништиришнинг асосий вазифаси уларда табиат оламидаги муҳим боғлиқликлар – ўсимликларнинг комплекс шароитларга (намлик, иссиқлик, ёруғлик ва шу кабилар), ҳайвонларнинг ташқи тузилиши ва ҳаёт тарзи, яшаш муҳитига боғлиқлиги ҳақида элементар билимларни шакллантиришдир. Болалар турли мавсумларда ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётида содир бўлаётган доимий такрорланувчи ўзгаришлар, уларнинг ўсиш ва ривожланишининг асосий даврлари билан танишадилар.

Ўсимликлар дунёси ҳақидаги билимлар мазмунига уларни кўпайтиришнинг баъзи усуллари ҳақидаги билимлар киритилади. Болалар нарсаларнинг муҳим, умумий белгиларини уларнинг ўзгарувчанлигига кўра билишлари керак. Шунга кўра ўсимлик ва ҳайвонларни танлашда фақатгина тузилишининг хилма-хиллигига эмас, балки муҳитнинг маълум шароитларга мослашганлигига ҳам эътибор берилади. Болалар ўсимликларни суғориш (сувнинг миқдори ва суғоришнинг такрорланиши) ўсимликнинг табиатдаги яшаш муҳитига (тропик ботқоқликлар ва сой, чангалзорлар, курук чўл ва даштлар), шунингдек, йил фаслларига боғлиқлигини англаб олишлари учун жонли табиат бурчагига, йилнинг 10 ойи давомида жуда нам тупроқда ўсадиган папирусни, сувни кам талаб қиладиган ва онда-сонда суғориладиган кактусни (1-2 турини), намга эҳтиёжи катта бўлган пиримула, традесканцияни ҳамда ўртача суғоришни талаб қиладиган узамбарг гунафшасини кўйиш зарур. Қишда кўпгина субтропик ўсимликлар суғоришни унча кўп талаб қилмайди.

Табиат бурчагидаги ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини табиий шароитдаги ўсиш шароитлари билан алоқаси ҳақида бошқа ўсимликлар ҳам, айниқса, лилия ва амариллис оиласига тааллуқли бўлган – амариллис, кливия, кринитм, драцена, геманиус ва шу кабилар далолат беради. Мазкур ўсимликлар учун қишнинг биринчи даври – тинчлик даври бўлиб, бу вақтда суғориш деярли тўхтатилади.

Хона ўсимликларини кўпайтириш усуллари хилма-хилдир: ёронгул, бегония-рекс, сансеера ва бошқалар новдаларидан, аспидистра, аспарагус кабилар бутоқчаларидан кўпайтирилади.

«Тирик туғилувчи» ўсимликлардан – тошёрар, хлорофитум, бриофиллум болаларда катта қизиқиш уйғотади.

Аквариумдаги балиқлар ҳам (уларнинг 2-3 тури бўлиши керак) маҳаллий сув ҳавзаларидаги иссиқсевар балиқлардир. Бу гуруҳларнинг ҳар бири, гарчи унчалик мураккаб бўлмасада, боқишда алоҳида шароит талаб қилади.

Мактабгача тайёрлов гуруҳининг табиат бурчагида тутқунликда бола очадиган кушларни, ёзда эса майдончада товук, ўрдакларни (маҳаллий шароитга кўра) боқиш мақсадга мувофиқдир. Сутэмизувчилардан табиат бурчагида исталган жонивор, айниқса, ҳаёт тарзи мавсумга мувофиқ ўзгарадиганларини (типратикан, олмахон), боғча ҳовлиларида эса катта болалар куёнларни парваришлаб боқишлари мумкин.

### 3. Табиат бурчагида ўсимлик ва ҳайвонларни сақлаш

Табиат бурчагидаги хона ўсимликларини сақлаш уларни суғориш, пуркаш, ювиш, тупроғини юмшатиш, алмаштириш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, озиклантириш, кесиш, кўпайтириш, зараркундаларга қарши курашишдан иборатдир.

**Сув қуйиш.** Ўсимликка хона ҳароратидаги сув қуйилади. Водопровод суви таркибидаги хлорни йўқотиш учун уни очик идишда ушлаб турилади. Ўсимлик ривожланаётган ва гуллаётган вақтда унга хона ҳароратидан 2°C ортиқ бўлган сув қуйилади. Агар гултувак тагида сув йиғилиб қолган бўлса ва икки соат давомида унак тешиги орқали шимилиб кетмаса, у тўкиб ташланади.

**Пуркаш.** Пуркаш кўпгина ўсимликларни парвариш қилишнинг муҳим қисми ҳисобланади. Чунки у ўсимликнинг сув билан меъёрида таъминланишига ёрдам беради. Пуркаганда ўсимлик кишда ҳам худди ёздагидек кўм-кўк бўлиб туради.

Илиқ сув билан пуркаб турилганда ўсимлик новдалари ва барглари тезроқ ўсади, куртак чиқаради.

**Ювиш.** Ўсимликни чангдан тозалаш учун илиқ сув билан мунтазам ювиб туриш лозим. Ўсимлик душ тагига ёки тоғорага қўйиб ювилади, бунда тувақдаги тупроқ ивилиб кетмасини учун унинг усти клеёнка билан ёпиб қўйилади. Тиканли кактусларни ювишдан олдин чанглари юмшоқ чўтка билан тозаланади. Эгилган баргли ўсимликларни ювиш мумкин эмас, уларни чанги майин мўйқалам билан тозаланади. Гултуваклар йилига 3–4 марта совунлаб, қайноқ сув билан қаттиқ чўтка ёрдамида ювилади.

**Юмшатиш.** Юмшатиш – бу сувсиз суғоришдир. У сув қуйилган куннинг эртасига амалга оширилади. Ўсимлик илдизлари зарар етказмаслик учун тувак четларидаги тупроқ кўпи 1-1,5 см чуқурликда юмшатилади.

**Кўчириб ўтказиш ва қўчат қилиш.** Кўчириб ўтказиш тувак торлик қилганда ўсимлик илдизини ёпишиб турган тупроқ билан биргаликда бошқа тувакка ўтказишдир. Тувак тагига янги тупроқ солиб, ўртасига қўчат ўтказилади. Бунда қолган тупроқ билан жойга солинади. Қўчат қилишда эса ўсимлик илдизига ёпишиб турган уюм бир оз тозаланади ва эски тупроқни бир қисм олиб ташланади. Янги тувак эскисидан 3-4 см каттароқ бўлиши керак. Қўчат қилишни баҳорда, ўсимлик ўсишни бошламасдан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

**Ўғитлаш.** Ўсимликларнинг меъёрида озикланишлари учун уларни ўғитлаб бориш зарур. Бунинг учун болалар боғчаси шароитида минерал ўғитлардан фойдаланган маъқул. Ўсимлик қўчат қилиб ўтказилгандан сўнг ўса бошлагач ёки илдиз олгач ўғитланади. Ўғитлашдан бир неча соат олдин ўсимликни яхшилаб суғориш лозим.

**Кесиш.** Ўсимликнинг чиройли кўриниши ва сершоҳ бўлиши учун унинг ўсишини мунтазам бошқариб туриш лозим. Бута ҳосил қилиш мақсадида, ён шохчалар ўсиши учун асосий шохнинг учи қирқилади, ён шохчалар 10-15 см га етганда уларнинг ҳам учи қирқилади. Кесишда ўткир пичокдан фойдаланилиб, куртак тепасидан қирқилади ва кесилган жойга майдаланган кўмир сепилади. Ёронгул, фуксия, розана ва шу кабилар кесилади.

**Кўпайтириш.** Хона ўсимликларини поя ва барг қаламчалари, бачкилари, пиёзи, бутани бўлиш, парвариш қилиш ва шу кабилар орқали кўпайтириш мумкин.

**Қаламчалар ёрдамида кўпайтириш.** Қаламчалар поя ва баргдан бўлиши мумкин. Ўсимликларнинг кўпчилиги (традесканция, бегония, фикус, аукуба хина, пеларгония) поя қаламчаларидан кўпаяди, бунда ўсиб турган новдадан 2–3 бўғимли новда қирқиб олинади. Пастки кесик шундай бўғимнинг тагида бўлади. Қаламча сувга солиб қўйилади ёки тувакка экилади, бунда пастки кесик кумга кўмилиб туриши керак. Экилган қаламчалар усти ойна билан ёпилиб, кунига 2 марта пулверизатор ёрдамида сув пуркаб турилади. Бегония-рекс, сансевера, узамбар гунафшаси барг қаламчаларидан кўпаяди. Бегония-рексининг барги (пастки томони)ни

томирлари тарқалган жойдан олмос билан кесилади ва нам кумга ўтказилади. Кесилган жойлар кум билан сиқиб қўйилади.

#### **«Ўсимликларни қаламчалардан етиштириш» машғулотининг тахминий ишланмаси**

**Пиёздан кўпайтириш.** Амаралис, кринум, гемантус, зафрантес пиёздан кўпаяди. Пиёз бошида қуртаклар пайдо бўлиб, улардан пиёзчалар ўсиб чиқади. Кўчат қилинишда улар эски пиёзбошдан эҳтиёткорлик билан ажратилиб, тувакка экилади ва худди пиёзбош сингари парвариш қилинади.

**Бачкилардан кўпайтириш.** Ер устидан деярли тўлиқ шакланган ёш ўсимликлар шаклидаги бачкиларни ҳосил қилувчи ўсимликлар (тошёра, хлорофитум) жуда осон кўпаяди. Бу бачкилар асосий ўсимликлардан қирқиб олиниб, кичик тувакларга ўтказилади.


**Илдизпоядан кўпайтириш.** Бу усулдан ўсимликларни кўчат қилиб экишда фойдаланилади. Илдизпоядаги тупроқ силкитиб туширилади ва уни ўткир пичоқ билан ҳар бир бўлақда, жуда бўлмаганда 1 -2 қуртак ёки ниҳол ва илдиз қоладиган қилиб қисмларга ажратилади. Аспидистра, сансевера, сиперус илдизпоядан кўпаяди.

#### **4. Террариумда яшовчиларни боқиш**


**Террариум турлари.** Тошбақа, калтакесак, бақа, қурбақаларга мўлжалланган террариумларнинг тагига 5-6 см қалинликда тупроқ ва кум солиниб, кўпроқ қисмига чим ўтказилади. 1-2 та ясси тош солиб қўйилса яхши бўлади. Террариумдаги «сув ҳавзаси» ўрнини тоғорачадаги сув бажаради. Агар террариумда қурбақа ёки тошбақа сақланса, гултувак парчаларидан уй (яшириниш жойлари) яшаш лозим. Қишда ўт-ўланлардан узун, ингичка баргли хона ўсимликлари, сули, салат барглари қўйилади.

Тирик туғилувчи калтакесаклар, бақа, қурбақаларга мўлжалланган террариум тошбақалар террариумига ўхшаш бўлади: унинг тагига кум солинади, усти эса ўрмон йўсуни билан қопланади ва 1 -2 та тош, пўстлоқли йўғон шох солиб қўйилса яхши бўлади. Бақалар учун тувак парчаларидан яширинадиган жой қилинади. Тўсин орасига кичикроқ сув ҳавзаси жойланади. Қишда

аспидистра, плюш, папоротник ўсимликларини қўйиш мақсадга мувофиқдир. Террариумда қараш унчалик мураккаб эмас. Сув вақти-вақти билан алмаштирилиб, сув идиш мунтазам ювилиб турилади.



1-чаққон калтакесак



3-дашт тошбақаси



2-тароқли тритон



4-бақа

Бир йилда 2-3 марта террариумни, ундаги тупрок-қум устини, деворларини тозалаб туриш керак. Террариумдаги ўсимликлар хона ўсимликларидек парвариш қилинади. Террариумда яшовчилар паст температурада ҳаракатчанлигини йўқотади ва овқат емай қўяди. Бундай ҳолларда террариумни электр лампочкалари билан иситиш лозим. Жониворларни 25–30°C ҳароратда нимранг марганцовка эритмасида, бошини сувга тикмай, 20-30 сония чўмилтириш мақсадга мувофиқдир.

Агар жонли табиат бурчагида қурбақа, бақа, калтакесакларнинг яшаши учун нормал шароит яратишнинг иложи бўлмаса, ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида кузда уларни қўйиб юбориш керак.

Судралиб юрувчилар ҳамда сувда ва қуруқликда яшовчилар террариумда сақланади. Тайёр террариумлардан ташқари турли идишлардан, эски аквариумлардан фойдаланиш мумкин. Уларнинг устидан доқа ёки майда металл тўрқоплаш кифоядир. Терра-

риумлар ҳайвонларнинг биологик хусусиятларига мослаб тайёрланади.

Курукликда яшовчи тошбақа. Тошбақа салат, қоқиўт барглари, сабзи, шолғом, хом картошка бўлаклари билан боқилади. У тарвуз пўсти, помидор, баъзи меваларни ва нонни яхши кўриб ейди. Гоҳ-гоҳида қийма гўшт бериш керак. Бу тошбақа озуқани қуёшда яхши ейди. Озуқа ёзда ҳар куни, қишда 1–2 кун оралатиб берилади. Озуқа сувли бўлса, тошбақа сув ичмайди. Ботқоқ тошбақаси гўшт, майда балиқ, чувалчанг, сув шиллиқ курти билан озиқланади ва озуқани фақат сувда ейди.

**Такимон.** Ун курти, чувалчанг, тирик ҳашаротлар ва уларнинг личинкаларини ейди. Қишда унга чивин ғумбаги, узун қилиб кесилган хом гўшт берилади. У сувни яхши кўради.

Тирик бола туғадиган калтакесак takimондан кўра майдарок нарсалар (тутган ўлжалари) билан озиқланади.

Бақа ва қурбақа тирик озуқа: ҳашаротлар, чувалчанглар, моллюскалар ҳамда хом гўшт билан боқилади. Бунда гўштни таёқча учига илиб, қурбақанинг кўзи олдида қирмирлатиб туриш керак.

## 5. Қушлар учун донхўраклик ва инлар ясаш


Болалар боғчаси ҳовлисидаги қушларни бутун йил давомида кузатиш мумкин. Қушларни жалб қилиш усулларидан бири уларни ҳовлида боқишдир. Куз фасли яқинлашган сари чумчуқ, қарға, катта читтак, саъва сингари қушлар одамлар яшайдиган жойлар яқинига учиб кела бошлайди. Худди мана шу вақтларда ҳовлида донхўрак ва уяларни ўрната бошлаш керак. Энг оддий донхўрак – дон тоқчасидир (ҳажми 50х60 см, четлари бир оз кўлтарилган тахта). Уни дарахтга, дераза, ёғочга осиб қўйиш мумкин. Қушларни деразадан боқишда уларни хонада кўриб туриш имконини берадиган донхўрақлар қулайдир. Қушлар бу вақтда ўзлари яхши кўриниб турсаларда, кузатилаётганликларини сезмайдилар. Бундай донхўракни бир литрлик шиша банкадан қилиш мумкин. Ёнбошлатиб айвон панжарасига боғлаб қўйилган бундай шиша банка дераза донхўраги ўрнида қўлланилади.

Қушлар озиғи хилма-хилдир. Бу ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар – қайин, отқулоқ уруғи ва меваларидир. Қовоқ, тарвуз, писта уруғлари ҳам қушлар учун яхши озуқа дир. Бу озуқаларни

катта читтак севиб ейди. Читтакларни қишдаги сеvimли озуқалари – тузланган ёғдир. Қуштар оқ нон ушоқларини ҳам яхши кўриб ейдилар.



1-гўнг қарға



2-саъва



3-қизил саъва



4-майна



5-снегирь

Сунъий инлар. Ҳовлида сунъий инларни оммавий осиш читтак, чуғурчук, ҳашаротхўр каби қушларни жалб қилишда яхши натижалар беради.

Читтак ва чуғурчук учун инлар кўпинча тахтадан тайёрланади. Иннинг ўлчами уч кўрсаткич билан: тубининг майдони, чуқурлиги (тагидан туйнугигача бўлган оралик) ва туйнугининг ўлчамига кўра аниқланади. Чуғурчуқлар инининг энг қулай ўлчами - 14x14 см, ҳашаротхўрларга - 9x9см, читтакларга эса - 12x12 см дир. Читтак ва чуғурчуқларга ин ясашда тахтаниннг қалинлиги 1,5 см ёки яхшиси 0,5 см бўлгани маъқул. Инни фанердан ясаш ярамайди.

Яхши инлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: ин мустаҳкам қоқилиши, тешиклар қолдирмаслиги, тайёрлаш усули содда. Тахталарнинг фақат ташқи томонини ранглаш лозим, чунки ички томони рангланса, қушнинг силлиқ девордан чиқиши қийин бўлади. Туйнук ин томига яқин бўлиши зарур. Бу оралик тахминан туйнук диаметрига тенг.

Иннинг туйнуғи думалок, томи эса олинадиган қилинади. Қушлар инга яхши жойлашишлари учун уларни тўғри осиб муҳимдир. Инлар ёз ва куз фаслида осилади. Қушлар учун инлар жуда зарур чунки қишлоғи қушлар совуқ тунда шу ерда жон сақлайди. Ин туйнугининг йўналиши турли қушлар учун турличадир.

### Назорат саволлари:

1. Болаларни табиат билан таништиришда табиат бурчагининг аҳамияти қандай?

2. Кичик гуруҳ табиат бурчагида нималар алоҳида ўрин тутди? Бу ёш гуруҳ табиат бурчагида қандай ўсимлик ва ҳайвонлар сақланади?

3. Ўрта ёш гуруҳ табиат бурчагида кузатишлар ўтказиш учун қандай ҳайвонлар танланади?

4. Катта ёш гуруҳ табиат бурчагида балиқларнинг қандай турини сақлаш мумкин? Ҳайвонларничи?

5. Мактабгача тайёрлов гуруҳи табиат бурчагига қандай ўсимлик ва ҳайвонлар танланади?

6. Турли ёш гуруҳ табиат бурчагида ўсимликлар қандай парвариш қилинади?

7. Ўсимликларни кўпайтиришнинг қандай турларини биласиз?

8. Террариум нима?

9. Турли ёш гуруҳ террариумларида қандай ҳайвонлар сақланади?

10. Қушлар учун донхўрак ва инлар қандай ясалади?

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мактабгача ёшдаги ёлларни ривожланишига кўйиладиган Давлат талаблари. –Т.: 2008 й.
2. «Болажон» таянч дастури. –Т.: 2010 й.
3. Оилада баркамол авлод тарбияси. –Т.: «Фан ва технологиялар», 2010 й.
4. О.Ҳасанбоева, Х.Джабборова. Табиат билан таништириш методикаси. –Т.: «Чўлпон», 2009 й.

---

## VI боб. БОЛАЛАРНИ ЙИЛ ФАСЛЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

### 1. Куз фаслига тавсифнома

Об-ҳаводаги ўзгаришлар. Кузда ҳарорат аста-секин пасайиб боради, бунинг натижасида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳаётида ўзгариш ҳамда сусайиш рўй беради (ўсимлик барглари сарғаяди, тўкилади, баъзи қушлар учиб кетиб, бошқалари учиб келади ва ҳоказо).

Сентябрь куз фаслининг биринчи ойидир, бироқ Ўзбекистонда сентябрь ойида ҳам ёз фаслидагидек иссиқ бўлади. Сентябрь ойида ҳаво иссиқ бўлиб, кечалари ҳарорат +7 даражагача тушиб кетади. Кундуз кунлари эса +20 - +25 даражагача кўтарилади.

Октябрь одатдагидек куз ойи ҳисобланади. Бу ойда ўлкамиз қуёшли, иссиқ ва қуруқ бўлади, куннинг биринчи ярмида ҳарорат +7 +10 даража бўлади, кундуз кунлари +15 +23 даражага, баъзи ҳолларда эса +27 даражагача кўтарилади.

Ана шундай жуда иссиқ вақтларда ўсимликлар, айниқса, гунафша, дастаргул ва бошқалар 2 марта гуллайди.

Ҳайвонлар дунёсида ҳам баҳорги ҳодисаларнинг такрорланишини кўриш мумкин: ғураклар ғуруллаш бошлайди, тўрғайлар сайрайди, қурбақалар қуруллашди, баъзи бир ҳашаротларда эса қузғи урчиш бошланади.

Октябрь ойининг иккинчи ярмида ҳарорат одатда пасаяди, эрталаб +3 +5 даража бўлиб, кундуз кунлари эса +16 +20 даражагача кўтарилади. Узоқ йиллик тажриба шуни кўрсатадики, ўсимликларнинг катта қисмини ва айниқса, қишлоқ хўжалик ўсимликларидан пахта, картошка, помидор, бодринг ва бошқаларни совуқ урадиган аёзлар ўлкамизда тахминан 12-8-октябрларда бошланади.

Совуқ тушиши – бу ҳароратнинг қисқа вақтли пасайиши бўлиб, ер қатламлари ва ер юзасининг устки қатламлари ноль даражадан пастроқ бўлади. Ана шундай дастлабки аёзлар куз фаслининг бошланганидан далолат беради. Шимолий кенгликдан совуқ шамол эса бошлаши билан совуқлар бошланади. Совуқ

даражаси жойни рельефига ва тупроқнинг иссиқлигига боғлиқ бўлади.

Одатда, совуқ тушганнинг дастлабки кунни кундузи баъзи ҳолларда эса тунда ҳавонинг булутли бўлиши кутилади. Агар кечаси осмон булутсиз бўлса, ер устки қатламларининг буғланиши натижасида ернинг юза қатлами музлайди. Бундай совуш ер қатламлари тегиб, ҳавонинг ҳароратини янада кўпроқ пасайтиради. Совуқни дастлабки тўлқинлари ўзи қоплаган барча ҳудудни озгина музлатади, у фақатгина паст жойларга тарқалади ва бир-икки кун давом этади. Агар ҳаво тўлқинининг ҳарорати ноль даражадан паст бўлсагина, музлаш барча ҳудудга ёйилиши мумкин. Шунда тупроқ ва ўсимликлар устки қатламларига эрталабки шудринг тушади.

Баъзи вақтларда октябрь ойида кучли ва совуқ шамоллар аралаш ёмғирлар бошқа дарахтларнинг барглари айрим ҳолларда қаттиқ совуқ тушгунга қадар ҳам кўм-кўк бўлиб туради.

Кушлар ва ҳашаротлар ҳаётидаги ўзгаришлар. Сентябрь-октябрь ойларида ўлкамизга гўнқарғалар учиб келишади. Биз уларни болалар боғчаси боғларида ҳам кўрамиз. Улар бизга тоғлардан тушиб учиб келишади (бу кушлар баҳор ва ёз фасларида тоғларда яшайдилар).

Гўнқарғалар кундуз кунлари далаларга учиб кетишади ва ҳосили йиғиб олинган экин майдонларидан дон ва турли бегона ўтларнинг уруғларини териб ейдилар. Қарға турли қолдиқларни ейди. Тошкентнинг чекка жойларида сентябрь ойининг иккинчи ярмида қизилтўшлар (ўрмон сайроқи куши) пайдо бўлади. Баъзан улар Тошкент боғларида апрель ойининг охиригача бўлишади. Одатда улар тўда-тўда бўлишиб Ўзбекистоннинг ҳавзаларида кўчиб юради. Сентябрь ойида қораялоқлар, читтаклар ва иссиқ мамлакатларга учиб кетаётган тилла рангли кушларни кўриш мумкин.

Тоғ ўрмонларидан водийларга тушиб келган зағчаларнинг катта тўдасини ҳам кўриш мумкин бўлади. Зарғалдоқ, қалдирғоч, булбул, чивинхўр кушлар, мойқутлар, жиблажибон, кўкқарға ва бошқа шу каби кушлар жанубдан иссиқ мамлакатларга учиб кетадилар.

Кушлар учиб кетишга одатланиб қолганликлари, шунингдек, ҳашаротларнинг (капалак, ниначи, қўнғизларнинг) секин-аста йўқола бориши туфайли учиб кетишади. Чунки бу ҳашаротлар ана шу кушлар учун озуқа бўлиб хизмат қилади.

Сентябрь ойида лайлақлар, ғозлар, ўрдақлар ва турналар ўз инларига йиғиладилар ва учиб кетишга тайёрланадилар.

Товуқлар туллай бошлайди. Уларнинг деярли барча патлари тўкилиб, янгидан чиқади. Шу билан бирга, улар қишки совуқларга тайёрлана бошлайдилар. Уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонларда ҳам қиш шароитига монанд келадиган туқлар ўса бошлайди.

Сентябрь ойида асаларилар ҳам қишга тайёрлана бошлайдилар. Улар ўзларининг асал захираларини уяларининг бир томонига олиб ўтадилар, ўз уяларини иситадилар, кераксиз тешиқ ва ёриқларни бекитадилар, ўз уяларидан ўргимчакларни ҳайдаб чиқарадилар. Чунки ўргимчаклар қиш вақтида асаларилар учун ортиқча юк бўлиб, асал захираларини еб қўйишлари мумкин. Ўргимчакларнинг асалариники каби нишлари ва жағлари бўлмайди, шунинг учун улар ўзларини ҳимоя қила олмайдилар, уяларни ташлаб чиқиб кетиб очликдан ўлиб қоладилар. Асаларилар бошқа ҳашаротлар сингари узоқ ухламайдилар. Дастлабки совуқлар тушиши биланоқ турналар ва ғозлар жануб томонга гала-гала бўлиб учиб кетишади. Қушлар тўдасининг тузилиши – учиб кетувчи қушларнинг характерли белгиларидандир. Турналар одатда ўткир бурчак ҳосил қилиб, ғозлар эса узун қийшиқ қатор, баъзида эса бурчак ҳосил қилиб учадилар. Ёввойи қушлар ва каккуларгина алоҳида-алоҳида учиб кетадилар. Қушларнинг учиб кетишини болаларни сайрга олиб чиққанда кузатиш мумкин. Октябрь ойининг охирларида шаҳарлар ва водийларда саъвалар пайдо бўлади ва улар март ойининг охирларигача шу ерларда қолади. Улар қарикиз, отқулоқ уруғларини еб кун кечирадилар. Саъвалар ўзларининг чиройли патлари ва ажойиб овозлари билан болаларни ўзларига жалб қиладилар. Болалар саъваларни табиат бурчакларида парвариш қилишни ўрганадилар: тоза сув, сўк, арпа, писта донларини майдалаб берадилар. Шунингдек, куз фаслида заранг ва шумтол дарахтларининг уруғларидан тайёрланган озуқаларни берадилар. Саъвалар қирилган сабзини ва болалар қўли билан табиат бурчагида ўстирилган кўк сулини зўр иштаҳа билан ейдилар. Кечалари далалардан шаҳарларга гўнғарға, зағча ва қарғалар тўда-тўда бўлиб учиб келади.

Ҳароратнинг пасайиши билан ҳашаротлар ҳам аста-секин йўқола боради. Уларнинг баъзилари ўлади, бошқалари эса (сассиқ кўнғиз) дарахтларнинг, (чивинлар, пашшалар) иморатларнинг кавакларига кириб яширинадилар. Кўпгина чивинлар хазон бўлган

барглар остига яширинадилар. Баъзи ҳашаротлар қиш учун тухумларини сақлаб қўядилар (ўсимлик бити, капалак), бошқалар эса личинка ҳолатида ерда қишлайдилар (тиллақўнғизлар). Болалар очик ҳавога дам олгани чиққанларида тўкилган барглар тагида ётган ҳашаротларни топиб оладилар.

Олтин куз давомида учиб юраётган ўргимчак уяси кўзга ташланади. Унинг кумушсимон узун тўқимасида кичик ўргимчак уячалари, шунингдек, кўчманчи қўнғизлар бўлади. Ноябрь ойида шаҳарда кўплаб гўнғарғалар, олақарға, зағчалар учиб юради. Шаҳарга дала чумчуқлари учиб келадилар. Улар дон излаб тўда-тўда бўлиб учиб юрадилар. Шунингдек, шаҳарга тоғлардан оқбош саъвалар, шаҳар четларидан эса сўфитўрғайлар учиб келадилар.

Боғларда кўпгина қораялоқлар ва читтаклар пайдо бўлади. Улар асосан, тоғлардан учиб келади. Кўк чумчуқларни ўткир овозлари ҳам эшитилиб туради.

Ҳайвонлар ҳаётидаги ўзгаришлар. Куз фаслида қурбақаларни вақирлаши камроқ эшитила боради. Бунга болалар эътиборини жалб қилиш лозим.

Ёш типратиканлар мустақил ҳаёт кечири бошлайдилар. Болалар табиат бурчагида уларни боқадилар ва парвариш қиладилар. Шу пайтларда тоғ этаклари ва чўлларда қум қуёнларини тез-тез учратиш мумкин. Кичикроқ кўринишдаги, унчалик катта бўлмаган бу қуёнлар ўзига хос рангга эгадир. У сариқ куракли ва оқ рангли бўлади. Унинг думи узун, думини учида попукчаси бўлиб, боши эса чўзинчоқ бўлади. Қум қуёни қумлар орасида, саксовул ўрмонларида ва дарёлар қирғоқларидаги тўқайларда яшайди.

Куз фаслида ўтлар қуриганда шаҳар атрофидаги қуёнлар ёш дарахтларнинг қобикларини, чўлларда эса черкес кандим, юлғун ва шу каби ёввойи ўсимликларнинг қобикларини кемириб ташлайдилар.

Судралувчи ҳайвонлар (калтакесаклар, илонлар, тошбақаларни донг қотиб ухлаш даврига кирадилар. Совуқ тушиши билан қурбақалар ҳовуз тагидан балчиқлар ичига кириб кетадилар, чўл қурбақалари эса уй атрофидаги кавакларга кириб, уйкуга кетадилар.

Типратиканлар совуқ тушгунча ўзларининг қишки жойларига кетишади. Улар қишда тўрт ойдан ортиқ ухлайдилар. Бу вақт ичида қимирламайдилар ва ҳеч қандай овқат ҳам емайдилар. Улар ана шу

уйку жараёнида ўзларининг гавда оғирликларининг учдан бир қисмини йўқотадилар.

Баъзи вақтларда болалар боғчаларида типратиканни қиш вақтида ҳам олиб қоладилар. Уларни кутиларга солиб, баҳоргача салқин ерда сақлайдилар. Болалар типратиканнинг уйғонишини алоҳида қизиқиш билан кузатадилар.

Кўршапалаклар совуқ тушиши билан ташландиқ уйларнинг шипларига келиб, осилиб олган ҳолда яшайдилар. Улар ёз мобайнида тўплаган озуқа захираларини қишда жуда кам сарфлайдилар. Агар кўршапалак қишда иссиқроқ жойларда яшаса, тез-тез уйғониб туради.

Қишлоқ хўжалик ишлари. Сентябрь ойида Ўзбекистоннинг барча худудларида, шу жумладан, Тошкент вилоятида ҳам асосий хўжалик ишларидан бири – пахта йиғим-терими бошланади. Ҳар бир чаноғда 3-5 паллача бўлиб, ҳар бир паллачада эса пахта толалари билан ўраб олинган 8-9 тадан чигит бўлади. Пахта толаси пахтанинг энг қимматбаҳо қисми ҳисобланади. Пахта толасидан газмоллар ва бошқа кўпгина техник маҳсулотлар, чигитидан эса мой, кунжара ва бошқа нарсалар тайёрланади.

Сентябрь ойида мевали боғларда олма, беҳи терилади, узум узилади. Бу ишларда болалар ҳам қўлларидан келганча иштирок этишлари мумкин.

Тарбиячилар бу пайтда баҳорда боғча ҳовлисига ўтказилган уй ўсимликларини табиат бурчакларига кўчириб ўтказадилар.

Гулзорларда кўконгул, хушбўй нўхат, аждароғиз (гуллари катта-катта боғ ўсимлиги), настурсия, петуний, самбиттол, флокс ва тирноқгул каби ўсимликлар уруғини теришни давом эттирадилар, бунда болалар ҳам қатнашади.

Октябрь ойида далаларда оммавий равишда пахта йиғим-терими давом этади. Пахта чаноқлари тунги совуқ ва кундузги иссиқнинг кескин таъсири натижасида очила бошлайди.

Далалар ва полизларда карам, помидор, лавлаги, бақлажон, картошка сингари сабзавотлар йиғиб-териб олинади. Бу каби манзарани қишлоқ жойларда тез-тез учратиш туриш мумкин.

Боғларда мевали дарахтларни қиш шароитига тайёрлайдилар. Ерга ўсимликлар ўсишдан тўхтаган вақтда ўғит солинади.

Сўнгра дарахт атрофлари чопиб қўйилади, қатор оралари ҳайдалади. Дарахтнинг илдизига яқинроқ ерлари юзароқ ҳайдалади, чунки дарахт илдизлари ернинг устки қатламига яқинроқ туради.

## Ўзбекистонда «Биоэкосан» ва «Экосан» жамғармалари фаолияти

«Биоэкосан» Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг 178-сон буйруғига асосан 1995 йил 28 августда экология ва табиатшунослик марказининг қошида ташкил этилган. Унинг мақсади республика миқёсида экологик таълим ва тарбия бўйича дастурлар, методик қўлланмалар, тавсиялар яратишдан ва ўқувчи ёшлар ҳамда катталар учун турли хил мавзуларда анжуманлар ташкил этиш ва ўтказишдан иборат.

Олий таълим республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бирлашган кенгашида тасдиқланган, узлуксиз экологик таълим концепцияси ишлаб чиқилди.

Экологиядан давлат таълими стандарти яратилди. Экологиядан дастурлар тўплами бир қанча методик қўлланмалар тайёрланди, шунингдек, экологиядан тест саволлари ишлаб чиқилди.

1993, 1997-йилларда республикада узлуксиз экологик таълим муаммолари ва уларнинг ечишга бағишланган анжуманлар ўтказилди.

1993 йилдан бошлаб «Табиат кеча, бугун ва эртага» деган шиор остида ўқувчилар анжумани ўтказиб келинмоқда.

«ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси 1992 йили Таъсисчилар конференциясида ташкил қилинган бўлиб, у нотижорат, нодавлат (ноҳукумат) ташкилот ҳисобланади.

Жамғарма фаолиятидаги концептуал асослар:

– экология ва саломатлик, фан, маданият, тиббиётга ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий мезон сифатида қараш;

– Ўрта Осиёда минтақавий биосферанинг яхлитлиги тамойили асосида иқтисодий-экологик тизимни шакллантириш;

– экология ва саломатлик муаммолари – халқаро ҳамкорликнинг бош устувор бўлишидир. Муҳим экологик муаммоларни ҳар тарафлама ўрганиш, илмий концепция ишлаб чиқиш ва уларни ўрганишнинг устувор йўналишларини аниқлаш мақсадида нотижорат ва нодавлат идоралари, халқаро ташкилотлар, олимлар ҳамда мутахассисларнинг кучларини бирлаштиришга кўмаклашиш;

– Ўрта Осиёда илмий асосланган экологик сиёсатнинг шаклланишида иштирок этиш;

– экологик йўналишдаги жамоатчилик фикрларини ташкил қилишда фаол иштирок этиш;

– экологик тафаккур ва маданиятни тарбиялаш.

Фаолият йўналишлари: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари, соғлом турмуш тарзи, экология, санитария-гигиена билимлари ва касалликнинг олдини олишни тарғиб қилиш;

– экологик таълим-тарбия ва аҳолини атроф-муҳит ҳолати ҳақида хабардор қилиш;

– экологик ҳалокат минтақасида яшовчи аҳолига тиббий маслаҳатлар бериш, даволаш, касалликнинг олдини олиш борасида инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиш;

– экология ва аҳоли саломатлигини сақлашнинг долзарб муаммолари бўйича халқаро анжуманлар, учрашувлар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш;

– экологик инқирозга учраган минтақалардаги ижтимоий-экологик ҳолатни ўрганиш ва уни яхшилаш бўйича ҳамкорлик чораларини кўриш мақсадида халқаро миссия ташкил қилиш;

– гуманитар ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, молия институтлари, хорижий компаниялар билан алоқа ўрнатиш.

– табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ва бизнесни экологиялаштиришда бошқаришнинг иқтисодий услубини жорий этиш;

– экотуризмни ривожлантириш.

Амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар:

– «Экология ва саломатлик кунлари» (аҳолининг кенг қатлами иштирокида кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, санитария-гигиена ва тарғибот-ташвиқотга оид тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш борасидаги тадбирлар мажмуи);

– «Экосан» саломатлик поезда (экологик носоз минтақада яшовчи аҳолига тиббий даволаш ва инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиш);

– «Эколот» (ижтимоий-экологик лойиҳаларни амалга ошириш ва инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиш ишларига қўшимча молиявий маблағлар жалб қилиш мақсадида экологик лотарейалар чиқариш);

– «Касалликнинг олдини олиш ва саломатлик» (касаллик ҳақида огоҳлантириш, идораларо ва тармоқларга тегишли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш орқали соғлом турмуш тарзини ўргатиш ва тарғиб қилиш);

– ТЕО «ЭКОСАН» (Талабалар Экология Отрядлари – талаба ёшларни аҳоли яшаш жойларида, маҳаллаларда, корхона ва ташкилот ҳудудларида санитария-гигиена ва коммунал фойдаланиш борасида тартиб бузарликларни аниқлаш ва у ерда тартиб ўрнатиш ишларига оммавий ҳолда жалб этиш);

– «Машғал-ЭКОСАН» (экология муаммолари бўйича илмий-назарий радиодастурлар цикли);

– «Интермед», «Халқ табобати маркази» (аҳоли орасида халқ табобати асосларини тушунтириш ва амалга ошириш);

«ЭКОСАН» дорихоналари ва дорихона дўконлари (доридармон препаратлари ва экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосини амалга ошириш);

«СЭС-ЭКОСАН» (корхоналар, идоралар ҳамда савдо объектларининг санитар ҳолати ва табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ҳукумат санитария эпидемиология хизматининг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги назоратини ўтказиш).

### **«Қизил китоб» ҳақида тушунча**

Ватанимизда ер ва ер усти бойликлари, сув, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида жуда кўп муҳим давлат қарорлари қабул қилинган. Ана шундай муҳим ҳужжатлардан бири Ўзбекистон «Қизил китоби» ҳисобланади.

«Қизил китоб» айрим вилоятлар, мамлакатлар ёки бутун дунё бўйича келажакда хавф остида турган ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида маълумотларга эга бўлган расмий ҳужжатдир. 1948 йили БМТнинг ЮНЕСКО ташаббуси билан табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи тузилди. Ушбу ташкилот томонидан махсус комиссия тузилиб, унга ер юзида йўқолиб бораётган ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларини аниқлаш ҳамда уларни сақлаш дастурини ишлаб чиқиш топширилди. 1948–1954-йилларда комиссия йўқолиш хавфи остидаги ҳайвонлар рўйхатини тузиб чиқди. Бунинг учун махсус мезонлар ишлаб чиқилиб, у ёки бу турни рўйхатга олишда, ушбу мезонлар асос бўлди ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи томонидан маъқулланиб, муҳофазага олиш учун ўсимлик ва ҳайвон турларини айрим туркумларга ажратган ҳолда «Қизил китоб» яратишга асос

бўлди. 1966 йили стол устида фойдаланиладиган йилнома сифатида рангли биринчи халқаро «Қизил китоб» нашр қилинди.

1978–1979-йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг давлат қарорлари асосида ва Фанлар Академиясининг илмий кенгаши томонидан Ўзбекистон «Қизил китоби» таъсис этилди. 1983 йили нашр қилинган «Қизил китоб»нинг биринчи томида 22 турдаги сутэмизувчилар, 33 тур қушлар, 5 тур судралиб юрувчилар, 5 тур балиқлар бор.

«Қизил китоб»да ҳайвонлар сони ва унинг ўзгариш сабаблари, айрим турларининг аҳволи ҳамда уларни кўпайишига, муҳофаза қилиш бўйича белгиланган ҳамда мўлжалланган тадбирларга алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, биотехник тадбирлар – кўриқланадиган зоналар ва кўриқхоналар барпо этиш, браконерларга қарши курашиш, кишиларнинг экологик билимини ошириш таклиф этилган. Республикамиз «Қизил китоби»ни ҳар 5 йилда янгилаб туриш кўзда тутилган. «Қизил китоб»даги ҳайвонот дунёсининг назорати Ўзбекистон Фанлар академияси зоология ва паразитология институти зиммасига юклатилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган айрим турдаги сутэмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар ва балиқлар алоҳида назоратга олинган. Олимлар уларни чуқурроқ ўрганишлари натижасида «Қизил китоб»нинг иккинчи нашрига «қошиқ бурун» ва «қорабош қулоғи»ни киритиш тавсия этилган. Ўзбекистон «Қизил китоби»да фақат умуртқали ҳайвонлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Қайта чоп этилган «Қизил китоб»га умуртқасиз жонивор вакиллари ҳам киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон «Қизил китоби»нинг иккинчи томига давлат муҳофазасига олинган 163 турдаги ёввойи ўсимликлар киритилган ва муҳофаза қилиш халқаро уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган классификацияга биноан 4 та туркумга бўлинган:

1. Йўқолган турлар;
2. Ноёб (маълум кичик майдонларда ўзига хос шароитларда сақланиб қолган, тез йўқолиб кетиши мумкин бўлган ва жиддий назоратни талаб этувчи турлар);
3. Йўқолиб бораётган турлар;
4. Камайиб бораётган турлар.

«Қизил китоб»нинг янги нашрида муҳофазага олинган ўсимликларнинг 300 га яқин турлари, уларнинг қайси оилага мансублиги, қисқача таърифи, тарқалиши ҳақида маълумотлар

келтирилган, схематик картада ўсиш жойи ифодаланган. Табиий шароитда кўпайиш йўллари ва ниҳоят, муҳофаза қилиш чоратadbирлари ҳақида маълумотлар баён этилган. Шундай қилиб, «Қизил китоб»нинг моҳияти шундаки, таботат ва ҳайвонот оламининг ноёб, йўқолиб кетиш хавфи остида турган турлар ҳақида маълумот берувчи ҳужжатдир. Унинг мақсади жамоатчилик ва давлат ижроия муассасаларининг тегишли муаммоларини ечиш ва турлар генофондини сақлаб қолишга кўмаклашишдан иборат. «Қизил китоб» Ватанимизнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш борасидаги энг муҳим хайрли ишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

# **БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР**

## **1-амалий машғулот**

**Мавзу: Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш давлат сиёсатидаги юксак масала эканлиги**

I. Машғулотга оид топшириқ. Топшириқни мақсади ва мазмуни.

- Талабаларни Она табиат инсон камолотини асоси эканлиги ҳақида муносабатларини аниқлаш:

- Табиат ҳақида тушунча;
- Табиатшунослик фанини ривожланиши;
- Табиатни муҳофаза қилишга оид меъёрий ҳужжатлар;
- Табиатни асраш ва унга меҳр уйғотиш ҳар бир фуқаро бурчи эканлиги.

II. Топшириқни бажариш методикаси.

- Талаба аввал табиат билан таништириш ҳақидаги таянч тушунча ва атамаларни аниқлаб олиши.
- Болаларни табиат билан таништириш методикасига оид адабиётларни жамлаб, библиография тузиш.
- Болаларни табиат билан таништириш методикаси амалдаги ҳолатини ўрганиш.
- МТМ-ларни «Болажон» таянч дастурини болаларни табиат билан таништириш имкониятларини аниқлаш.

III. Муҳокама учун саволлар:

1. Табиат ва инсон ҳақидаги фикрингиз?
2. Болаларни табиат билан таништириш методикаси фанининг бош ғояси.
3. Табиатга меҳр уйғотишга оид боғчадаги таълимий-тарбиявий тадбирлардан бирини ташкил қилиш.
4. Болаларни табиат билан таништириш методикаси фанини ўрганишда сизни муносабатингиз.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
2. Ҳ.С Йўлдошев., Ш.М. Авазов. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш асослари. Ўқув кўлланма. –Т.: «Меҳнат», 2003 й.
3. П.Юсупова. Мактабгача ёшдаги болаларга экологик тарбия бериш. –Т.: «Ўқитувчи», 1996 й.
4. Оилада баркамол авлод тарбияси. –Т.: «Фан ва технология», 2010 й.

## 2-амалий машғулот

### Мавзу: Болалар боғчасида табиат бурчаги

I. Машғулотга оид топширик. Топширикни мақсади ва мазмуни.

- Табиат бурчаги ҳақида тушунча, болаларни табиат билан таништиришдаги тарбиявий аҳамияти.
- Табиат бурчаклари ташкил этишга қўйиладиган талаблар.
- Табиат бурчагида ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш қоидалари.
- Ер майдончаси.

II. Топширикни бажаришнинг технологик усуллари.

- Талаба аввал «Табиат бурчаги» ҳақидаги илмий, тарихий қарашларини аниқлаб олиши.
- МТМ ларда мавжуд табиат бурчакларини кузатиш ва қиёсий таҳлил этиш.
- Турли гуруҳларда табиат бурчагини ташкил қилишни ўзига хослигини асослаш.

III. Муҳокама учун саволлар:

1. Болаларни табиат билан таништиришда «Табиат бурчаги»ни ташкил этишдан мақсад нима?
2. Табиат бурчагини жиҳозлашга гигиеник, педагогик талаблар.
3. Табиат бурчагида яшовчи ҳайвонларни парвариш қилиш технологияси ҳақидаги фикрингиз.
4. Мавзу юзасидан талабаларни тайёрлаган ижодий ишларини муҳокамаси.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. –Т.: 2008 й.
2. «Болажон» таянч дастури. –Т.: 2010 й.
3. О.Ҳасанбоева, Х.Джабборова. болаларни табиат билан таништириш методикаси. –Т.: «Ўзлон», 2009 й.

## **БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШГА ОИД НАМУНАВИЙ МАШҒУЛОТЛАР КОНСПЕКТИ**

**Мавзу. Табиат бурчаги билан таништириш.** (ноанъанавий маш-гулот)

**Мақсад:** Болаларнинг табиат ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

Болаларга табиат ҳақида илк маълумотлар бериш орқали уларнинг қалби ва онгига табиатга нисбатан қизиқиш ҳамда меҳр – муҳаббат уйғотиш. Гуруҳ хонасининг табиат бурчаги билан яқиндан таништириш ва у ердаги жонли, жонсиз табиатга муносабатни тарбиялаш.

**Кутилаётган натижа:** Табиат бурчагидаги хона гулларига, жониворларга, жонсиз жисмларга нисбатан қизиқиш уйғонади. Мавжуд билимлари такомиллашади. Уларни парваришлаш иштиёқи пайдо бўлади.

**Зарур жиҳозлар:** Гуруҳ хонасидаги табиат бурчаги.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи табиат бурчагини болалар кузатиши учун қулай ва унга қўйилган предметлар билан бола бемалол ишлай оладиган ҳолатда жойлаштириши лозим бўлади.

Тарбиячи болаларнинг диққатини табиат бурчагига жалб қилади.

Тарбиячи: Бу бурчакнинг номи «Табиат бурчаги».

Тарбиячи: Болалар бизни атрофимизни ўраб турган теварак олам — бу табиатдир. Биз сайрга чиқсак албатта, ўтларни, гулларни, дарахтларни, сувни, қуёшни кўрамиз, тоза ҳаводан нафас оламиз. Болалар бизни ўраб турган яшил ўсимликлар олами биз нафас олаётган ҳавони тозалаб туради. Ҳозир гуруҳимиздаги кичкинагина табиат бурчаги улкан табиатнинг бир бўлакчасидир. (Бурчакдаги гулларни кўрсатиб) Сизлар кўриб турган мана бу яшил ўсимликларнинг номи нима?(Гуллар)

Тарбиячи: Тўғри, буларнинг ҳаммасини умумий номи — гуллар. Улар тупрокда ўсади, озикланади, сув ичади, нафас олади, гул очади, мева тугади. Демак, уларнинг ҳам жони бор, улар ҳам яшайдилар.

Болалар, биз бу гулларга сув қуйиб туришимиз лозим бўлади. Қани Аҳмаджон сен менга ёрдамлашиб юбор, сен гулларга сув

куясан, мен эса гулларнинг баргларини артаман. Мафтуна билан назокат ҳам менга ёрдам берадилар. (Болалар навбати билан гулларга сув қуйишади ва тарбиячининг кўрсатмаси билан гулларнинг баргларини артиб чиқадилар)

**Тарбиячи:** Болалар, мана бу бурчакдаги суратда нима тасвирланган? (Дарахтлар, жуда кўп дарахтлар).

**Тарбиячи:** Тўғри, суратларда гуркираб ўсаётган дарахтлар, уларнинг тагида ўтлоқлар, ариқларда оқаётган сувларни кўриб турибсизлар. Сиз кўриб турган нарсаларнинг барчаси манзарасидир. Яшил ўсимлик оламидан ташқари (суратда яна нима тасвирланган? (Осмон))

**Тарбиячи:** Тўғри кўм-кўк мусаффо осмон ҳам албатта, табиатнинг бир бўлагидир. Қани, ким менга айтади, осмонда нималар учади?.(Самолётлар, вертолётлар, қушлар).

**Тарбиячи:** Баракалла, албатта осмонда қушлар парвоз этади, бу суратда ҳам парвоздаги қушлар тасвирланган. қушларнинг жуда кўп тури бор, қани ким уларнинг номларини айтади.

Болалар: Чумчук, тўтиқуш, қарға, қалдирғоч, мусича... Ким қушлар ҳақида шеър айтиб беради?.

Қалдирғоч, ғоч – ғоч,

Чийилламай бола оч.

Менинг сочим жингалак,

Писта билан бодом соч.

**Тарбиячи:** Раҳмат болалар қушларнинг оч қолмасликлари учун уларни бизлар ҳам боқишимиз керак, уларга ҳам дон, нон ушоқлари, сув бериб турсангиз, сизларни жуда ҳам яхши кўришади, боғчамизга учиб келишади, сизларни кўрганларида хурсандчиликдан сайрашади.

**Тарбиячи:** Табиат бурчагимиздаги мана бу сайроқи қушнинг номи нима ва у қаерда яшайди?

**Тарбиячи:** Ҳақиқатан ҳам бу қуш каклик бўлиб, ўзимизнинг тоғларда жуда кўп учрайди. Қиш фаслида ҳамма нарса – ўтлар, гуллар, дарахтлар қор тагида қолиб кетиши сабаб, тоғда яшайдиган какликларимиз ҳаёти учун зарур бўлган донни топишга қийналадилар ва улар одамлар яшайдиган жойларга, йўлларга тўда-тўда бўлиб яқинлашадилар. Шунда баъзи бир одамлар уларни овлайди, ўлдиради, қафасларга солиб сотишади. Улар тўғри қилишадими?

**Болалар:** Йўқ, какликларни ўлдириш мумкин эмас.

**Тарбиячи:** Тўғри, шунинг учун ҳам боғчамиз «қизил китоби»га какликни ҳам киритганмиз. Биз какликка доимо ғамхўрлик қиламиз. Дон, нон ушоқлари, сув бериб парвариш қилиб келмоқдамиз. Албатта. бундан кейин ҳам бу ишларимизни давом эттиришимиз керак.

Болажонлар қани айтинглар-чи, қиш биринчи қаерга келади?  
А) шаҳарга В) тоғга С) қишлоққа Д) далага

Бу суҳбат давомида тарбиячи болалар билан какликка дон бериб, парвариш қиладилар.

**Тарбиячи:** Атрофимиздаги табиатда ўсимликлар, қушлардан ташқари ҳайвонлар ҳам бор. Мана бу суратда ҳайвонот олами вакиллари тасвирланган. Қани, ким қайси ҳайвонни танияпти?

**Болалар:** сигир, от, ит, мушук, қўй, эчки, эшак, бўри, қуён, тулки...

**Тарбиячи:** Баракалла! билагонлар. Бу ҳайвонларни топдингизлар. номини айтган ҳайвонларингиз уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар туркумига бўлинадилар.

Тарбиячи машғулот давомида ер ва қуёш ҳақида ҳам қисқача тушунча беради, ўсимликлар, ҳайвонот дунёсида, инсонлар ҳаётида ер, сув ва қуёшнинг туган ўрни ҳақида тушунтиради. Машғулот сўнгида «қуёш ва ёмғир» ўйини ўйналади.

**Мавзу:** Болаларни мевалардан олма билан таништириш. (муассам машғулот).

**Мақсад:** Кичкинтойларга табиатнинг ноз-неъматлари ҳақида дастлабки экологик тушунчалар бериш, кундалик ҳаётларида истеъмол қилаётган меваларининг номларини, таъми, шакли, рангини ўзаро таққослаб, фарқлашга ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:** Болаларни табиат ҳақидаги тасаввурлари ортади, мевалар ҳақидаги билимлари кенгаяди. Зарур жиҳозлар: Саватда мевалар.

**Интерфаол усуллар:** Сайр (муассаса боғига сайр уюштириш).

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болалар билан боғча боғига боради, уларни суҳбатга тортади.

**Тарбиячи:** Болалар ҳозир қайси фасл? (Ёз фасли.)

**Тарбиячи:** Тўғри, болажонлар, бугун об-ҳаво қандай? (Иссиқ, қуёшли)

**Тарбиячи:** Ҳақиқатан ҳам болажонлар, қуёш чақнаб нур сочяпти, қуёш нурлари ерни қиздираяпти, ўсаётган гуллар, майсалар ҳам сув ичишни хоҳлаяпти. (Гулларга сув қуйилмаган

бўлиши ва улар сувсаган бўлиши керак) қани болалар гулларга сув қуяйлик-чи. Сувлардан майсаларга, гулларга, баргларга қуйсак, майсалар яшнаб кетади, гуллар янада чиройли ўсади, дарахтлар кўкка бўй чўзиб, баланд ўсади.

**Болалар:** Опа, сув жуда яхши, бизлар ҳам сув ичамиз.

**Тарбиячи:** Ҳа, болажонлар, сувнинг яхши хислатлари жуда кўп, атрофимиздаги олам, табиатнинг ҳаёти учун жуда зарур. Сув биз учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Инсон томирларида қон оқиб турганидек, она табиатимиз учун қон вазифасини сув бажаради. Сувни исроф қилмаслик керак, ариқларда оқаётган сувларни исроф қилмаслик керак. (Тарбиячи болалар билан биргаликда муассасада мавжуд дарахтларнинг турларини айтиб ўтади: нок, анор, олхўри, бодом, олма). Энди сизлар билан биз мана бу дарахт номини, унинг мевасини нима деб номланишини айтишимиз керак, қани ким айтади?

**Болалар:** Бу олма дарахти, шохларида мевалари (олмалари)

Тарбиячи дарахтдан олма узиб болаларга кўрсатади, олма қайси рангда? (қизил)

**Тарбиячи:** Тўғри, олманинг рангини тўғри топдингизлар сизларга мен олма териб бераман (тарбиячи саватчага олма териб олади, болалар олмадан емоқчи бўладилар). Болалар, меваларни ейишдан олдин нима қилишимиз керак эди?

Азиз: Ювиш керак эди, опажон.

Тарбиячи: Албатта, олмаларни ювиб ейиш керак, бўлмаса қоринларингиз оғриб қолади (олмаларни сувда ювиб, болаларга таркатади). Олманинг мазаси қандай экан, ким айтиб беради?

Болалар: Ширин, ширин...

Тарбиячи: Олма қипқизил, жуда ширин мева экан, лекин сарик, кўк олмалар ҳам ширин бўлади. Мен сизларга ҳозир ҳикоя айтиб бераман (болалар дарахт соясига ўрнашиб ўтириб олишади). Сизларга ўхшаган Мунира исмли қизча бўлган экан. Бир куни дадаси билан сайр қилиб юганда, катта бир дарахтни кўриб, дадасидан сўрабди:

– Дада, бу қандай дарахт?

– қизим, бу олма дарахти, вақти келиб у сенга ширин олмалар беради.

Кунлар ўтибди, баҳор келиб, ёмғирлар ёғибди, она табиат дарахтга сув берибди, куёш нурлари билан ерни иситибди, дарахт барг чиқарибди, гуллабди, кейинчалик кичик-кичик олмачалар

туғибди. Шунда Мунира дарахтнинг олдига келиб: «дарахт олмаларингдан бер», деб сўрабди, лекин дарахт олмаларидан бермабди. Мунира роса хафа бўлиб йиғлабди. Шунда дарахт қизга ёрдам бериш учун қуёшга мурожаат қилибди. Қуёш ерни роса қиздирибди, олмалар катта-катта бўлибди, қипқизариб пишибди. Буни кўриб хурсанд бўлган қизча яна: «Дарахт, олмаларингдан бер», дебди. Дарахт эса олмалардан узиб беролмабди, чунки унинг қўли йўқ экан-да. Шунга бу сафар шамолни ёрдамга чақирибди, шамол дарахтни силкитибди, олмалар дувиллаб тўкилибди. Мунира хурсанд бўлиб, саватчасига олмаларни териб, уйига олиб кетибди.

Олма: Мен сизларнинг олмангиз,  
Хомлигимда олмангиз.  
Нортожига ўхшаб сўнг,  
«Вой қорним» деб қолмангиз, – дейди.

Тарбиячи: Меваларни энди хомлигида, ювмасдан емаслик кераклигини билиб олдингизлар. Энди топишмоқ топамиз: Изи бору, ўзи йўқ, сўзи бор -у, юзи йўқ. (шамол) Машғулот охирида тарбиячи болалар билан «нима қаерда ўсади» дидактик ўйинини ўйнайди.

**Мавзу: Болаларни кузги дарахт билан таништириш.**

**Мақсад:** Болаларни дарахтнинг асосий қисмлари(танаси, шохлари, барглари) ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш. Баргларни ранги, катта-кичиклиги, шаклига кўра фарқлашни машқ қилдириш. Дарахт, шохлар, барглар, чиройли, яшил, сариқ, йўғон, ингичка сўзларини луғатга киритиш. Кузги дарахт гўзаллигидан завқланиш ҳиссини уйғотиш.

**Кутилаётган натижа:** Болаларда кузатувчанлик ҳисси пайдо бўлади. Дарахтнинг асосий қисмларини билиб оладилар. Баргларни ранги, катта-кичиклиги, шаклига кўра фарқлашни ўрганадилар. Кузнинг гўзаллигидан завқланадилар.

**Интерфаол усуллар:**

Савол-жавоб

Дидактик ўйин

**Ташкил этиш:** Боғча ҳовлисида болалар билан ёнига бориш кулай бўлган алоҳида турган дарахтни танлаш.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга кузатишга мўлжалланган дарахтни аввал узоқдан кўрсатиб, унинг гўзаллигини завқ билан томоша қилишни таклиф этади. Сўнгра дарахт ёнига

келиб доира бўлиб турадилар. Тарбиячи: Болалар паст шохчага бўй чўзиб қўлингизни текизиб кўринг-чи. Тарбиячи энг пастроқда жойлашган шохни эгиб болалар барглари яқиндан кўришлари учун имкон яратади. Уларнинг ранглари қандай? Улар каттами ёки кичикми?

Сўнгра болалар дарахт тагидан яшил, қизил, сариқ барглари топинг топшириғини беради.

Шерзод сен нима олиб келдинг?

Унинг ранги қанақа?

Нима учун ранглари бунақа?

Болалар дарахтнинг танасини кўрсатинг?

Энди эса шохларини?

Бармоқларингиз билан дарахт танасини ўраб олинг.

Болалар бармоқлар билан дарахт танасини ўраб олиш мумкинми?

Нима учун мумкин эмас?

Дарахтнинг танаси қандай?

Болалар энди келинг кўпчилик бўлиб дарахтни кучоқлаймиз.

Шундан сўнг тарбиячи болаларни маълум масофада дарахтдан узоклаштириб, яна бир бор унинг гўзаллигидан завқланишни таклиф қилади.

(Кузги барглardan гербарий тайёрлаш топшириғини бериш)

### **Мавзу: Пиёз экиш.**

Мақсад: Болаларни бош пиёз ҳақидаги тасавурларини аниқлаш (у думалок, сариқ, учи, илдизлари бор). Пиёз экиш ўргатиш (чуқурчага қўйиб, атрофидан сиқиш ва устига солиб, суғориш) ўсимликларни ўстиришга қизиқиш уйғотиш пиёзнинг хусусиятларини, шунингдек, пиёз экишга бўлган иштиёқларини қондириш.

Кутилаётган натижа: Болаларнинг пиёз ҳақидаги тасавурлари мустаҳкамланади. Пиёзнинг хусусиятларини уни экишни ўрганиб оладилар.

Зарур жиҳозлар: Унган пиёзбошлар юмшоқ тупроқли чуқурча қавланган туваклар, лейкаларда сув. Столлар қатор қўйилади, болалар тикка турган ҳолда пиёзбошларни экадилар.

Интерфаол усуллар:

Сухбат

Савол-жавоб

Амалий иш

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга кўк барглари унган пиёзбошни кўрсатиб «Ўу нима?» деб сўрайди. Агар болалар қийналсалар, тарбиячи пиёзбошнинг кўк баргларини кўрсатиб ўзи айтади.

«Пиёз баргларининг ранги қандай?» деб сўрайди. Сўнгра ҳар бир болага биттадан пиёзбош беради.

Болалар бу нима?

Пиёз пўстининг ранги қанақа?

Болалар пиёзни ушлаб стол устида юмалатинг. Болалар пиёзбош думалоқ шунинг учун у жуда яхши юмалади. Болалар пиёзбошнинг шакли қанақа экан?

Болалар пиёзбошни тупроққа экамиз, ундан кўк пиёз ўсиб чиқади. Шундан сўнг тарбиячи болаларга чуқурчани кўрсатади ва ҳар бир болага қайтаришни таклиф қилади. Тарбиячи пиёзбошни олишларини таклиф қилади. Пиёзнинг думи ва боши қаердалигини кўрсатади. Болалар тарбиячининг кетидан такрорлайдилар. Пиёзбошларни босиб, атрофига тупроқ тортиб, тупроқни бармоқлар билан босилишини, сўнгра эса сув қуйиш мумкинлигини айтади. Экилган пиёзларни кўриб чиқиб болаларни рағбатлантиради.

**Мавзу: Товуқ жўжалари суръати устида суҳбат.**

Мақсад: Болаларда товуқнинг болалари – жўжалари борлиги ҳақидаги тасаввурни мутаҳкамлаш: товуқ ва жўжаларнинг ташқи кўриниши ҳамда ҳагги-ҳаракатлари(товуқ катта, оқ, унинг пати, думи, қаноти бор, жўжалар кичкина, сарик, момикдек, товуқ ва жўжалар юради, югуради, дон чўқийди, сув ичади) ҳақидаги билимларни аниқлаш. Луғатларига товуқ, момикдек, жўжалар, пат, кичкина, дон сўзларини киритиш. Ҳайвонларни кузатишга ўргатиш орқали қизиқишларини орттириш, уларга эҳтиёткорона, ғамхўрона муносабатда бўлишни тарбиялаш.

Кутилаётган натижа: Болалар товуқнинг болалари жўжалар эканлигини билиб олади, улар ҳақида тасаввурлари ортади. Ҳайвонларни кузатишга қизиқиш пайдо бўлади. Эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни билиб оладилар.

Зарур жиҳозлар: Расм, қўғирчоқ.

Болаларни ярим доира шаклида ўтказилади.

Интерфаол усуллар:

Суҳбат Савол-жавоб

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи кўғирчоқни кўрсатиб: «Кўғирчоқ Лолахон қишлоқда бувисиникида меҳмонда бўлди. У ерда кўпгина нарсаларни кўрди. Лолахон сизларга кўрсатиш учун рассомдан далада кўрган нарсаларининг расмини чизиб беришни илтимос қилди. Қаранг болалар мана ўша расм. Расмни кўришга таклиф этади» болалар расмни кузатаётганларида тарбиячи болаларга қуйидаги саволлар билан мувожаат қилади:

Расмда нима тасвирланган?

Она товуқ нима қилаяпти?

Уларнинг жўжалар эканлигини қаердан билдингиз?

Санангчи улар нечта экан?

Жўжалар нима қилаяпти?

Товуқнинг ранги қанақа?

Жўжаларининг рангичи?

Қайси бири қатта товуқми ёки жўжаларими?

Товуқнинг бошида нимаси бор?

Товуқ ва жўжалар тумшуғи билан нима қилишяпти? Улар нимани чўқилаяпти? Товуқ ва жўжалар нималарини қоқишяпти? Товуқ дон топганда жўжаларни қандай чақиради? Эгаси товуқ ва жўжаларга дон берганда уларни қандай чақиради?

Машғулот охирида тарбиячи болалар билан «Товуқ жўжалари билан» ўйинини ўйнашни таклиф қилади.

**Мавзу: Хона ўсимликларини ювиш.**(тайёрлов гуруҳ)

Мақсад: Болаларнинг хона ўсимликлари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш. Тарбиячи раҳбарлигида меҳнат қилиш малакаларини ҳосил қилиш. Нам сочиқ билан ўсимлик баргларини эҳтиёткорлик билан ювишга ўргатиш. Болаларнинг ўсимликларга бўлган қизиқишлари ва уларни парваришlashга бўлган иштиёқларини ривожлантириш. Болаларнинг луғатларига -фикус, парваришlash, суғориш, артиш каби сўзларни киритиш.

Кутилаётган натижа: Болаларнинг хона ўсимликлари ҳақидаги билимлари янада такомиллашади. Ўсимлик баргларини эҳтиёткорлик билан артишни билиб оладилар. Болаларнинг ўсимликларни парваришlashга бўлган ҳаваслари ортади. Луғатларини янги сўзлар билан бойитиш.

Зарур жиҳозлар: Клеёнка солинган стол устига барглари қалин ва бақувват бўлган ўсимликларни болаларга унинг олдига боришга қулай қилиб жойлаштирилади. Ҳар бир ўсимлик ёнига 2 – 3 тадан

нам сочиқ кўйилади. Болалар тикка турган ҳолда ёки ярим доира шаклида ўтирадилар Интeрфаол усуллар:

Сухбат

Савол-жавоб

Амалий иш

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларнинг диққатини стол устидаги ўсимликларга жалб этиб, уни кўриб чиқишни ва номини айтишни таклиф қилади. Ўсимлик номини ҳар бир бола такрорлаб чиқади.

Болалар фикус нимага ўхшайди дарахтгами ёки ўтгами? саволи билан мурожаат қилади.

Унинг барглари қанақа, каттами ёки кичкинами? Унинг ранги қанақа?

Бир иккита болага ўсимлик ёнига бориб баргларини ушлаб(силаб | кўрингларчи).

Улар қанақа?(улар силлик ва ялтироқ)

Мана болалар фикус бизда қанақа катта бўлиб, дарахтга ўхшаб ўсибди. Унинг барглари катта, яшил, силлик ва ялтироқ.

Болалар, биз фикус ва бошқа ўсимликларни қандай парваришлаймиз?

Тарбиячи: Бугун болалар биз сиз билан ўсимликларни баргларини артишни ўрганамиз. Ҳар бир ўсимлик олдида сочиқчалар турипти. Мен сочиқчамни ўнг кўлимда тўғрилаб ушлаб олдим. Чап кўлимга фикуснинг баргларини унга озор бермасдан эҳтиёткорлик билан кўяман, сочиқча билан артаман, кейин эҳтиёткорлик билан орқа томонини артаман. Болаларга тушунтириб кўрсатиб бўлгач: Болалар қаранг ўсимлигимиз қандай тоза бўлиб қолди. Энди болалар ҳаммангиз енгларингизни шимариб ўсимликлар олдида келинглар ва унинг баргларини ўзингиз артиб кўринглар.

Болалар топширикни бажарадилар тарбиячи уларни кузатиб уларга маслаҳатлар бериб боради, зарур бўлган вақтда яна кўрсатиб бериши мумкин.

Машғулот сўнгида тарбиячи болаларга ўсимликнинг жуда тоза бўлгани, унинг барглари ялтираётгани, энди ўсимликларга фақат сув куймасдан уларнинг баргларини артиб туришларини айтиб Машғулотни тугатади.

**Катта ёш гуруҳ.**

**Мавзу: Боғ(парк)га экскурсия. Баргига қараб дарахтларнинг номини аниқлаш (мужассам машғулот)**

Машғулот мақсади: Болаларнинг(дарахтларда сариқ барглар пайдо бўлиши, ўтлар сарғая бошлаши, ҳашаротлар тобора камая бориши, кушларни иссиқ ўлкаларга учиб кетиши) санитария кузатиш ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш, болаларни баргининг шаклига қараб фарқлашга ўргатиш. Кузнинг гўзаллигини кўра олиш малакаларини ривожлантириш.

Кутилаётган натижа: Болаларда табиатга нисбатан қизиқиш пайдо бўлади.

Кузнинг гўзаллигини кўра оладилар. Эстетик қобилиятлари ривожланади.

Баргларининг шаклига кўра дарахтларни фарқлай оладилар. Гербарий тўплайдилар

Зарур жиҳозлар: Экскурсиядан олдин болалардан қайси фасл кириб келганлигини сўраш. Гулларнинг уруғларини солиш учун халтачалар. Олдиндан тайёрланган гербарийлар учун папка Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга кузнинг дастлабки белгиларини топишни таклиф қилади. Қуйидаги йўналтирувчи саволлар билан мурожаат қилади: Ёзда дарахтларнинг барглари қандай рангда эди? Ҳозир қайси дарахтларда сариқ рангли барглар пайдо бўлибди? Тарбиячи:

Боғ яшнайти боғбон билан,  
Дала яшнаит деҳқон билан.  
Уй яшнайти бола билан,  
Тоғ яшнайти лола билан.

Тарбиячи: Болалар, ҳар нарсанинг ўзига яраша гашти бор. Мана, менинг қўлимда япалоқдай ям-яшил барг бор. Қани, ким айтади, бу қайси дарахтнинг барги?(Ёнғоқ) Тарбиячи: Тўғри, болажон, энди топишмоқни топинг -чи. Қўшалоқ товоқ - ичи тўла ёғ.

Ёнғоқ баргига ўхшаш, бироқ нисбатан кичикроқ баргли дарахтни кўрсатиб. Қайси дарахт эканлигини сўрайди(Гилос).

Шундан сўнг тарбиячи болалардан гилос ҳақида шеър айтиб беришларини сўрайди ёки қуйидаги шеърни ўқиб беради

Билурсан отим Гилос,  
Шириндурман асалдан,  
Суяр мени ҳамма соз.  
Доридурман азалдан.

Мени кўрган кишилар,  
Ўзга мева хохламас.  
Мени севиб егани,  
Кутқазаман касалдан.

Тарбиячи: Эшитдингизми, болажонлар, гилос жуда ҳам фойдали мева экан. Энди стол устидаги барглардан қайсилари мевали дарахтларники эканлигини ажратиб кўрсатинглар ва гербарий учун тайёрлаган папкамизнинг тегишли жойларига солиб қўйинг.

Меваларнинг уруғин экиб, асранг ўртоқлар, Келажакда улардан яратилар гул-боғлар.

Тарбиячи: Ҳа, болажонлар гул ва меваларнинг уруғларини экиб, асрашимиз лозим. Агар уларни асраб-авайласак, келажакда бундан ҳам кўркамроқ боғ-роғлар яратамиз. Болажонлар, барглар ичидан мевали дарахтларни жуда тўғри топдингиз. Бу дарахтларнинг меваси минг дардга даво экан.

Болажонлар, қани энди ким чакқон экан, бир нафасда ким тез айта олар экан?

Носир новвоти нокни олди – новвоти нокни Носир олди. (Тез айтиш.)

Бир, иккита бола тез айтишни айтгач болалар билан «Боғчамиз боғида» шеърини ёд олинади.

Боғчамизнинг боғида,	Сават-сават тердик биз,
Меҳнат қилдик ҳаммамиз.	Узум, шафтоли, анор.
Нақд олтин куз чоғида,	Пишди беҳи, олмамиз.
Ҳосилидан ёруғ юз,	Диллар яйраб қувонар.

«Ҳамма тезда ўз баргига» ҳаракатли ўйини

Болалар энди мана бу гулларга қаранг қандай чиройли гуллар экан. Бу гулларнинг номини биласизларми? Агар болалар билмасалар тарбиячи ўзи гулларнинг номларини айтади ҳамда болаларга ўзларига ёққан гулларнинг уруғларидан уруғлар учун халтачаларига солишни таклиф қилади.

Машгулотнинг якунида тарбиячи болаларга энди бу терган уруғларини қайи фаслда ер участкамизга экишимиз мумкинлиги тўғрисида сўрайди. Болалар жавобларидан сўнг фаол иштирок этган болаларни рағбатлантиради.

### **Мавзу: Табиат ҳақида суҳбат.**

Мақсад: Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаб, табиат дунёсининг ранг-баранглиги, ўсимликлар ва ҳайвонот

оламининг, жонли ва жонсиз табиатнинг уйғунлиги ҳақидаги билимларини кенгайтириш, табиат ҳодисаларини кузатиш.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болалар билан «Табиат деганда нимани тушунамиз?» мавзусида суҳбат уюштиради.

Феруз: Атрофимизда мавжуд қуёш, ой, юлдузлар, ер, ҳаво, сув, тоғу тошлар, дала-қирлар, дарахтлар, ўсимликлар ва одамлар – буларнинг ҳаммаси табиатдир.

Тарбиячи: Атрофимизни ўраб турган, Ферузжон санаб ўтган арча нарсалар табиат ёки экология деб аталади. Табиат шундай ажойиб нарсаки, ундаги жонли ва жонсиз, ранг-баранг ўсимликлар ва ҳайвонот оламини уйғунсиз тасаввур этиб бўлмайди. Атрофимиздаги табиат манзарасига бир боқинг: мовий осмонда қуёш чарақлаб, оқ булутлар сузиб, қушлар чарх уриб юрибди. Дарахтларнинг барглари шамолда шитирлайди, ариқда сув жимираб оқаяпти, гуллар очилган, ўтлар яшнаб кўқарган, бу гўзал табиат кўйида эса инсон, яъни сиз ва биз яшаймиз. Табиатдаги ҳамма нарсалар, жараёнлар бир-бири билан боғлиқдир. Табиатнинг узилмас занжири бўлган бу организмнинг ривожланиши учун нима зарур?

Одина: Ҳаво, сув, қуёш, ёруғлик, иссиқлик, озиқ-овқат.

Тарбиячи: Тўғри, булар ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ. қуёш иссиқлик етказиб берса, сув қон сингари ўсимликлар учун озуқа, тупроқ. Дарахтлар ва ўсимликлар инсон учун маҳсулот етказиб берса, инсон уларни истеъмол қилиб, табиатнинг ривожланиши учун уни парвариш қилади.

Камола: Масалан, терак ёз давомида жуда кўп чангни ютиб, одамларга тоза ҳаво етказиб беради.

Тарбиячи: Дарахтлар ва буталар ҳавони чанг ва ғубордан тозалайди иссиқ кунларда одамлар уларнинг сояларида дам оладилар дарахтлар одамларга мевалар етказиб беради. Ўсимликлар одамлардан ташқари ҳайвонлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Ҳайвонлар ўт-ўланлар билан озиқланишини ким айтади?

Камола: Ҳайвонлар ўт-ўланлар, ўсимликлар, уларнинг мевалари билан озиқланади.

Тарбиячи: Тўғри, демак, дарахтлар ҳайвонот олами учун ҳам озуқа сифатида хизмат қилади. Қушлар, ҳайвонлар ўсимликларга қандай фойда беради.

Нафиса: қушлар баъзи бир ҳайвонлар дарахтларга зарар етказадиган қурт ва ҳашаротларни еб, уларни ҳимоя қилади.

Тарбиячи: Биз сизлар билан санаб ўтган одамлар, дарахтлар, ўсимликлар, ҳайвонлар қушлар – барчаси жонли табиат вакиллари дир. Чунки улар озикланади, нафас олади, ўсади, ривожланади, кўпаяди ва охирида нобуд бўлади. Улар шу хусусиятлари билан ҳам жонсиз табиат жисмларидан фарқ қилади. Жонли табиат султони одам ўз ҳаёти учун зарур барча нарсаларни жонли ва жонсиз табиатда, меҳнат жараёнида яратади. Лекин шу билан бирга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш учун инсон уни яхши билиши, севиши ва ҳимоя қилиши керак. Шу сабабли кейинги вақтда «экология» деган тушунча пайдо бўлди (экология – экос – уй, логос – фан, деган латинча сўзлардан ташкил топган). Яъни барча тирик мавжудотлар уйи (табиат ҳақида фан). Экология тирик мавжудотларнинг бир-бири ва жонсиз табиат билан боғлиқлиги, одамнинг табиатдаги ҳулқ-атвори унинг табиатга маданий муносабати ҳақидаги фикри. Табиат ва инсон бир-бутун.

Зар гилам – зар-зар гилам, кўтарай десам оғир гилам. (Ер.)

Кетаверади, кетаверади, орқасига қарамайди. (Сув.)

Тилла сандик очилди – ичидан зар сочилди. (Қуёш.)

Тарбиячи: Табиатда жисмлар қаттиқ, суюқ ва газсимон бўлиши тўғрисида болаларга тушунча беради. Масалан, тош, темир – қаттиқ жисм; сув, нефть, бензин – суюқ жисм. Улар шаклсиз бўлиб, оқиб кетиши, ёйилиб ёки учиб кетиши мумкин. Ҳаво, табиий газ – газсимон жисмлар, уларнинг баъзи бирларидан нафас оламиз. Улар тарқаб, учиб кетиш хусусиятига эга, суюқлик сингари шаклсиз, ҳаво бошқа жисмлардан бўшаган барча бўшлиқларни эгаллаб, кўзга кўринмайди.

Феруз: Ер, қуёш – ота-она,  
доим бизга парвона,  
Улар жуда серфарзанд,  
болалари асал-қанд.  
Бир - бирдан ортиқдир,  
бари бизга тортиқдир,  
аралаш ўғил-қизи,  
икки юзи қирмизи.

Камола: қизғиш думалоқлиги отасига ўхшайди.

Серсув ва кумоқлиги онасига ўхшайди.

Озода: Алп чинорлар – полвонлар, хуш қоматли ўғлонлар,

Мевалари – неварга, ўт-ўланлар – чевара.

Гул–чечаклар – кизлардир, ердаги юлдузлардир,

Биз ҳам уларга фарзанд, ажралмас азиз дилбанд.

Тарбиячи: Раҳмат, болажонлар, табиат жисмлари ҳақидаги олган билимларимизни жуда чиройли қилиб шеърӣ ифодаладингиз. Энди ўзимизни тест саволлари орқали синаб кўрамиз.

Ер, сув, тоғу тош ҳам ухлайдими? Ухласа, қайси фаслда? А) қишда В) ёзда С) баҳорда.

Ҳаёт ташкил топган 4 унсурлардан номаълумини топинг. А) сув В) ҳаво С) тупроқ Д) ...?

қишда қайси дарахт ухламайди? А) чинор В) хурмо С) арча

Ойна каби ялтирайди, иссиқ тегса мўлтирайди? А) ойна В) муз С) сув.

Тарбиячи болалар билан ҳар бир фаслга хос ўзгаришлар ҳақида яқуний суҳбат уюштиради ва машғулотни тугатади.

## **БОЛАЛАРГА ЎҚИБ БЕРИШ УЧУН БАДИИЙ АСАРЛАР**

### **НИНАЧИ**

Ёзнинг иссиқ кунлари бир эрмагимиз чўмилиш бўлса, бир эрмагимиз ниначи тутиш... Турфа ранг ниначилар анҳорнинг майсага бўлик ёқаларида кўниб-учиб юришарди. Ориқ қоматларию, жуфт-жуфт қанотлари бирам рангдорки, гўё куёш нузли сочларини ниначиларга атай қадаб, хилма-хил бўёққа бўяб кўйгандай. Найкамалак ранги уларнинг қанотида жилва қилади. Бўй уфуриб ётган ялпизларга ниначилар гала-гала бўлиб кўнганда, гўё улар «гуллаб» тургандай кўринади. Биз ким ўзарга ниначи тутиш билан андармон бўламиз. Бармоқларимизни қисиб оламизда, шарпасиз олға чўзамиз. Ҳавонинг бемажол тўлқинини сезиб қолишадими, улар ногаҳон енгил учиб кетишади. Бирпас лол қоламизда, тагин ўзгасини таъқиб этамиз. Овимиз бароридан келса, бошимиз кўкка етади. Бир нечасини бир-бировига мақтаб, «аэроплан» қилиб учирамиз. Улар ушоққина таналарига ўралган ингичка оқ ипни зўр-базўр судраб, ер бағирлаб парвоз қиладилар.

Бир куни ниначиларнинг нафармон, яшил, зангори, малла, туслиларини уйга келтириб, отамга мақтандим. Отам бўлса, уларга бир сира кўз қирини ташладию, сўнг бепарво шундай деди:

– Бунинг яратувчисини кўрмагансан-да? Балчиқда кўмилиб юради. Бузоқ бошига ўхшаган бадбашара. Унинг қорнини ёриб чиқади ниначиларнинг бари...

Шунда ўзим ардоқлаган гўзаллик тимсолидан кўнглим бир сира совиб кетадию, ўша гўзалликни яратган «сир»ли махлукни ўз кўзим билан бир кўришга ошиқиб қоламан.

Бу ниятимга тез орада етдим. Гузарда чўмилаётсам, анҳор ёқасидаги кўлмақда бир нима кўринди. Ҳаял ўтмай, ям-яшил ниначининг ярим танаси балчиқранг, исқирт сув кўнғизининг қорнини ёриб чиқди. Ҳақиқатан ҳам жониворнинг ерёнғоқчалик келадиган вужуди жуда ҳам жирканч эди. Лекин, барибир, мени ўзига ром этган, камалақдек сержило ниначилардан ихлосим ҳеч қайтмас эди.

## ЧУМЧУҚ

(Ўзбек халқ эртаги)

Чумчуқ учиб кетаётиб йўлдан бир ғўза топиб олибди. У севинганидан ғўзани тишлаб, шошилганича бир кампирнинг олдига олиб борибди. Ғўзани кампир олдига ташлаб:

– Чув; чий-чий, – дебди. Кампир ғўзани чувиб берибди. Чумчуқ пахтани олиб бошқа бир кампир олдига бориб:

– Сава, сав, сав, –дебди. У кампир саваб берибди, сўнгра чумчуқ ола чопон бўзчи дўкони олдига бориб:

– Иг, иг, иг, тўк, тўк! – дебди. Дўкондор бўзчи йигириб, тўқиб берибди. Чумчуқ машиначи олдига олиб бориб:

– Тик, тик, тик, дебди. Машиначи уни ўлчаб, чопон тикиб берибди.

Ана энди Чумчуқбой чопонни кийиб, подшо ўрдасига учиб борибди. Чумчуқ қараса, подшо таҳорат қилаётган экан. Чумчуқ бир қадам нарида туриб, подшога:

– Менинг тўним чиройли, менинг тўним чиройли, – дебди.

Шунда подшо ғазабга келиб:

– Жаллод, – дебди. Бош жаллод келибди. Подшо:

– Ана у фалокат нима деяпти? Ўлдир уни! – деб бақирибди.

Бош жаллод ҳам қонли болтасини қулочлаб, зарб билан урибди. Чумчуқ пирр этиб деворга кўнибди. Бош жаллод қараса, урган болтаси подшонинг ярмини кесиб кетибди. Подшо тил тортмай

ўлибди. Чумчук бўлса, деворда туриб, бу ҳодисани кўриб қувониб кетибди.

Шундай қилиб подшо ўлиб, чумчук муродига етган экан.

## ТОШБАҚА БИЛАН ЧАЁН

Тошбақа Ироқдан Хижозга борур эди. Йўлда бир Чаёнга йўлдош бўлди. Иккиси заруратдан ҳамроҳ бўлдилар. Аммо Тошбақа жуда фаросатли эрди, кўп сафарларда яхши ва ёмон билан юриб, кўп тажриба ҳосил қилган эрди. Булар кета туриб, йўлда катта бир дарёга йўликдилар. Ҳеч қаердан ўтишга кўприк тополмадилар. Тошбақа ўзини дарёга ташлаб, қирғоққа ўтиб олди, ғоз за ўрдакдек силкиниб турди. Бирдан орқасига қараса, йўлдоши дарёнинг у қирғоғида найзасини гажак қилиб, у ёқдан бу ёққа юриб турар эди. Тошбақа: «Эй биродар, нима учун бу томонга ўтмайсиз? – деб сўради. Чаён: «Кўз ёшича сув бўлса, бизни маъзур тутинг», – деб жавоб берди. Тошбақа: «Йўлдошлик бундай бўлмайди, озгина қийинчилик билан дўстликни бузиш яхши бўлмас, уни ҳам ўтказиб кўяй», – деб кўнглидан кечирди. Тошбақа бир оз ҳаракат билан дарёнинг бу қирғоғига ўтиб олди. «Эй биродар, сени дарёдан ўтказиб қўйгани келдим, устимга мин, лекин бежо ҳаракат қилма, ўз жонингга жабр қиласан» – деди. Чаён: «Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур» деб Тошбақанинг орқасига минди. Улар дарёга тушиб олдилар, бир қанча вақтдан сўнг Чаён тебранаверди. Тошбақа деди: «Бу бежо ҳаракатдан мақсадинг нимадир?» Чаён деди: «Бугун кенг даланга чиқиб олдим, энди пўлат найзам билан косангни бир синай деган эдим», – деб жавоб берди. Тошбақа деди: «Сенинг чўпга ўхшаш кучсиз найзанг менинг косамга қандай қор қилсин?». Чаён деди: «Сен билмайсанми, Чаённинг муддаоси хоҳ дўстининг кўксига бўлсин, хоҳ душманнинг орқасига бўлсин ишқилиб, ниш уришдир». Тошбақа Чаённинг бу сўзини эшитиб, шундай деди: «Дўстим, қачонгача сув юзида ҳасдек сузиб юрамиз, энди бу чуқур дарёнинг жавоҳирларини томоша қилмоқ керак» – деб сувга бир шўнғидики, Тошбақа жавоҳирлар терди, Чаён жон берди.

### ҚАРАҒАЙ

Бўйин чўзиб  
Қарағай,  
Ён-атрофга

### ТЕРАК

Мен теракман,  
Теракман.  
Мен ҳаммага

Қарағай.  
Дер у:  
Барча дарахтдан  
Баланд аканг-  
Қарағай.

### **МАЖНУНТОЛ**

Бошим эгик,  
Мажнунтол,  
Мажнунтолман,  
Мажнунтол.  
Дам олсангиз  
Соямда,  
Мен сизлардан  
Мамнунтол.

### **ЎРИК**

Қантдек ўрик  
Отим бор,  
Хўп мазали  
Тотим бор.  
Мағизимга беркитган  
Қантим бор,  
Новвотим бор.  
Қолмангиз!

### **ШАФТОЛИ**

Сарик, оқ  
Шафтолиман,  
Зарғалдоқ  
Шафтолиман,  
Мақтаниб  
Ўлтирмайман,  
Мақтанчоқ  
Шафтолиман.

Керакман.  
Осмон менинг  
Елкамда.  
Мен оламга  
Тиргакман.

### **ГИЛОС**

Мен гилосман,  
Қулоқ сол,  
Рангим олу  
Тотим бол.  
Топсанг  
Қўшалогимни,  
Қулоғингга  
Тақиб ол.

### **ОЛМА**

Мен сизларнинг  
Олмангиз,  
Хомлигимда  
Олмангиз,  
Нортожигга  
Ўхшаб сўнг  
Вой қорним, деб

### **ЁНҒОҚ**

Мия каби  
Шаклим бор,  
Бошим тўла  
Ақлим бор.  
Мени еган  
Донишманд  
Бўлур, деган  
Нақлим бор.

## **АРЧА**

Мен арчаман,  
Арчаман.  
Мен хурсандман  
Барчадан.  
Атрофимда  
Айланиб,  
Ҳеч чарчаманг,  
Чарчаманг!

## **НАШВАТИ**

Мени дерлар  
Нашвати,  
Шарбатларнинг  
Шарбати,  
Мазаларнинг  
Мазаси,  
Лаззатларнинг,  
Лаззати.

## **ҚОР ЁҒМОҚДА**

Сокин тун. Қор ёғяпти. Болаларнинг беғубор қалби тўлиб-тошиб оқаётган дарёдай жўшқин. Баҳорда кўм-кўк ўтлоқларда оппоқ капалакларни ушламоқчи бўлгандай ҳар бир заррачага талпинишади. Қандай завқли-а! Она табиат шундай гўзал-ки, унинг чиройи ҳеч ҳам тугамайди.

Ана, қорнинг бир парчаси қизчанинг оппоқ ҳовучига оҳиста кўнди. Қувончдан унинг ёноқлари шундай яшнаб кетдики, бу дақиқалар тасвирига тил ожиз. Қор шундай беғубор қизчанинг кўлига тушганидан, бирдан эриб кетди. Тип-тиниқ шудринг томчисига айланди.

Бир зумдаёқ ҳаммаёқ оқ чойшабга бурканди. Халигина қор заррачаларини ушлашга интилаётган болалар, энди ундан ҳовучлаб-ҳовучлаб олиб, думалоқлаб, қорбўрон ўйнашди.

Тун. Ҳамон қор ёғарди.

## **ТУЯ**

Сахро. Олтинранг қум олов пуркайди. Ўркач-ўркач барханлар оша вазмин одим ташлаб туя бормоқда. Унинг устида: туякаш ва анчагина юк. Манзилгача хийла йўл босиш керак. У ҳар замон, ҳар замон узоқ-узоқларга бўйнини чўзиб, «манзилга етдикмикан» дея термулиб кўяди. У одамларга неча асрлардан бери холис хизмат қилади. Сира тиним билмайди. Қишнинг изғирин, ёзнинг жазирамаси демайди. Нима буюришса, шуни қилади. Ҳатто бирор марта қайсарлик қилган эмас. Ёт дейишса ётган, тур дейишса турган.

Ёзда ҳаммаёқни ёндираман деб турган Қоракум саҳросига ҳам тап тортмай кириб бораверади. Ҳатто бу саҳрода энг қудратли техника ҳам гоҳида унинг ўрнини босолмайди. Унга на қаров, на ўт-ем, на тунов жойи керак. Шу она Ер эгаси бўлса бас. Емишини ҳам ўзи топиб ейди, дуч келган жойда бироз мизғиб олса бас.

Унга фақат бир нарса алам қилади. Ҳеч ким уни севиб эркаламайди. Ҳатто одамлар энг ёмон кўрган кишиларини «Туяга ўхшайсан-а», дейишади. Аслида эса...

. . .Туя ҳамон йўлда. У манзил сари олға қадам ташлаб бормоқда. Олдинда эса паст-баланд барханлар.

## АРЧА

У ҳамиша кўм-кўк. Она тупроқ бағридан униб, қуёшнинг заррин нурларини эмган дамларидан қасамёд қилгандек бир хилда ўсади. Унинг ранги ҳам ҳеч ўзгармайди. Кўм-кўк, ям-яшил...

Кунлар ўтаверади. Йилнинг илк фасли – кишнинг изғиринига бардош берадиган ҳам шу. Ҳатто новдалари оплоқ қорларга чулганганида бахтиёр келинчакка ўхшаб кетади. Баҳорда ҳам сеvimли либосни ўзгартирмайди. Фақат янги новдалари қанот ёзиб, уйғониш фаслини қутлайди. Ёзнинг жазирамасида ҳам одамларга завқ бағишлайди.

Табиатнинг тўкинчилик фасли бўлмиш кузда ҳаммаёқ олтин ранг қиёфага кирганида, сўнгра дарахтлар ўзининг тўнини ташлаганида ҳам, у аввалгидек яшнаб тураверади. Ҳеч қиёфасини ўзгартирмайди.

Ҳамма одамлар ҳам табиатнинг ана шу бебаҳо эҳсонига ўхшаса қанийди...

## ТОПИШМОҚЛАР

Бир парча патир,  
Оламга татир.

(Ой)

Тўртдир унинг оёғи,  
Темир михли туёғи,  
Манзилга етиштирар,  
Тошдан қаттиқ туёғи.

(От)

Ўтириши тойлоқдай,  
Ўт ейиши йилкидай.

(Чигиртка)

Қат-қат кулоқ,  
Дум-думалоқ.

(Карам)

Том устида пиёла,  
Атрофида гул-лола.

(Ой ва юлдузлар)

Ғоқ-Ғоқ-Ғоқ  
Думоғи чоқ,  
Сувда сузиб юраман,  
Кўп кайфлар сураман.

(Ғоз)

### ТОМЧИ ҲАҚИДА ЭРТАК

Қишлоқ чеккасида, баланд тепалик устида бир туп Ўрик ўсар экан. У ҳар йили одамларга кўп-кўп мева бераркан. Аммо атрофида дарахтлар бўлмагани учун жуда зерикаркан. Бир кун эрталаб Ўрик уйғонса, япроғида бир нарса ярақ-ярақ қилиб турганмиш.

– Сен қанақа қушсан? – дебди Ўрик ҳайрон бўлиб.

– Мен қуш эмасман. Мен – Томчиман, – дебди бояги ярақлаб турган нарса.

– Кел, ўртоқ бўламиз, – дебди Ўрик.

– Бўпти.

– Аммо кетиб қолмайсан, – дебди Ўрик. – Бўлмаса қушлардан ҳам ўртоғим кўп-у, ҳаммаси куз келиши билан қочиб кетишади.

– Майли, – дебди Томчи. – Мен энг қийин пайтда сенинг ёнингда бўламан.

Ўрик жуда суюниб кетибди. Икки ўртоқ кун бўйи маза қилиб ўйнашибди. Лекин Ўрикнинг қувончи узоққа бормабди. Эртасига эрталаб уйғонса, Томчи йўқ эмиш.

«Томчи мени алдабди», – деб ўйлабди Ўрик хафа бўлиб. Энди шундоқ деб турган экан, биров уни чақирибди.

– Ўрикжон! Ҳой, Ўрикжон!

Ўрик кулоқ солса, товуш осмондан келаётганмиш. Осмонга қараса, дўмбоққина, оппоқ булут сузиб кетаётганмиш.

– Мени ким чақиряпти? – дебди Ўрик шохларини силкитиб.

– Мен, сенинг дўстингман! – дебди булут борган сайин пастлаб. – Мен – Томчиман.

Ўрик ҳайрон бўлибди:

– Қандоқ қилиб осмонга чиқиб олдинг?

– Мени офтоб бобо булутга чиқариб қўйди.

– Мениям опкет, – дебди Ўрик ҳаваси келиб.

– Йўқ, сен одамларга мева беришинг керак. Қўрқма, мен ҳам яқинда қайтиб келаман.

Томчи шундай дебди-да, булутга миниб, олис-олисларга кетиб қолибди. Ўрик яна зерика бошлабди. «Ўртоғим энди келмайди, деб ўйлабди хафа бўлиб. – Осмонга чиқиб, мени унутиб юборди».

Кунлар борган сайин исиб, Ўрикнинг росаям сув ичкиси келибди. Чанқаганидан япроқлари шалпайиб қолибди. Сув ичай деса, яқин орада биттаям ариқ йўқ эмиш. Охири у шундоқ чанқабдики, ҳушидан кетиб қолибди.

Бир маҳал биров унинг япроқларини силагандек бўлибди. Ўрик кўзини очиб қараса, япроқ устида Томчи турган эмиш.

– Мен сенга ёрдам бергани келдим, – дебди Томчи. У шунақа кўп ўртоқларини бошлаб келган эканки, Ўрикнинг чанқоғи бирпасда босилиб, яйраб яшнаб кетибди. Иккала дўст роса ўйнабдилар.

Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, куз келибди. Ўрикнинг япроқлари тўкилиб, яланғоч бўлиб қолибди. Бу ҳам камлик қилгандек, бирдан изғирин шамол эсибди. Ўрикнинг аъзойи бадани музлай бошлабди.

– Томчи бўлганида ёрдам берарди, – деб ўйлабди Ўрик афсусланиб. Шундоқ дейиши билан осмонда бир вақтлар Томчини кўтариб юргандака булутлар пайдо бўлибди. Булутлар қуюқлашаверибди, қуюқлашаверибди, охири қор ёғиб юборибди. Қор унинг шохларини кўрпадек ўраб олибди.

– Қалай, исиб қолдингми, Ўрикжон?

Ўрик Томчининг товушини дарров танибди. Аммо ўзини кўрмабди.

– Қаердасан, Томчи? – дебди шохларини силкитиб.

– Қорнинг ичидаман, – дебди Томчи кулиб, – қарасам, совуқ котиб қолибсан. Қорни бошлаб келдим.

– Энди кетиб қолмайсан-а? – дебди Ўрик ялиниб.

– Йўк, баҳоргача сенинг ёнингда қоламан.

Ўшандан бери Ўрик одамларга кўп мевалар берибди. Томчи элларни кезибди. Аммо у қаерда бўлмасин, қийин ва зарур пайтда дўсти – Ўрикнинг ёнига келаркан.

### **БУҒДОЙ**

Олтин тожли  
Султонман.  
Сомса, патир,  
Ширмонман.  
Азиздирман  
Одамга,  
Арзандаман  
Оламга.

Ер куйласа,  
Ўйнайман.  
Хирмон сари  
Бўйлайман.  
Ой чиққанда  
Қўноққа.  
Ўхшар  
Кумуш ўроққа.

### **САБЗИ**

Юпқагина  
Пўстим бор,  
Далада  
Кўп дўстим бор.  
Мақолда ҳам  
Ёзикман,  
Ўша  
«Олтин қозик»ман

Ётсам  
Ерга қапишиб,  
Думгинамдан  
Тортишиб,  
Ташладилар  
Ўрага. . .  
Салом  
Палов тўрага!

### **ШОЛҒОМ**

Попук баргли  
Бошим бор.  
Вазмингина  
Тошим бор.  
Думи узун  
Редиска -  
Менга  
Кенжатай ука.

Ёш-да,  
Пича шошар у –  
Баҳордаёқ  
Пишар у.  
Мен шошмайман,  
Бағамман.  
Шунинг учун  
Шолғомман.

### **БОДИРИНГ**

Ичинг тўла  
Сув, дема  
Хохламасанг,  
Бор, ема!  
Қондошмана -  
Бананга,  
Ошқовоқ эса  
Янгамга.

### **ПОМИДОР**

Тўс-тўполон  
Бозорда,  
Ёки бирон  
Гузарда  
Учраб қолган  
Онимда,  
Ўтиб кетма  
Ёнимдан.

Пайти келса,  
Торгар жон –  
Менга хатто  
Бақлажон.  
Хуллас,  
Кўпдир уруғим.  
Шу боис  
Зўр доврўғим.

Кўрганмисан  
Кинони -  
Машхур  
«Чиполлино»ни?  
Ўша ерда  
Мен ҳам бор.  
Номим  
«Синьор Помидор».

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### Асосий ўқув қўлланмалар ва ўқув қўлланмалар

1. О.У.Ҳасанбоева, Х.Д.Джабборова. «Болаларни табиат билан таништириш методикаси». –Т.: «Чўлпон», 2007 й.
2. Қ.Ҳайдаров, С.Нишонова. Табиатшунослик асослари ва болаларни атроф-табиат билан таништириш. –Т.: «Ўқитувчи», 1992 й.
3. «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури. –Т.: «Маърифат мадад», 2001 й.
4. П.А.Юсупова. Мактабгача ёшдаги балаларга экологик тарбия бериш. –Т.: «Ўқитувчи», 1995 й.
5. К.Хошимов ва бошқалар. «Педагогика тарихи». Қўлланма. Т.: «Ўқитувчи», 1996 й.
6. О.Ҳасанбоева ва бошқалар. «Педагогика тарихи». Қўлланма. –Т.: «Ўқитувчи», 1997 й.
7. Х.Д.Джабборова. Мактабгача ёшдаги болаларга экологик таълим-тарбия беришнинг хослиги. –Т.: «Ўқитувчи», 2000 й.
8. Ҳ.С.Йўлдошев., Ш.М. Авазов. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: «Меҳнат», 2003 й.
9. Т.Акбарова. «Мактабгача ёшдаги болаларни ўсимликлар билан таништирувчи дидактик ўйинлар» –Т.: ТПУ, 2005 й.

### Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон ўз истиклол ва тараққиёт йўли. –Т.: «Ўзбекистон», 1992 й.

2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод - сиёсат, мафкура. –Т.: «Ўзбекистон», 1993 й.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
4. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» –Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
5. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. –Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
6. Ўзбекистон Республикаси мактабгача тарбия концепцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 1995 й.
7. Мактабгача тарбия муассасаси тўғрисидаги Низом. «Мактабгача таълим журнали», 2005 й. №3
9. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)
10. <http://www.uralrti.ru>

## МУНДАРИЖА

Кириш.....3

### **I боб. Табиат билан таништириш методикасининг фан сифатида шаклланиши**

1. Табиат ҳақида тушунча.....4
2. Марказий Осиё мутафаккирларининг табиат ҳақидаги таълимотлари.....8
3. Табиат билан таништиришнинг педагогик асосчилари.....12

### **II боб. Табиат билан таништириш методикаси фанининг мақсад ва вазифалари**

1. Табиат билан таништириш методикаси фанининг баркамол инсон тарбиясидаги имкониятлари.....16
2. Ақлий тарбия.....17
3. Эстетик тарбия.....19
4. Ахлоқий тарбия.....20
5. Жисмоний тарбия.....21
6. Экологик тарбия.....22
7. Болаларни баркамол қилиб тарбиялашда табиатнинг ўрни.....24

### **III боб. Болаларни табиат билан таништиришнинг шакллари**

1. Болаларни табиат билан таништиришнинг шакллари ҳақида маълумот.....26
2. Машғулот ва унга қўйилган педагогик талаблар.....29
3. Болаларни табиат билан таништиришда экскурсияларнинг роли.....32

### **IV боб. Болаларни табиат билан таништириш методлари**

1. Табиат билан таништириш методи ҳақида тушунча ва унинг тавсифи. ....37
2. Табиат билан таништиришнинг кўргазмали услуби.....38
3. Амалий услуб ва унинг турлари.....46
4. Табиатда болалар меҳнати.....50
5. Табиат билан таништиришнинг оғзаки услуби. Сухбат.....52

## **V боб. Болаларни табиат билан таништириш шарт-шароитлари**

1. Болалар боғчасида табиат бурчаги.....55
2. Турли гуруҳларда табиат бурчагини ташкил қилишни ўзига хослиги.....58
3. Табиат бурчагида ўсимлик ва ҳайвонларни сақлаш.....63
4. Террариумда яшовчиларни боқиш.....65
5. Қушлар учун донхўраклик ва инлар ясаш.....67

## **VI боб. Болаларни йил фасллари билан таништириш**

1. Куз фаслига тавсифнома.....71
- Ўзбекистонда «Биоэкосан» ва «Экосан» жамғармалари фаолияти.....76
- «Қизил китоб» ҳақида тушунча.....78
- Болаларни табиат билан таништириш методикаси фанидан амалий машғулотлар.....81
- Илова.....84
- Фойдаланилган адабиётлар.....107

**Ш.А.СОДИҚОВА, М.А.РАСУЛХЎЖАЕВА**

# **БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013**

Мухаррир: М.Ҳайитова  
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов  
Мусаввир: Э.Мажидов  
Мусахҳиҳа: Ф.Исмоилова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. АIN№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 15.05.2013 йил.**

**Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.**

**Шартли босма табағи 7,25. Нашр босма табағи 7,0.**

**Тиражи 500. Буюртма №18.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» da chop etildi.  
100066, Toshkent shahri, Olmazor kўchasi, 171-uy.**